


Яраш Нуршилаев

КҮНГИЛ ИФОРИ

84(54)6
Н 87








ЯРАШ НУРИЛЛАЕВ

КҮНГИЛ ИФОРИ

(Назарий ҳикматтар)



ТОШКЕНТ
«МАҲНАВИЯТ»
2018



УЎК: 821.512.133-84

КБК: 84(5Ў)6

Н 87

Нуриллаев, Яраш.

Н 87 Кўнгил ифори [Матн] / Яраш Нуриллаев. – Тошкент: «Маънавият», 2018. – 288 б.

ISBN 978-9943-04-367-1

Яраш ака Нуриллаевни китобхонлар йирик олим, етук илмий асарлар муаллифи сифатида яхши билишади. Кейинги йилларда ўкувчилар олимнинг яна бир ижод киррасини кашф килдилар. Яраш ака ўзини зукко файласуф сифатида ҳам намоён этмоқда. Муаллифнинг икки жилдлик «Камолот ва Саодат» деб номланган фалсафий эсселари – жайдари килиб айтганда кўнгил ҳикматлари икки йил муқаддам китобхонлар эътиборини қозонган эди. Кўлингиздаги китоб адибнинг назмий йўлда яратган асарларидан иборат бўлди. Сиз мўъжаз, кисқагина сатрлар оркали муаллифнинг кўнгил изхорларидан баҳраманд бўласиз, ўзингиз учун ибратли, маънили фикрларни ўзлаштирасиз.

УЎК: 821.512.133-84

КБК: 84(5Ў)6

Такризчи:

*Луқмон Бўрихон – Ўзбекистонда хизмат
AHAR тарбият сатган маданият ходими.*

ISBN 978-9943-04-367-1

© «Маънавият», 2018

Салом ва саломлашиш одоби ҳақида

Одобнинг бошидир самимий салом,
Саломдан бошланар инсоний калом.



Салом дилни дилга боғловчи ришта,
Сен унга амал қил, фарзанд, ҳамиша.



Дилга нур бағишилар дуои салом,
Дўстлик пайдо бўлсин десанг: «Ассалом!»



Саломдан бошланар кўнгил сари йўл,
Яхши ният билан узат дўстга кўл.



Одобли саломни канда қилмайди,
Беодоб бу сўзнинг қадрин билмайди.
Бири муносибидир эъзоз-икромга,
Бирин эса ҳеч ким кўзга илмайди.



Учратган кишининг саломидан бил,
Сездингми у камтар дилига интил.




Саломи гар тил учида кибру ҳавоси бордир,
Юракдан бўлса салом дардга шифоси бордир.



Салом берсанг кексаларга меҳринг ошади,
Қалбинг қувончга тўлиб жўшиб тошади.



Салом кекни юмшатмоқ-чун бебаҳо даво,
Буни қайдан тушунар ул дарди бедаво.



Кибрлининг бир нишони алик олмаслик,
Нодонларнинг белгисидир гапдан колмаслик.




Икки дилда пиҳон эрса гина-кудурат,
Салом-алик пайдо қиласар ўртада ҳурмат.



Билим, яхши амалнинг иқболи ҳам саломдан,
Нияти пок одамнинг камоли ҳам саломдан.
Ассалом деганингда дилда жўшар эҳтиром,
Саодатманд инсоннинг жамоли ҳам саломдан.

Орзу ва мақсад сари интилишининг фазилати

Мақсад сари олға интилган одам,
Меҳнату ранж ила етишар ҳар дам.



Орзу-умид доим омадга бошлар,
Умидсиз армондан кўзини ёшлар.



Тилаклар рўёбга чиқар хунардан,
Хунарсиз бир куни қолар назардан.



Умидлига ҳаёт гўзал, олам мунаввар,
Орзу-умид инсон учун бир шамси анвар.



Киши олға интилса иқболдан узмай умид,
Иншоолло, ҳаёт ҳам қилмас уни ноумид.



Умидинг уйғонур бўлсанг олимлар ичра,
Билимсизлар йўл тополмас золимлар ичра.



Умидли кишини йўли бошлар оқлик сари,
Умиди кесилганлар кетгайлар йўқлик сари.



Умидни доимо кўнглингга шоҳ деб бил,
Муродга етмассан умид-ла тўлмаса дил.



Қилма умид ҳеч қачон хасислардан ошу нон,
Ишонма қасамхўрга, чун унда йўқ имон.
Бирининг кўзи тўймай, бири шармисор бўлиб,
Ўтарлар бу дунёдан қолмагай ному нишон.



Ниятинг холис бўлса саодатга етарсан,
Ёмон бўлса ниятинг, йўлдан озиб йитарсан.



Яхшиликлар йўлдош бўлсин ҳар ишингда,
Ҳеч бир ғубор сезилмасин қилмишингда.




Эзгу ният қилсанг барчага агар,
Ҳавасдан покланар дилинг жилвагар.



Ниятинг пок, гар дилинг бўлса тоза,
Душманинг ҳам олур сендан андоза.



Бадният ортидан эргашган одам,
Балога йўлиқиб, боши бўлур ҳам.



Акл-идрок ила интилган мақсадга етар,
Тадбир-ла ишлаган баҳт-иқбол топар.



Оқиллар билан юрсанг, мақсадинг бўлар ҳосил,
Жоҳиллар билан юрсанг ишинг бўлар беҳосил!



Хунарнинг биридан тутгил, эй ўғлон,
Ундан ризқ-рўзингни топарсан ишон!

Тарбия ба таълим – камолот бешиги

Таълим-тарбиядан бебаҳра одам,
Фаросатдан йироқ юзга кирса ҳам.



Тарбия бер болангта, тўғри йўлдан тоймасин,
Номингни қора қилиб бутун элга ёймасин.



Ҳар бир ўғил-қизга тарбият зарур,
Ушбу иш – қалб озиғи, билим эса нур.



Кимки билим, тарбияни дилига жо этмаса,
Ҳатто кексайгандা ҳам қолур аҳмоқ, беандиша.



Жон болам, жоним болам деб кўпам талтайтирма,
Мактаб борар бўлса, киссасини каппайтирма,
Боланг муштумзўр бўлиб улғайса, бир кун келиб,
Эй одам, ўзингдан кўр, кўзларинг чақчайтирма!



Болангни ўшиликдан ўқитолмасанг,
Унга одоб дарсин уқдиролмассан.

Ақший комиллик – нажот фариштаси

Түғри йүлга бошлар ақл инсонни,
Ақл билан топар нажот, имконни.



Күёш нури оламни гулистон қилур,
Ақл инсон йүлини чароғон қилур.



Файрат билан илм ўрган, иқболинг калити ақл,
Саодат эшигин очолмас ҳеч қачон беақл.



Ақлга билим қўшилса, илм бир дарё бўлур,
Инсон йўлин ёритгувчи нурафшон зиё бўлур.



Гар ақл шоҳ бўлса, заковат эрур вазири замон,
Улар бирлашганда кўнгиллар бўлур чароғон.



Ақл, зако ва меҳнат – камолотнинг калити,
Тўла дуру гавҳардир бу учликнинг қат-қати.




Қўшилса ақл, билим ва меҳнат қуввати,
Кашфиётлар яратгуси инсон кудрати.



Ақл билан эгалла билим ва хунар,
Улар хазинадир, ҳеч туганмас зар.



Ақлинг камолот осмонида, қүёшдек нур сочар,
Меҳнатинг толе, баҳтинг боғига гуллар очар.




Дилингда гар ақл-заковатинг мужассам эрур,
Меҳнатингнинг маҳсули, ҳар нафас, ҳар дам келур.



Ақл – билим ёғдуси, баҳт йўлингни ёритар,
Бехато тўғри йўлдан муродингга етказар.



Ақлий ва наклий билим бирлашган замон,
Барча мақсадлар рӯёбга чиқар шу он.



Ютуқ тушмас осмондан, келар ақлингдан,
Ва терлар тўкиб қилган ўз меҳнатингдан.



Кимдаки ақл ва билим бисёрдир,
Унга ҳар қачон ҳам баҳт-икбол ёрдир.



Ақл – машъал, сени ҳақ сари бошлар,
Беақллик эса кўзингни ёшлар.
Ҳалол меҳнат қилсанг топарсан баҳтинг,
Меҳнат билан зарга айланар тошлар.



Ақл ва ҳунар меҳнат-ла бирлашган замон,
Қадаминг теккан ер бўлар гулистон.



Ақллига бойлик роҳат келтирап,
Нодон учун фақат заҳмат келтирап.



Инсон саодатин икки қаноти ақл – билим,
Меҳнатнинг роҳати, ҳаётнинг завқи – билим.



Ақлингни хис-туйғуга сардор айлагин,
Ақллини ҳар вақт ҳақдор айлагин.



Ақлингнинг кўлами сўзингдан аён,
Кўнглингда неки бор кўзингдан аён,
Эзгу сўз шарафга, ёмон сўз чохга,
Етказишин англа, эй қобил ўғлон!




Ҳар ишингга ақл-идрок ила зеҳн солгин,
Агарда тортишсанг ақл тарафида қолгин.



Худо сени яратиб, ақл калитин марҳамат этди,
Иқболинг қулфини оч дея фикрлашни ато этди.



Зеҳнли уққанини қалбида мудом сақлар,
Илму ҳикмат ила инсонлик шаънин оклар.



Ёшликда сен ақлнинг ҳақ йўлини билмайсан,
Ёмон йўлдан боришининг азобларин сезмайсан.

Билим ва касб эгаллаб, гар меҳнатни суйгайсан,
Ишингдан иқбол топиб, ҳаловатин туйгайсан.



Ақлни ҳар бир ишда ўзингга раҳбар бил,
Кийин пайтда ақл-идрокинг сафарбар қил.



Ақл йўл кўрсатмаса билимдан наф йўк,
Билимга интилмасанг ақлдан наф йўк.



Қай қалбда ақлу идрок қурмаса ошён,
Умрин зое қиласар бундайин инсон.



Калтабинлик – ақлсизлар қилмиши,
Беҳуда ўтади унинг ёз-қиши,
Ақлига суюнса ғайратли инсон,
Баракатли бўлар унинг ҳар иши.




Кимки ақлу ҳушдан бегонадир,
Бас афсус-надомадда ёнадир.



Ошқовоққа ўхшар ақлсиз ҳар бош,
Умрин зое этиб, сўнгра тўкар ёш.

Билим – етукмик пиллатојаси

Кимки илм ўрганишни муддао этгай,
Камолотнинг заррин тахтига этгай.



Заковату меҳнат-ла ярат шону-шуҳратинг,
Элингга кўрсат саховат, ортар куч-кудратинг.



Кимки билим олишни қилса одат,
Илмидан топгай албат иқбол-саодат.




Расул деди: Хитойга бориб бўлса-да илм ўрган,
Бу йўлда чексанг-да машаққат илм ўрган.



Заковат нури-ла кўнглинг айла мунааввар,
Касб-коринг баракаси или топажаксан зар.



Чўққилар чорлайди, билимга интил,
Нур-зиё порлайди, илмга интил,
Гар бойлик истарсан, касб-кор эгалла,
Меҳнат шарафлайди, илмга интил!



Илм олмоқ учун ҳар вақт кеч эмас,
Инсонда иродади-ишонч бўлса бас.



Кимки илм ўрганишни қийин, кеч демас,
Уммондан гавҳар топар, тошдан яратар олмос.



Яшашдан бир кунинг қолса, билим ол,
Кўзингда зарра нур қолса, билим ол!



Мевани тотиб кўрмай билинмас мазаси асло,
Одамни билмай туриб феълин англамас доно.



Корли тоғлар чўққиси булуатдан баланд бўлур,
Ёшлилар қадри билиму меҳнат-ла сарбаланд бўлур.



Жоҳил ортидан борсанг, жаҳолатга ботурсан,
Яхшиларга эргашсанг, иззат-обрў топурсан.




Насибасиз ўксиниб яшар,
Ўқимаган ўкиниб яшар.



Илму урфон бекиёсdir, такомил йўллари узун,
Билиш учун инсонга берилган кам фурсат, нечун?!



Бўлмаса имтиҳон барча «зако»ли бўлар эди,
Билимсиз аён бўлмас ё илмга интилмас эди.



Билимсизлар даврасига бўлсанг қўнок,
Илминг ҳам хор бўлар, аталиб нўнок.



Жоҳил илм ўрганиб, ёмонликни фарқласа,
Кечарди ёмонликдан, яхшиликни англаса.



Бари ёмон хислатлардан билимсизлик ёмон,
Билимсизга бу замин бўлур хорликка макон.




Ўхшайди мевасиз дарахтга билимсиз инсон,
Ёлчитмас на ўзин, на элин, яшагай нолон.



Жаҳолат ичра ҳам йўл топиб чиқарди одам,
Агар илмин машъал қилиб интилса шахдам.



Сўқир қалбга ёруғ олам зулматдир,
Илм ўрганмасант, яшаш кулфатдир.



Жаҳолатга тўқнашиб, текканида бошга тош,
Билимли сабр қилур, кулфатга берар бардош.



Ким илм ўрганмай меҳнатдан кочар,
Оқибат ночорлик аламин чекар.

Англаш, фаҳми-фаросат, фикарлаш өттөн олыш хусусида

Суратидан хүснин күр, сүзидан маъно изла,
Аъмолин англаб, сүнг дўст бўлишни кўзла.



Ҳар киши ўзича англар ҳаётни,
Ҳакдан топажаксан учар қанотни.



Аввало, англа кишини сўзлари маъносидан,
Ки, ёмғир ёғмас қурук қалдирок садосидан.



Кимки агар фаҳм айлаб билса ўзни,
У зинҳор гапирмас бефойда сўзни.



Фаросатли инсон ростдан ўзга сўз демас,
Чинни ҳам ноўрин сўзламоқ ақлдан эмас.



Ақли-фаҳми бор киши ёмонликка гирифттор бўлмас,
Оқиллар сийратни кўпар, суратга хуштор бўлмас.



Одамзотда ҳирсу ҳаво баланд туур,
Лек ақлу фаросат унга банд туур.



Кишида бўлмаса фаҳму фаросатдан нишон,
Омадсизликка важ топишга бўлар устомон.



Яхши-ю ёмонни фарқлай олмасанг,
Ўзим биламан деб гапдан қолмасанг,
Бенаво деб ҳисоблайвер ўзингни,
Бурдсиз, маъносиз бил айтган сўзингни.



Кимки фаҳму фаросатда бўлса бетайин,
Омад ўтар, лекин ғофил қолар билмайин.



Фаҳми йўққа фойда-зиён бирдек экан,
Наф келтирмас гулзорда ўсган тикан.



Фикрлаб гапирсанг, ҳар сўзингда маъно бўлур,
Ўйлаб иш қилган киши оқилу доно бўлур.



Оқил яхшилик ибратин дилга жо қилгай,
Бебурд яхши-ёмоннинг фарқин не билгай.



Гуллардан ранг олиш гуллар хислати,
Яхшилардан ўрганиш яхшилар фазилати.



Ёшлар ўрганар яхшилардан одамийлик ибратин,
Ёмонлардан олса ўрнак, қора қиласан қисматин.



Ёмонни жўра айлаб, олсанг ибрат хулқидан,
Ҳаргиз қоча олмассан бадномлигу кулгидан.



Кўрсанг бирорда иллат, ўзингга ишора деб бил,
Инсон жисмига чиқсан ёмон бир яра деб бил,
Софайтирас одамнинг руҳиятин яхшилик,
Савоб, эзгу амални энг яхши чора деб бил.



Оқилларга тўғри йўлга бир имо бас,
Аҳмоққа минг ишора ҳам панд бўлмас.



Бир жароҳат топурсан, кўшилсанг гар ёмонга,
Қоракуя юқади яқин борсанг қозонга,
Яхшиларга ҳамдам бўл, ёмонлардан қоч нари,
Бу иккиси йўлдошdir ҳамиша ҳам инсонга.

Хулқа ва одоб қурралари

Кишида бўлмаса яхши хулқ, одоб,
Унинг турмуши ҳеч бўлмагай обод.



Хулқингни яхшила топгайсан камол,
Акл, адаб билан очилар жамол.



Бу заминда гўзалликлар бир талай,
Энг аълоси гўзал хулқдир ҳар қалай.



Ким ўз ҳою-ҳавасин жиловлай билди
Омади юришиб, бил, иқболи кулар.



Дунё кенгдир, бас, феълинг кенг қил,
Дил ва тилингдаги сўзингни тенг қил.



Доно хулқ нуқсларин англаган замон,
Уни тузатмоққа излайди тезда имкон.



Хулқинг бўлса ёмон, жафо ҳам қат-қат,
Умринг хуш ўтмагай, бўлар сермашаққат.



Барча яхши-ёмонлигинг ўзингдантур,
Ёмон хулқинг жафоси сўзингдантур.



Гар бошингга етса ногоҳ оғату кулфат,
Бунга сабаб бадхулқларга бўлганинг улфат.



Ўзгадан келса-да ёмонлик, яхшилик қилгин,
Ёмон ўз қилмишидан топар, сен шуни билгин.



Ким агар меҳрсиз, беодоб бўлди,
Қуёшдан бебахра гул каби сўлди.



Ёмон хулқ мисоли бир наштар экан,
Қадам боссанг, санчилар чақир тикан.



Бадхулқ одам дилни кўзлаб отади тош,
Оқибатда озор топиб, ёрилар бош.



Кимнинг хулкида кўполлик бордир,
Ул дўстлар дилига етган озордир.



Одамий бўлса-да бадфеъл сурати,
Хайвондан бадтарроқ унинг сийрати.



Ёмонлик қилмоқни ким этса одат,
Билингки, ул зотнинг феъли эрур бад.



Куёшнинг нурлари гулзорда кезар,
Одамнинг қалб нури борлиқни безар.



Одоби, икроми қизнинг зийнати,
Гўзал бўлсин аввал унинг тийнати.



Одобсиз қиз асло кўринмас кўркам,
Қанча безанса-да бири бўлар кам.



Беодоб ҳурматга сазовор бўлмас,
Ахлоксиз уятни сира ор билмас.



Қайси қиз бешарм, беодоб бўлди,
Севгиси бамисли бир сароб бўлди.




Одобсиз кимса – шармсиз тана,
Ундан севги-вафо қилма тама.

Илм-фан ва техника – таракқиёт омили

Илм-фан ва техника – таракқиёт омили,
Уч бирлик равнақида инсоннинг такомили.



Илм-фан ва техника юксалган замон,
Оlam жумбоклари ечилгай бегумон.



Куёш нури оламни зумда нурафшон этар,
Юксалишнинг ёғдуси тезда чўққига элтар.



Киши илму меҳнатидан омаду иззат топар,
Ҳаёти яхши кечиб, турмушдан лаззат топар.



Ақл ва фикр бирлашса, ғоя ҳувайдо бўлур,
Гояки, ошса амалга, кашфиёт пайдо бўлур.



Иқболинг кулиб бокар, ғайрат билан ишласанг,
Турмушинг тотли бўлар, меҳнат қилиб тишласанг.



Илму фаннинг чеки йўқ, уммон беҳад,
Инсоният равнақи шундан фақат.



Ҳаётда баҳт чўққисин истасанг, эй дил,
Машаққатни енгиб, илм сари интил!



Илму амалда сен, худда лочиндек баланд уч,
Етолмасин ҳасадгүй, самода сарбаланд уч.



Ким илмли, меҳнатсевар ва одил,
Хурматин осмон кадар кўтарар эл.



Илм амалда қўлланса, элу юрт ободдир,
Гар илм қолса китобда, ҳаммаси барбоддир.



Гар бўлсанг комил ақл, илм ва ишда,
Сен ҳукм чиқаарсан ҳар бир равишда.



Илму меҳнат дунёни обод айлагай,
Ихтирочи ўз меҳрин эл дилига жойлагай.



Илм эгалласанг, битмайдиган иш бўлмас,
Илмнинг равнақисиз юксалиш бўлмас.



Назария янгиликлар бағрида жодир,
Амалиётга жорий этилса, ихтиродир.



Гиёҳ ўсмоғи учун қуёшнинг нури даркор,
Замон ривожи учун олим шуури даркор.



Илм истасанг, жоҳиллик, кибрдан кеч,
Машаққатларни енгмок режасин бич.

Устоз ба шогирдлик анъанаси

Устози меҳрини қозонса шогирд,
Муродига етар, бўлмайди бебурд.



Ҳунар ўрганмоққа керакдир устоз,
Устоз истеъдодга беради пардоз.



Ниҳол боғбон қайчиси-ла жамолини кўрсатур,
Устоздан ўрганиб бола камолини кўрсатур.



Муаллим, аввал ўзинг билиб, ўрган адабни,
Сўнгра ёшлар олдига сен қўйгин талабни.



Устоздан сўраши: Оқилликнинг сири не эмиш?
Деди: Фам келса енгиш ва феълни кенг тутиш.



Доно деди:
Устозингдан ақл, билим ўргана олсанг,
Ва яна яхши хулқидан ибрат ололсанг,
Барча орзу-ниятингга етарсан, албат,
Яшаш тажрибасин қалбга жо қилсанг фақат.



Устози ўргатганин дилига жо этмаган ёш,
Хаёт синовларига хеч беролмас бардош.



Нокас бўлса шогирд алифни уққани ҳамон,
Ўзини билимдон санаб, сени хисоблар нодон.



Шогирд устозини ранжитибди,
Ўз нокаслигига тўп бичибди.



Шогирд устозидан миннатдор эмиш,
Бундан ортиқ бўлмагай пойидор юмуш.

Ҳавас ва гараз

Кимки яхшилардан олса ибрат,
Ҳаётин безаш-чун кўрсатар ғайрат.



Эзгуликка ҳавас қил, яхшидан олгин ўрнак,
Сўзингда маъно бўлур, ишингда фойда ҳам нақд.



Ҳавас доим сени иқболга бошлар,
Ҳасад эса ғамли кўзингни ёшлар.



Ҳавас қилсанг, мақсад сари етарсан,
Ҳасад қилсанг ғусса ичра йитарсан.



Фаразинг айланса орзу-ҳавасга,
Бўлурсан ғамдан узок, етгунг муродга.



Фаразли иғволарни сўзлама инсон,
У заҳмат келтирур, сен бунга ишон.



Фаразни дилингдан қув, у яратар адоват,
Ҳасаддан узокроқ бўл, уни қилмагил одат.



Фаразлардан узок юр, шунда кўнглинг тинч,
Аразлардан йироқ тур, бунда йўқ севинч.



Фаразга жой берма дилингдан асло,
Ҳавас – кўнгил мулки, жуда бебаҳо.
Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яша ҳаётда,
Ҳавасманд бандасин севади Худо.



Фаразгўйнинг сўзи захри қотилдан ёмон,
Бу заҳарга топилмас даво ҳеч қачон.

Сўзлашиби асрорлари

Ширин сўз кишига малҳамдек ёқар,
Дилингда орзунг анхордек оқар.



Ким эзгу сўз, яхшиликни одат қилгай,
У яшашнинг талабларин уқиб билгай.



Маъноли сўз лазиз, муқаддас,
Маъносизи мисли чўпу хас.



Тўғри сўз кишини ҳакқа етказар,
Бўлса ёлғон, бўсағага ўтқазар.



Фикрлаб гапирсанг сўзинг мазмунли бўлур,
Тинглаганинг фаҳм-фаросатин кемтиги тўлур.



Бир доно деди:
Тинглаб сўзимни, англагин ўзимни,
Ҳам ишимдан изла, босган изимни.



Сўзингда бўлса мақсад-маъно этгин баён,
Шунда сенинг оқиллигинг бўлур тез аён.



Сен оқиллар иш-даврасига бўл харидор,
Ортар тажрибанг, умринг бўлар ҳосилдор.



Иш ва сўзи-ла ҳайратга қолдирган одам,
Кишилар қалбидан жой олур ҳар дам.



Хуштакаллум сўзлар дилни шод этгай,
Қалбда бўлса ғам, даволаб халос этгай.



Кимки яхши сўзни бисёр айлади,
Демак, ул ғанимни дўст ёр айлади,
Кимки кўпол бўлиб аччиқ сўзлади,
Афсуски у, дўстни ағёр айлади.



Кераксиз гапни сакла ичингда пинҳон,
Сиринг айтиб, сўнгра бўлма пушаймон.



Сўзинг фойдалигин билмагунча бошлама,
Ва гапинг харидорин кўрмагунча сўзлама.



Ҳаддан зиёд сўзлаган аҳмок кўринур,
Жим турса-чи аҳмок «тўёток» кўринур.
Гапинг фойдали бўлса, жим турмай сўзла,
Маъноли сўзлаган донороқ кўринур.



Ҳар киши онги-фаҳмин англаб, унга мос сўзлагин,
Ноўрин сўз айтиб изза бўлмай десанг оз сўзлагин.



Кўп гапирсанг фикрлашдан маҳрум бўлурсан,
Оқибат адашиб ғам-ғуссага тўлурсан.



Майин сўзлаб илон бошин гар силасанг,
Даво учун захрин берар ҳақ сўзласанг.



Давра аҳлига ёқмаса сўзларинг ҳеч,
Ростни ҳам сўзлама, бу даъводан кеч.



Гапинг амал қилмаса, бошлама сўзинг,
Нафи йўқ ишни бошлаб, ёшлама кўзинг.



Ўйламай беҳад кўп ноўрин сўзладинг,
На бирор мақсад, маслаҳатни кўзладинг.



Озорли сўзламоқ, бил, ақлдан эмас,
Тинглаганлар уни, бу доно демас.



Дунёда кўп ёмонлик шикастин кўрдим,
Кўпини ножоиз сўз айтишдан кўрдим.



Ўйламай сўз бошлаган бебурд бўлар,
Ишни шошиб бошлаган зиён кўрар.



Сўзи маъносиз – ўзи маънисиз.



Аччик сўз ханжардек бағринг яралар,
Бўлса майин, гуллардек ифор таралар.



Ёмон сўз бўлса дилингда, тезда йўқот,
Faраздан халос бўл, гинанг бўлса от.

*Тил одоби ва
сұхбатлашини маданияти*

Замин гўзаллиги гулларнинг жилосидан,
Тилнинг ширинлиги сўзларнинг маъносидан.



Ширин тилнинг сехри қурратли бўлур,
Тўхтатиб жангни, тинчлик келтирур.



Яратар киши тилидан яхшилик ё ёмонлик,
Тилдан келар ҳамиша бад иш ёки омонлик.



Тилинг билан дилингни бир тут,
Кейин ундан омад, баҳтингни кут.



Шириң бўлса тилинг, дардларга даво,
Тилинг заҳар бўлса, дарди бедаво.



Тил учи ханжар тиғига ўхшар экан,
Замирида азобу уқубат ухлар экан.



Ким ўзгага санчар ғаразли нишин,
Сўнг оқлай олмагай қора қилмишин.



Тилингдан ёмон сўз учмаса бошинг омон,
Нафсингни тий, борай десанг соғлиқ томон.



Тилингни тиймасанг иғво-ғийбатдан,
Асло қутулмайсан жабру кулфатдан.



Муносиб давра изла суҳбат учун,
Оқиллар-ла ҳамнафас бўл сиҳат учун.



Оқил суҳбатдан ақл гавҳарин йиғар,
Фаросатсиз иғво-ю ғийбат йиғар.



Иқболу камолот истаган инсон,
Оқиллар сўзини тинглар ҳар қачон.



Сўзлама даврада бўлмаса ўрни,
Қадим донишмандлар айтишган буни.



Оқиллар сухбати мажрух дилнинг даъвосидир,
Орзу-умид, амал ақлли кишининг муддаосидир.



Гапинг тинглашмаса, бехуда сўзлама,
Эҳтиёжсиз сўзлаб, сўнгра бўзлама.



Бекорчи фойдасиз сухбатдан қоч,
Ул баҳтдан айирар, кўзингни оч!



Сен ўйламай сухбатда куруқ гап сотдинг,
Бехудага обрўйинг кум каби сочдинг.

Kitob – билим хазинаси, Ҳикмат – ақл ганжинаси

Билимларнинг кони китоб қатида,
Ақлнинг мағизи ҳикмат қатида,
Қалбинг озорланиб, оғриса сим-сим,
Дори-дармони ҳам китоб қатида.



Ёғдуни хоҳласанг офтобга интил,
Билимни истасанг китобга интил.



Китобдан илм изласанг айлаб шитоб,
Бахт қуши қўнар бошингга шу тоб.



Китоблардан киши ўрганар билим,
Оlamни гулистон этади илм.



Китобда олам синоати аён бўлади,
Киши ўқиса, янги илм баён бўлади.



Бугунги ишлар тарихи зар китобга ёзилур,
Яхши абад кутланиб, ёмонлар лаънатланур.



Халқ сўзи ҳикматдир, дилингга жо қил,
Ҳикматни иқболинг калити деб бил.



Уч-тўрт ҳикмат ўқи кунда, эй ўғлон,
Шунда ҳаёт йўлинг бўлар чароғон.



Ёшлар ҳикмат ўқиб ҳақ йўлни топгай,
Мақсадга етишиб иқболин қучгай.



Дилинг чанқофини қондирсанг ҳикмат булоғидан,
Ёришар иқболинг йўли ақлингнинг чирогидан.



Оқ қоғозга тушган ҳар битта ҳикмат,
Ютуқдир ул, ўзга қалбга бўлса ибрат.



Донолар қалбидаги илму ҳикмат бисёрдир,
Лек ул мудом нодон танбехига нишондир.



Доно афсусда жоҳилга қараб деди:
Ҳикматларни ўқимас бўлиб паришон,
Ҳаттоки маслаҳатга беписанд нодон,
Тарбияга йўлласанг юрмас ҳеч қачон,
Жоҳилликдан киши баҳтсиздир, инон!



Ҳикмат ўрганиб, дастурамал қил,
Дилдаги ёмонлигинг тезда йўқ қил!

*Маслаҳат ва
насиҳатнинг фойдаси*

Яхши маслаҳат иқбол-саодатга йўллар,
Насиҳат энг оғир дамларда қўллар.



Маслаҳатли бошланган иш соз бўлур,
Юмуш йўли очилур, нуқсон оз бўлур.



Кенгашсанг ақл-зако нури бўлар чароғон,
Ақл қудратланиб, тугунлар ечилар осон.



Оқил маслаҳатин беписанд қилма,
Фаразгүй даъватин имкон деб билма.



Интиқ дил дардига малҳам насиҳат,
Орзулар амалига ҳамдам насиҳат.



Маслаҳату насиҳатдан ор қилмагин,
Ютуқларинг кафолати, буни ўйлагин.



Насиҳат тинглашни сен инкор этма,
Сўнг омаддан айрилиб афсус этма.



Агар насиҳатга қилсанг жаҳду жадал,
Сени эшигувчи бўлсин ҳар маҳал.
Бўлмаса сукут қил, таҳаммул этгил,
Нодону жоҳилдан узокроқ кетгил.



Ташвишу тажрибадан юксалади дил,
Садаф ичра қамалиб, дур бўлар ҳосил.

Ватан ва халқа фидошмик, табиатни асраш ҳакида

Ватан ишқида ён, бўлгин фидокор,
Элу юрт ишига бўл доим тайёр.
Ватан бор, элинг бор қалбингда ғурур,
Буюк истиқболга боравер мағрур.



Билимли ёшлар Ватанга иқбол келтиур,
Жоҳилу нодон эса дилларга малол келтиур.



Бўлсанг оқил, халқинг олқишига сазоворсан,
Бадфеъл эрсанг, лаънат-нафратга гирифтурсан.



Ҳар киши ҳар хил бўзлайди,
Халқ доим ҳақни сўзлайди.



Замон зайдини англаб, яша ва ишла,
Гулга гулдек бўл, тиканни тикандек ушла.



Қалби поклар заминнинг райхон гулларири,dir,
Эллар руҳин покловчи малҳамли дилларири.



Ҳар қанча тўкин бўлса ҳам дастурхонинг,
Ишламай ётиб есанг, бутун бўлмагай нонинг.



Гул эксанг, мушк ҳидли гулзорлар ўсар,
Гар эксанг тикан, йўлинг чангалзор тўсар.
Замин узра боғ-роғ қил, чаманзор қил,
Ватан учун, керак бўлса, фидокор бўл.



Бахрим очилсин деса, кўм-кўк кир, тоғларга бок,
Бахраманд бўлай десанг, ҳосилдор боғларга бок!



Бойчечак бўй чўзса, қишининг мадори кетар,
Гуллар очилиб, еллар баҳорий ифорни элтар.



Она-замин диёнатли ва сахий, ҳеч қаллоблик
килмайди,
Ховуч дон эксанг, юз ховуч ҳосил беришни
канда қилмайди.



Деҳқон заминга сочмаса донни,
Одам ейишга тополмас нонни.



Қор ёғар борлиқни осуда ухлатмоқ учун,
Ёз-кузда сув бўлиб, экинни яшнатмоқ учун.



Оlam қизик, бир тоғда ўсади икки тур гиёҳ,
Қай бири заҳар бўлса, бошқаси эса тарёқ.

Касб-хунар ва мутахассислик тұғырысында

Касб-хунарлы инсон фароғатда яшайды,
Үз-үзига ишончи зафарларга бошлайды.



Фаровонлик истасанг, әгаллагин касбу кор,
Хунаринг такомил эт, әлинг қылсиян ифтихор.



Кимки эъзозласа ўз касбу корини,
Хеч ким ярим қила олмас бутун нонини.



Маҳорату меҳнат-ла оғир иш осон битур,
Касбинг билан бойлик доим ёнма-ён бўлур.



Касбу меҳнат бир бўлса иқбол яралур,
Баргдан ипак, гул чангидан бол яралур.



Касбга меҳр, меҳнатда шижаат одатинг сенинг,
Аллоҳдан нақд келур саодатинг сенинг.



Касб-ла меҳнатинг субҳи тонгдан бошлабсан,
Ғаниматли вақтингдан насибангни нақдлабсан.



Касбли бўл, бир умр зарга соҳиб бўларсан,
Агар хунарсиз бўлсанг, мухтожликда куярсан.



Хунарлининг рўзғори доим бут, барокатли,
Касби йўқнинг рўзғори бўлар юпун, ғоратли.



Ҳар кимки севса гар ўз касбу корин,
Меҳнат-ла яратар боғу баҳорин.




Қувватинг борида касб-хунар эгалла,
Самарали корингдан қисматинг шайла.




Касбига меҳри зўрлик,
Ҳеч кўрмагай хўрлик.



Бу оламда бордир барча амаллар босавоб,
Насибангни накдлаш-чун касб-кор сабаб.



Бир олам олтининг бўлса харжланиб кетар,
Касбингдан келар ризқ-рўз бир умрга етар.



Баҳорда ёмғир ёғса, гуллар чирой очади,
Касбингда меҳнат қилсанг, иқбол юз очади.



Кўп хунарни ўрганишга қилмагин қасд,
Бирини чукур билсанг, бўлмайсан паст.



Касбсиз бўлса одам муҳтож, хор яшар,
Хунарсиз камбағал, оч-наҳор яшар.

Олга интилган чўққига иққади

Кимки олға интилса, меҳнати бўлгай қанот,
Ишдан қочган дангаса бу йўлда топмас најот.



Журъат-ла интилганга тоғ ҳам яқин,
Чўққига чиққанга иқбол-шон яқин.



Кишининг бошига ҳар кун ёғилар ўнлаб ташвиш,
Шижиоат-ла интилсанг, ҳал бўлади барча иш.



Насибага интилмасанг, ўз-ўзидан келмайди,
Фаҳму фаросатдан йироқ, бу сўз қадрин билмайди.



Битмас-бўлмас ишга интилмагин ҳеч,
Фойдасин англасанг, ўз-ўзингдан кеч.



Ихлос билан интилмасанг меҳнатга,
Унутмагин, учрагайсан заҳматга.



Кишида бор экан оёқ-кўл, насибага интилсин,
Заковат-ла меҳнат қилиб, толеин бунёд этсин.



Бу замин бир тоғ, аъмолинг нидо,
Не бўлса қилмиш, қисматинг садо.



Илк роҳатга интилган азобга бўлар дучор,
Аввал меҳнатни севган то абад роҳат қучар.



Меҳнатинг – ютуғинг, сен олдиндан кўрибсан,
Доим омад бўлур ёр, инкиrozдан қочибсан.



Ишлашни хоҳламас, унга ҳаловат ёқар,
Танбаллик хузурлари омадни ўтда ёқар.



Интилсанг-у омадсиз ишлашдан кўра,
Кичик ютуқли ишни бажаргин, жўра.



Меҳнатга интилмасанг, иқболни умид қилма,
Ўрганмасанг касб сирин, омадни хаёл қилма.



Иш-ўқишига интилсанг, зориқмайсан ҳеч,
Қилсанг кунлик машқни, қаримайсан ҳеч.

Меҳнат – саодат камити

Меҳнатдан бахтин топган кам бўлмас,
Ҳирси ғолиб кимса ҳеч бедард бўлмас.



Фойдали меҳнат қилсанг, кўрмайсан зорлик,
Қилсанг ҳалол юмушни, билмайсан хорлик.



Машаққатсиз битмас ҳар бошланган иш,
Журъату ғайрат-ла осон ҳар юмуш.



Оқиллар меңнатдан ҳоримас ҳеч он,
Чунки ютуқ берар, илхому дармон.



Ҳар ишники, ақл-идрок ила юрит,
Умид уруғин экиб, сүнг ҳосилин кут.



Бошламоқчи бўлсанг ҳар юмушни,
Аввал ўйлаб, йиғиб олгин эс-хушни.



Дараҳт қадрланар меваси билан,
Инсон қадрланар қалб зиёси билан.



Бу оламда яхши яшаш кўпам кийин эмас,
Ақл-зако эгаллаб, меңнатга эгилсанг бас.



Қанча машаққатли бўлса меңнатинг,
Тотлидир шунчалар тортган заҳматинг.



Меңнатинг олдин бўлсин, кетидан нафсинг юрсин,
Поклик туғга айланиб, фойданг ортингдан юрсин.
Олдин жилва қилсин саховат, сүнг бойлик юрсин,
Шунда боқий бўлар иқбол-садоқатли йўлдошинг.



Тонгдаги меҳнат, англасанг, дур бўлур,
Илминг поклик учун дастур бўлур.



Меҳнат севилган уйда баҳт бисёр бўлур,
Интизом бор жойда қалб огоҳ туур.



Оlam ободлиги, билки, меҳнатдан,
Тилнинг гўзаллиги сўз қувватидан.




Билим ва илму хунар эгалламоқ меҳнатдан,
Камолоту бойликка етишмоқ ҳам меҳнатдан.
Оилавий тўкинлик, рўзгорингнинг бутлиги,
Инсоний саодатга эришмоқ ҳам меҳнатдан.



Меҳнатдан келур бойлик ҳамда баҳту саодат,
Касбингни эъзозла ва илм олмоқни қил одат.



Кибрлининг икрори:
Меҳнатдан шону шуҳратим топдим,
Бойликдан иззат-хурматим топдим.
Бурним кўтарилиб, кибру ҳаво-ла,
Зиёнларга тўла заҳматим топдим.



Иқбол келур меҳнатдан кейин,
Меҳнатсиз баҳт топмоғинг қийин.



Меҳнат қилсанг, рўзғор эҳтиёжи учун,
Турмушинг фаровон бўлади ҳар кун.



Қилмасанг меҳнат агар, насибанг ҳеч бут бўлмас,
Рўзғор аталмиш ғорнинг кам-кўсти ҳеч тўлмас.



Сен меҳнат қилмасанг ўкинганинг бехуда,
Очдан тўқ бўлмайсан ялворганинг бехуда.



Юмушдан қочган киши ҳеч қачон ҳам бой бўлмас,
Омадим келар албат дея ишга шай бўлмас.

Режали иш ва тадбиркорлик

Режали иш қилса тадбиркор киши,
Омади чопади, юришар иши.



Билимсиз кўл урган ишдан наф келмайди,
Калтафаҳм, тадбирсиз киши буни билмайди.



Шомда дилинг кўзларини оч, надур ташвишинг,
Тадбирини ўйла, шунда осон битади ишинг.



Режали иш қилсанг агарроҳат келур,
Тадбирсиз бўлсанг охири заҳмат келур.



Режали ишин битказар,
Режасиз вақтин кетказар.



Режали иш қылсанг топарсан имкон,
Очилиб баҳт эшиги, кучажаксан шон.



Тадбиркорлик бўлса агар одатинг,
Доим йўлингдадир, бил, саодатинг.



Режа ва тадбир-ла ишласа одам,
Иқболга еришар, баҳт топар ҳар дам.



Режа билан қилинган иш бажо бўлади,
Мусиқада ноталардан садо бўлади.



Эй дўст, ақл билан сўзла, тиник фикрли бўл,
Касб-хунарли ва ҳар ишда тадбирли бўл!



Ишchan тадбир тузиб даврон суради,
Танбал бажармайди, лекин режа тузади.



Режа туз ҳамда тадбир-ла меҳнат қил,
Шунда ушалади орзуинг, буни бил!



Инқирозга учрасанг, нажот йўлини изла,
Чукур ўйлаб тадбир туз, доим омадни кўзла.

Иқтисодий ошиллар сағараси

Иқтисодинг иқболинг хунар-мөхнатдан изла,
Шунда фойда кўрасан ҳам фароғатни кўзла.



Ҳалолдан бой бўлсанг, кўнглинг тинч бўлур,
Виждонинг соф, турмушинг файзга тўлур.



Ўйлаб-ўйлаб иш қилсанг,
Бойиб яшарсан билсанг.



Савдодан бойлик топиб, омадим чопсин десанг,
Тангага қилма хиёнат, тўғри бўлсин тарози-ю санг.



Савдода омад, сотиш илмин билганники,
Туну кун чарчамай мөхнат қилганники.



Саломлашсанг хор бўлмайсан,
Савдолашсанг зор бўлмайсан.



Дилингдаги ҳаяжонни тоширма,
Даромаддан харажатни оширма.



Жамғармангни тежаб сарфлай бошладинг,
Бил, бадавлатликка қадам ташладинг.



Олдингга мақсад күйиб, сүнгра ишинг бошла,
Пул топ-у, тежамкорлик сари қадам ташла.



Қилгин кунлик юмушингни ҳисоб ва тафтиш,
Шунда ишларинг ривожда, бўлмагай ташвиш.



Баъзилар етишса бойликка, ақлу ҳушидир бежо,
Ишратга ружу күйиб, боридан бўлгай жудо.



Ишларинг касод бўлиб, етса андухдан хабар,
Тадбиринг пухта бўлса, эшитарсан хушхабар.



Иқтисодиёт ё паст, ё баланд кетар,
Тадбирсиз бундан борин йўқотар.



Иши касод бўлганда нопоклигин ташларми,
Бадхулқлигини англаб, ҳаққа қадам ташларми?!



Ҳаёт ташвишларин бозордан бил,
Тириклик қадрини мозордан бил.

Рахбарлик ҳақида

Даҳо раҳбар ўз ҳалқига бош бўлар,
Ёмони эл бошига ёққан тош бўлар.



Рахбарнинг хулқ-автори яқинларига ўтар,
Яхиси ибрат бўлиб, оқиллар ортар.



Мехнат қанча шону шухрат этса баҳшида,
Содиклик жилва қилур эзгуликнинг нақшида.



Бўлсанг бадавлат ёки мартабанг баланд,
Тамагирлар олкиши бўлар шунча сарбаланд.



Рахбар бўлсанг, гийбатчидан бўл огох,
Обрўйингни тўкар пайт пойлаб ногох.



Бўлса тажрибаси, уни тез мансабга кўтар,
Лек такомилга интилмаса, у ишдан кетар.



Гар раҳбарнинг хулқ-одоби бўлса ёмон,
Яхшилар камаяр, сафда кўпаяр ёмон.



Мақтовига ишониб, эгрини ишга олибсан,
Сутга заҳар қўшгандек аросатда қолибсан.



Бошида алифдан йўқ дарак, бурни баланд зорманда,
Катта мансаб, давра тўридан умид килар шарманда.



Пора, таниш-билиш билан мансаб қўлга кириди,
Билгинки, жамоани бузишга ғаддор келиди.



Нодон амал эгаллаш учун борин тикар,
Оқил қадрини сақлаш учун боридан қечар.



Раҳбар тамагир бўлиб, пора олса,
Ҳакни ноҳақдан фарқ қилмас у хумса.



Пасткаш мансаб учун дўстинг бўлади,
Сўнг ўрнинг олмок-чун пўстинг шилади.



Мансаб тегса нодонга,
Ўзин чоғлар султонга.



Амалпараст нодонга мансаб бўлса бас,
Инсонийлик унинг-чун мисоли бир хас.
Мансаб учун аямайди ҳеч кимни,
Ҳатто сотқинликдан қайтмас ул паст.



Аҳмок-нодон раҳбар бўлса иш бошига,
Кулфат-алам етқазади қардошига.



Амал пиллапоясига чиқса гар жоҳил,
Калтабинлик билан қилар барчага дахл.

Тамагирлиқ ва баднафслик

Тама қилиб яшама ҳеч зорликда,
Умринг ўтар надоматда, хорликда.



Тамада яшаган қадридан айрилур,
Харомдан йиққан боридан айрилур.



Ким хунар ўрганмай, тамани била пеш,
Бир кун бошига тушар катта ташвиш.




Қармокқа илдирап балиқни лукма,
Буни англармикин тамагир-лақма.



Мисли аждаходир билсанг ўз нафсинг,
Йўл бер унга бўлса гар жонингда қасдинг.



Миннатли ошга эътиборни қаратдинг,
Ўз елкангга ўзинг маломат ортдинг.



Бирорвинг бергани миннатли тош,
Топсанг меҳнатингдан роҳатли ош.



Бирордан тама айлаб бошинг эггунча,
Нонинг топ, тош майдалаб теринг чиққунча.



Гадодек бирордан нарса сўраш ёмон,
Сорилиб тама қилиш ундан ёмон.



Гадони кўрсанг нописанд кетма,
Садақа бер унга, ҳеч таъна этма.
Бош эгиб тамага у журъат этди,
Хўрликни ишлашдан у афзал тутди.



Агар ақлинг нафсингга бош бўлса,
Кундан-кунга обрў-ютуғинг ошар,
Лек ҳирсинг подшо, ақл кул бўлса,
Маҳбуслик хавфи кунма-кун ошар.



Ҳирсинг қарши қўзғалса аҳду вафога,
Жиловин тут, айланмасин у аждахога.



Эй инсон! Нафсингни доим мағлуб айла,
Кам еб, ўзингни минг дарддан фориғ айла.



Ҳирс балосин енга олган одам,
Ўзини куткарап оғатдан шу дам.



Баднафслик инсофдан келдими ғолиб,
Оқил нопокликдан бўлади мағлуб.



Тўймас нафсинг сени бедор айлабди,
Тузалмас дардга гирифтор айлабди.



Вах, ўзи тирнокча ул, нафси тоғларни ютар,
Бир куни қўлга тушса, қуруқ ёвғонлар ичар.



Жазодан қилмай ҳазар, ҳирсга интилдилар,
Ҳалолликни унутиб, қармоққа илиндилар.



Очкўзга хазина берсанг, еб битказар,
Ялқовга иш берсанг, касодга етказар.



Нафс дея чопдилар, бўлиб парвона,
Охир жазога етдилар, бўлиб сарсонা.



Нопок ҳирсинг ақлинг юзига қора тортадур,
Товусдек товланиб, сени жарга тортадур.



Очкўз иштахаси нафсга жўр бўлур,
Бировнинг ҳақига чангаль солур.



Ким нопок ҳирсга кўнгил боғлади,
Демак, ул ўз-ўзини жарга чоғлади.

Порахўрлик уқұбатлари

Нафсингни порадан сақлагин инсон,
Үрин, жойинг бўлмай заху зимистон.



Порадан бўлсанг йироқ, ғамдан озодсан,
Ҳалолликдан орттиранг хурраму шодсан.



Порахўр тўймайин борлигин адо этгай,
Ўзга молин талашни ул муддао этгай.



Пора талаб қилаверсанг, эл нафрати ошар,
Тезда низо қўзғалиб, жонингга офат етар.



Пора олган кишининг тили соқов бўлади,
Кўзи кўролмас ҳақни, ўзига ёв бўлади.



Раҳбарнинг нафси очилган ҳамон,
Ўғридек бор-будни қиласи тамом.
Баднафс касда бўлмагай виждон,
Корундек ер ютади уни бир замон.



Халқ ичра порахўр ва ўғри ёмондир,
Конундан кўрқмаса замон талондир.



Авж олса порхўрлик, ғофил бўлса посбон,
Бутун бир мамлакат инқирозга учраши осон.



Поралар кирса бўғзингдан,
Инсофинг қочар кўксингдан.



Порахўр каззобни тўғри дейди,
Унга шерик бўлиб, ҳаром ейди.



Ул бандаси пора беришни қилиқ айлабди,
Қайта-қайта ўғирлашни мўлжаллабди,
Ўзгалар ҳақин еб, ёмон йўлга бошлабди,
Ўзини ва порахўрни зиндонга ташлабди.



Айладингми порахўрликни одат,
Ўзингга орттирасан жазо-жиноят.




Киши ўз нафсини жиловлай олмас,
Бўхрон оқимида учар мисли хас.

Камтарлиқ ва манманлиқ

Камтарликни қилсанг агар ихтиёр,
Хаттоки душманинг сенга бўлар ёр.



Кимки манманликдан кечиб, камтарликни этса одат,
Толе очил дастурхони унга берар ризқу саодат.



Истасанг сен омонликни мулойим сўзла,
Одат қилиб эзгуликни, олисни кўзла.



Соддани муғомбир алдаши осон,
Маккор шодланади, анойи сарсон.



Кибрли бўлмагин асло, бўл доим камтарликда,
Шунда илмдан баҳра олиб, етарсан комилликка.



Кибрланиб мақтандинг, билдим дея дунёни,
Демак, ажрата олмайсан ҳақ билан сен рӯёни.



Ҳар кимки кибрга бўлса мубтало,
Бир вақт этагига тармашар бало.



Баъзилар беҳуда кибланиб бўлди масти,
Мақсадни унутиб, ишида топди шикаст.



Манман дейди:
Кўнглим кибрли эди, ҳақ сўз менга ёқмади,
Оқибат ниш уриб кулфат, баҳтим асло чопмади.



Кибланиб ўзингни беҳуда баланд чоғлама,
Ҳаволаниб ўз дилингни нохос ўзинг доғлама.



Кимки кибр ила сўзласа топмас асло такомил,
Ғўдайиб, ўзим биламан деган эмасдир комил.



Манман ҳар қадамда кибр-ҳавога мубталодир,
Чикса дами нағорадек, ичи бўм-бўш бенаводир.



Кимнинг феъли бўлса, кибрли, ўжар,
Унинг бадасл одатидан кулади башар.



Кибрли, манманлардан узокдир эътиқод-имон,
Одамни менсимай, қувилди жаннатдан шайтон.



Назар-писанд қилмаслик, кибру ҳавони яратар,
Кибрли ўзига ўзи ёвлар қасдин бунёд этар.



Кибрланиб, кишиларга қилдингми пичинг,
Халойиқ юз ўгирап сендан, қолмагай яқин.

Дангасалик ва камбагаллик

Дангасалик, танбаллик бўлса одатинг,
Камбагаллик бўлар сенинг қисматинг.



Эҳтиёжи учун ишламаган танбалдир,
Файрати бор киши курашчандир.

Ақл билан иш юритиб, интилмок имкондир,
Халол бойиш йўлин топган ишчандир.



Танбал бўлсанг сен ишда,
Умринг ўтар нолишда.
Ўки, ишла, касбли бўл,
Яшарсан осойишда.



Киши меҳнатсиз баҳтин тополмас,
Ҳеч ким дангасадек толеин чопмас.



Астайдил излаган топгайдир имкон,
Ишёқмас топар баҳона ҳар қачон.




Дангаса ишдан қочар, топиб баҳона,
Охир-оқибат жойи бўлар ғамхона.



Қолдингми, бас, ишёқмасга эш бўлиб,
Қолажаксан йўқсилликка хеш бўлиб.



Меҳнатдан сўнг ором-роҳатнинг олий мақоми,
Ишёқмас, бекорчи ухлолмас, бўлмас ороми.



Ёшлик ўтса танбаллигу яллолик билан,
Кексаликни кузатади муҳтоҗлик билан.



Дангаса бўлса киши қашшоқликда зор бўлгай,
Элда эътибор топмай охирида хор бўлгай.




Деҳқон ишлаб, дондан хирмон кўтарар,
Ишёқмас ишламасдан армон кўтарар.



Лапашанг сўзда ҳам, ишда ҳам беғам бўлгай,
Юмуши бесамару, доимо бири кам бўлгай.




Тингла, дўст, камбағаллик, бу – зорлик эмиш,
Мұхтоҗликтининг йўли нопок-хорлик эмиш.
Камбағаллик айб эмас, лекин армон эмиш,
Ҳалол ишлаб топганинг зар-хирмон эмиш,




Қашшоқлик ёмон бедаво дард экан,
Мехнат қилсанг, иқбол сенга ҳамдард экан.



Қашшоқликда яшасанг, демагил хоҳиши Худо,
Мехнат қилсанг, орттириб баракатни берар Худо.



Бекорчи қашшоқликдан абгор яшайди,
Орзузи барбод бўлиб, хор-зор яшайди.



Кимки агар қашшоқликдан шикоят қилур,
Ақлу меҳнатдан қочиб, танбаллигин ривоят қилур.



Қашшоқликда қолсанг, ўзгадан этма тама,
Тадбиру меҳнат или толеин яратар ҳамма.



Мухтожга ёрдам беришга етмаса қурбинг,
Түғри йўлга рағбат этсанг, шудир эҳсонинг.

Дўстлик ва шериклийлик

Ёнингда бўлса содик дўст, қалбинг бутун,
Ақл билан ечилар барча чигаллик ва тугун.



Бир оқил бир оқилга дўст бўлур,
Шунда мушкил иш тезда ечишур.



Ким дўстларга қилса холис яхшилик,
Қайтгайдир ўзига ҳам эгиз яхшилик.



Самимийдир агар диллар, бир-бирига пайванд бўлади,
Мехрлидир агар дўст, садоқатли, ҳамдард бўлади.



Кўрса дўстин хаста дил шодон бўлади,
Келса пасткаш, кўнгли вайрон бўлади.



Дўст дийдорин вақт-бемаҳал кўрганинг,
Йўлингни меҳр-вафо сари бурганинг.



Дўстинг дардига билдиранг ҳамдардлик,
Фамдан бўлиб фориг, орзуга интилар тетик.



Ўзгалар тез дўст бўлсин десанг,
Одил, ҳалол ва содик бўл ҳамиша,
Дўстинг душман бўлмасин десанг,
Топган фойданг teng бўл ҳамиша.



Содик дўстинг тўғриликка йўллагай,
Гар оёғинг тойса, кувватлаб қўллагай.



Дўст топ, дўстинг зориқса, бер мадад,
Толеинг порлаб, савоб топурсан беадад.



Интилсанг ҳар мақсадга етишиш осон бўлур,
Содик дўст қуввати дилингга дармон бўлур.



Бирор содик дўстман деса, тезда ишонма зинҳор,
Имтиҳон кил, сина, далил-исбот бўлсин ўлчовинг.
Гар ишончинг оқласа, сен ҳам дўстлик қилгин изҳор,
Аҳил яшаб, бирга ишла, кенг бўлсин кўнгил
камровинг.



Дўстни даъват этсанг эзгуликка, яхши ишлар қилур,
Ёмонликка берсанг пишанг, қабихликка қўлин урап.



Дўстингга сен зиён-заҳмат етказма,
Кўнглини ол, уни қўлдан кетказма.



Дўстликдан бўлмай десанг пушаймон,
Аввал сина, сўнгра этгин аҳд-паймон.



Эрса дўст дўстга таянч,
Ортади дилда қувонч.



Содик дўст иқболга бошлар сарбон каби,
Фаразлиси чаққай сени худди чаён каби.



Кўнгил чамани дўстлар билан яшнагай,
Гар сохта бўлса, хазон боғдай қуврагай.



Дўстинг бўлса сенга сирдош-у қўлдош,
Омад ва толеингга ул бўлур йўлдош.



Яхши кунда ҳамма яқин дўст,
Ёмон кунда сина, ким чин дўст.



Дўстинг кўтарилса мансабда сендан юқори,
Боғланиб қолма унга, сурил бироз нари.



Бўлса ким бойлик, амал қасдида дўст,
Ул дўст эмас, омадинг шаштида дўст.



Мингта бўлса дилкаш дўстинг, бу қандай яхши,
Кўрқ ғанимдан гарчи битта, чунки ёвликдир иши.



Сохта дўст борингда ҳамнишинг бўлур,
Асл дўст бор-йўғингда ҳамдардинг бўлур.



Бўлсанг ишончли дўст, шаънинг сарбаланд,
Дўстга гар бўлсанг содик, иқболинг баланд.



Икки жавонмарддан аяма ҳимматинг асло:
Содик дўст ва ҳалол шерик ила ишларинг аъло.



Икки дўст чин юракдан содиқликка аҳд қилган ҳамон,
Тоғларни текислаб, боғлар яратар улар шу замон.



Яхши билан бўлсанг ҳамкор, йўлда йўлдошdir,
Ҳалол билан шерик бўлсанг, сенга қўлдошdir.



Содик дўстни синаб, аҳдинг битибсан,
Демак, кўзлаган маррангга тез етибсан.



Эрта-ю кеч наҳанг ҳирсинг ила касб-кор айладинг,
На шеригу, на дўст бўлмаслигинг ошкор айладинг.



Оқил билан бирга бўлсанг, битмас ишинг битади.
Нокас бўлса гар шеригинг, битган иш ҳам йитади.




Киши кўнгли содик дўст ила обод,
Бўлса ул ҳасадгўй – кошона барбод.



Шеригинг бўлса, бил, очкўз дўстинг,
Борингни еб-ютар ва шилар пўстинг.



Бадниятдан дўсту ҳамкор истама,
Ул дўст бўлмас, дўст бўлай деб қистама.



Ким дўст бўлиб, қилмаса вафо,
Вақти-соати келиб чекади жафо.



Қайси дўстинг бўлса иккиюзлама,
Зинхор ундан меҳру вафо излама.



Пасткашни синамай дема уни дўст,
Нафси учун ўзгартирап тезда пўст.



Ҳеч қачон бадхирсдан дўст чиқмас,
Кора кунингда сени ҳеч дўст билмас.



Бахил дўст ҳақлигу покликни билмас,
Йўлинг тор келганда сени танимас.



Бахилдан дўст чиқмас, кутма иноят,
Чунки у эзгуликни қилмас ният.

Баҳс, зиддият ва дүйнанык

Ноўрин баҳсларда килсанг гар сукут,
Демак, сен доносан ҳам иймонинг бут.



Баҳсдан пайдо бўлар фикрий зиддият,
Зиддият ечилар, пок бўлса ният.




Мажлисларда синаб киши аъмолин,
Муомала қилгин оғритмай дилин.




Аҳмок, нодон, жоҳил билан баҳс айлама,
Олтиндан қиммат вактинг сарф айлама.



Фойда-зиён ўртасида чексиз зиддият ётар,
Киши курашда чиниқиб, толенини яратар.



Гап талашсанг зиддият ҳаддан ошар,
Ўт қаласанг, чойдиш ҳам қайнаб тошар.



Зиддиятлар кишини эҳтиёткор килур,
Баҳсталаб кишиларни ҳушёр килур.



Ёмон билан тортишсанг қораси ёмон,
Тош ила талашсанг зарб садоси ёмон.


Ёмондан узок юриш аъмолинг бўлсин,
Талашиб-тортишганинг оласи ёмон.



Англа, не ёмонлик қилса гар инсон,
Ўзига қайтади албат, кўймас омон.



Агар қасдга ўч бўлса инсон,
Ундан дўст чиқмас ҳеч қачон.



Инсон учун, билинг, энг катта бало,
Ўзаро адovат, қасосга даъво.



Душмандан келса жафо, дўстлар бўлур камарбаста,
Дўст кўнглида бўлса ғараз, ғанимга айланар аста-аста.
Дўст танласанг, синагин аввал вафо-ю садоқатин,
Яхши-ёмон кунингда бу туйгулар албатта вобаста.



Кушлар агар учса баланд, парвози кўкка етгай,
Овчи минг отган билан ўқлари хато кетгай.
Касб-хунар эгаллаб, билим чўккисига чиқсанг,
Фаниминг қилса-да қасд, кўли асло етмагай.



Ҳак бўлсанг-да рақиб-ла муроса қилдинг,
Унутмаки, ёвузлик бағрини тилдинг.



Оқиллар ёвузлик яратмоқдан қочар,
Нодон бенаф баҳсдан ёғийликка йўл очар.



Яхшилик қил, душманингни айла дўст,
Дўстинг дилин хушлаб, уни яна сайла дўст.



Фалоннинг хунари бузмоқ, титишдир,
Энг ёмони, дўстни душман этишдир.



Рақибингга ғам-ташвишинг сўзлама,
У суюнар, наф келишин ҳеч кўзлама.



Кимки душманидан огоҳ бўлмагай,
Зиён кўрар, ул омонлик кўрмагай.



Ким ёвуздир, кўксига душманлик жойлагай,
Қанча қилсанг яхшилик, ул ёмонлик айлагай.



Душманинг сени сийлаб, ширин сўзлар,
Йўлингга кўйиб тузоқ тутмоқни кўзлар.



Кимки ўз душманин ожизу заиф билур,
Охири омадда айрилиб, зиён кўрур.



Гарчи душман тил учидаги ширин сўзлагай,
Пичоқ қўнжида, урмокка фурсат кўзлагай.

Мехр ва хурмат – эзгулик бўстони


Мехрли бўл, вафодорлик дилингга эш бўлсин,
Муҳаббатга садоқатда йўлинг пеш бўлсин.



Гар сен истаюрсан меҳр-муҳаббат,
Дўстинг чорлаганда кўрсатгин хизмат.
Дўстга вафо килгин, кўрсат садоқат,
Дўстни иззат килиш – энг олий химмат.



Дўстинг ила қилсанг самимий сухбат,
Дилинг яшнаб, кулф уради муҳаббат.



Эзгулик бўстонига меҳр-ла ташласанг қадам,
Дилда нодир фазилатлар бўлар мужассам.



Куёш нури тушса музни эритар,
Меҳр зим-зиё қалбни ёритар.



Меҳр ниҳолини эккан бегумон,
Ўйлайди файзга тўлмоғин жаҳон.



Эзгу сўздан яралур меҳр-шафқат,
Озоридан пайдо бўлур ғаму заҳмат.
Сен ҳаммага яхшиликни тиловчи бўл,
Шунда дилга етур бемислроҳат.



Ким сизлаб айтади, ким сенлаб айтар,
Сиз-сизга, сен-сенга албатта қайтар.



Ёшу қари – барчани қилсанг гар хурмат,
Үзинг ҳам эъзозланиб, топурсан иззат.



Мехр-ла дилга дил пайванд бўлади,
Бундан максудингнинг жоми тўлади.



Минг қидирсанг тикансиз гул бўлмас экан,
Мехр билан узсанг қўлга суқилмас тикан.



Орада меҳр – қадр бўлса, ёмонликни сўлдирап,
Дариф тутма хурматинг, ул яхшиликни ундирап.



Севгининг уруғи меҳр ила хурмат,
Шундан яралади қайнок муҳаббат.
Ушбу ниҳол яшнаб борса кун сайин,
Бу дарахтнинг меваси-вафо, садоқат.



Гар ўртада бўлмаса меҳр ва хурмат,
Дилдан дилга ўтмас севги-муҳаббат.

Насл-ирсият ва ошиқлик хусусига

Кибрланиб мақтагунча насл-насабинг,
Илм олишга сарф эт аклинг ҳамда асабинг.
Шунда аждодларинг қадри бўлади баланд,
Мартабанг улуғланиб, кўтарилар мансабинг.



Одамнинг суратин кўр, лекин англа сийратин,
Асли маъно эрур, билгин насл бисотин.



Наслий касаллик авж олар қариндошлар никоҳидан,
Ўзгадан ёр қилсанг, кутуласан ирсиятнинг озоридан.



Бўлса наслинг тоза, қўшма зотингга бадасл,
Зоти паст чўбирдан асло от чиқмагайдир асл.



Хуснингга маҳлиё бўлиб, беодоблик қилганинг,
Ўзингни юлдуз ҳисоблаб, ўзгани паст билганинг.



Гул тусланиб ошиқка талпинар эмиш,
Ошиқнинг бағри куйиб елпинар эмиш.



Ошиқлик кўнгил майлидан пайдо бўлур,
Мос тушса дил-дилга мудом шайдо бўлур.



Ошикқа бутун олам күйлар чалармиш,
Маъшуқасин дил сасин тинглаб билармиш.



Ошиқлик қасрига ташласанг қадам,
Садоқатли бўлсанг гар, сенга баҳт ҳамдам.



Гулга ошик бўлдинг-у, бардошинг бўлди тамом,
Васли шавқида қўлингга олибсан май тўла жом.
Муҳаббатда садоқатин қалбингга айласанг нишон,
Етказур васлидан мужда насими субху шом.



Гул тиканга тоқат айлаб очилади ранг-баранг,
Севидан ял-ял ёнибди ёноклари қиздек, қаранг!



Мойилликни ҳар жонли ҳайвон ҳис қилур,
Ишқсиз киши ҳайвондан ҳам паст турур.

Севги ва муҳаббат садоқати ҳақида

Севги-муҳаббат – энг олий туйғу,
Ул қайси юракда қўзғаса ғулу,
Дилни ўртагай оташдек ёниб,
Баланд кўтариilar вафолик туғу.



Севган маъшуқига ўз жонин этса фидо,
Мажнундек ёр кўйида кезса сахро,

Севги йўли гоҳ баланду гоҳи паст,
Бу йўлда Шириндек ёрига қилса вафо.



Ошиқ дилин тингланг, эй халойик:
«Севгини эъзозлаган севгига лойик».



Ишқ-муҳаббат или гўзал бу ёруғ олам,
Муҳаббат билан кўҳна дунё муҳташам.



Муҳаббат шавқидан ким огоҳ эрур,
Ишқдан бошида тож, билинг, шоҳ эрур.



Ўчмаса дилингда муҳаббат алангаси,
Муносибдир сенга ишқ нашидаси.



Мехру муҳаббат-ла боққил ёрингга,
Навозиш кўрсатгил интизорингга.



Муҳаббатсиз ҳаёт бири кам бўлгай,
Ишқи йўқ юракда доим ғам бўлгай,
Муҳаббат тирикдир меҳру вафо билан,
Вафосиз ўтган ҳар кун мотам бўлгай.



Муҳаббат барқарордир вафо билан,
Хижрон йўлдош бўлур жафо билан.



Қалбингга оро бер муҳаббат билан,
Ором топар дил шириң сухбат билан.



Муҳаббат даъвосин қилишдан олдин,
Қалбингга меҳру вафони нақшлаб олгин.



Үйингда тўплаган бойлигинг чексиз бўлса ҳам,
Ёринг ила меҳру вафода яшашга teng бўлмас.
Жанжалли уй олтиндан бўлса ҳам сенга кам,
Кулбада ёринг билан сан бошқаси бекор, алас.



Хотинин муҳаббатига буркаган эркак,
Бўлмас кексаликда ҳам, ҳеч кимга эрмак.



Муҳаббат қасрида гадо ҳам шоҳ бўларкан,
Севгидан мосуво шоҳ гадо бўларкан.



Кимки муҳаббат аҳдидан бегонадир,
У бир умр севгига зор бўлиб ёнадир.



Муҳаббат дилингга куч баҳш этар,
Гар узатсанг кўлинг осмонга етар.



Муҳаббат, садоқат соғ қалбларга хос,
Бемеҳрлик ҳайвоний мижозга хос.

Ишқ шағдомиги

Бири гулни севар, бириси қочар,
Вафо насимидан ғунча гул очар.



Ғунча ишқдан тўлишиб, гулкосалар очадур,
Сўнг ёрга лаб кўрсатиб, ифорли ҳид сочадур.



Эй жилвакор, мўъжизакор ишқ,
Қалби покка ҳамиша ёр ишқ.



Ишқ изхоридан аввал дилда унинг борин сўранг,
Севганингиз вафоси-ю, номуси-орин сўранг.



Мажнун ҳолига боқиб ишқнинг қудратин кўринг,
Сўнгра ошиқнинг вафосин, қалби журъатин кўринг.



Бўлмаса ишқ, бу борлиқни севмас эдинг,
Юксак баҳтга мушарраф бўлмас эдинг.



Ишқ бўлмаса, бу замин вайронадур,
Куёши йўқ зулматли ғамхонадур.



Ишқни дилга жойла умрбод қолишни хоҳласанг,
Фалак ранжу ситамин мот қилишни хоҳласанг.



Мажнунга Лайли ишқидан бошқаси абас,
Шундан муҳаббат кучин англагайсан, бас.



Қанча ошиқларни ишқ шоху султон айлади,
Етолмай муродига күнглини вайрон айлади.
Севсанг ёринг ҳам севиб, жонини фидо айласин,
Неча чин ошиқларин муҳаббат қурбон айлади.



Севмаганга суйкалма, этиб изҳори муҳаббат,
Ишқинг сотиб аламга, этмагил хор муҳаббат.
Севса-севгин, хурмату садоқатинг аён эт,
Бутун умр вафода дил интизор муҳаббат.



Бу оламда ҳеч киши ишқдан ғофил бўлмасин,
Жафо кўриб маъшукдан озурда дил бўлмасин.



Ишқ йўлида шох-у гадо бирдек саргардон,
Севги демас: бу гадодур, бу эса султон.

Эр ва хотиниж бурии ва вазифалари

Эр ва хотин жисмидан яралар ҳаёт,
Шу боис одамзот мангубарҳаёт.



Гар уйингда бўлса жуфти ҳалолинг,
Ҳаётдан баҳт топарсан, бўлмас малолинг.



Кўча хушторлиги уй севгисин вайрон этур,
Икки қалб орзусини бутун умр барбод этур.



Севсанг ёринг севар сени то агад,
Унга меҳру вафо кўрсатсанг, албат.



Эр хотинин севса кўзига паризод кўринур,
Уриш-жанжал қисалар, бир-бираига ёт кўринур.



Атиргул ғунчаликда доим ифтихордир,
Ул очилса бир ошиққа, умр бўйи ёрдир.



Аёли билан меҳру вафоли бўлиб яшаган эр,
Кексайганда ҳам яшар бамисоли шер.



Ишёқмас, бекорчи эрдан келар жафо,
Ишchan, оқила хотин кўрсатар вафо.



Хуснингни кўриб тур кўзгуга боқиб,
Умринг ўтиб борар сув каби оқиб.



Яхши хотин эрига вафодор бўлур,
Барча муаммони бирга ҳал қилур.



Хотин гар эрига бўлса меҳрибон,
Ҳар иккисига ҳам олам гулистон.



Кекса бир киши жанжалкаш эр-хотинга қараб деди:
Қилгунча дакан хүрэзлардек жанг,
Мехр-вафо билан яшагин башанг.



Яхши хотин эрталабдан иш излар,
Ёмон хотин эса ғавғодан сүзлар.



Хаётинг бир маромда ақлли бүлса хотин,
Беақл бүлса ул, эр күяди мисоли ўтин.



Яхшидан олсанг келин, эзгулик келтиур,
Қилсанг ёмондин, тикандек озор келтиур.



Барча гулда тикан ниши мавжуд экан,
Хар бир ёр ҳам айбдан холи эмас экан.

Шарм-хаё, вафо ва номус муқаддаслиги

Юз хуснини түссин доим шарм-хаё,
Шарм-хаёси йүкқа бүлма маҳлиё.



Хар кимда бүлса ҳаё вафоли бүлғай,
Вафоли бүлмаса ёр жафоли бүлгай.



Вафо макон топса, ошиқларнинг дилидан,
Мұхаббат яшар мангу, мадҳи тушмас тилидан.



Ёр бўлиб яшамоқ орзусин айтишдан олдин,
Вафодорлик қасамин дилингга нақшлаб олгин.



Ишқ вафоси қалбингда курса макон,
Боқий севги абад яшар, қолмас армон.



Кизлар орзуси севгида вафо,
Вафо-ла ҳаёти эрур мусаффо.



Вафолилар ҳаёлидир,
Ҳаёлилар вафолидир.



Вафодорга меҳр-севги шавқи бўлса бас,
Оlam ташвиши у учун куриган бир хас.



Ғунча висолидан булбул дил доғлайди,
Очилган ғунчага гул кўнгил боғлайди.



Ғунча очилса мушк-анбар таралармиш,
Ҳар ким хидласа, унда доғ яралармиш.



Беномусдан вафо излама,
Уятсиздан ор-ҳаё излама.

Золимдан шафқат тилама,
Пасткашдан қадр күзлама.



Қалбингга номусу оринг түликтур,
Умринг йўли нурга бўликтур.



Ор-номусинг қалбингда мангу ошён топса,
Шайтон макри янчилур, гарчи ҳар ён чопса.



Ҳар хотин ортидан чопма пинҳон қасдида,
Барча аёл бир эмиш, бўлма шаҳват хирсида,



Ахлоқий бузукликка пинҳон қадам ташладинг,
Шайтоний ҳаром йўлга ўз-ўзингни бошладинг.
Уйингдан қут-барака тезда кетар бош олиб,
Болаларинг йиглатиб, қора кўзин ўшладинг.



Кимки ўзга ёрига бўлса харидор,
Ўз ёрига ҳам топилар хуштор.



Ахлоқий бузукликни ўзингга одат айласанг,
Ирсиятинг қувватин емириш йўлин сайласанг,
Носоғлом фарзандлар сендан туғилади басма-бас,
Авлодинг нобуд бўлмас, гарчи одатинг ташласанг.



Уйингда покиза хотининг туриб,
Нопок фоҳишага тананг булғайсан.
Жуфти ҳалолингга хиёнат қилиб,
Оламга ўзингни шарманда қилғайсан.



Кимдаки зино хирси ғолиб келур,
Ул инсон шаънини барбод қилур.



Инсон уқубатни бардош-ла енгар,
Дош беролмас, беномус бўлса агар.



Зинога хирс қўйсанг, хорлик келтирур,
Айш-майхўрлик албат зорлик келтирур.



Ахлоқий бузуки киргунча айвонинг ичра,
Киргани яхшироқ эшак чорбоғинг ичра.



Зиногар аёл эркакни кўрса, ишваю ноз айлар,
Танини сотиб, пул-мол топишни хумор айлар.
Икки юзи қорадур, боз сен юзига қора чапла,
Оlam аро ул наслин бир умр шармисор айлар.



Шаҳват-у нафс хирсига сен мубталосан,
Ҳайвондан не фарқинг қолди, ҳисси харсан.

*Ота ва она –
оила ифтихори*


Ота-она тарбия қилса ақлу заковатли фарзанд,
Унга хунар ўргатиб, меҳнат билан қилса банд,
Бундай ота-оналар яшар доим ҳаловатда,
Орзулари ушалиб, бўлурлар пиру бадавлат.



Ота меңнат-ла рўзғорин шайламас,
Келажаги унга кўнгил боғламас.



Майхўр ота сурункали ароқ ичади,
Мажруҳ боласи туну кун азоб чекади.
Шол боласи дардига дармон излаб,
Бечора она минг бир жафо чекади.



Кимки онасини қиласа хор,
Оқибат яшар меҳрга зор.



Ўғил-қиз туғилса, ота-она шод бўлур,
Оиласи тўлиб, рўзғори обод бўлур.



Хонадонда гар кўп бўлса фармонбардор,
Оила пароканда, вайрон бўлар рўзғор.



Кимда бўлмаса оиласи учун ташвиш-ғам,
Унинг бугуни ҳам, эртаси ҳам бўлар кам.



Данак экса одам мўлжал қиласа мева-ю шарбат,
Ота фарзанд боқиб, кексаликда кутар ундан мадад.



Ўргат ўғил-қизингга касбу ҳунар,
Дерлар, ҳунардан ризқ-рўз унар.



Бола шириң, тили ундан-да эмиш шириң,
Чунки ота-она дилида меҳри яшириң.



Отасин дилини шод этса фарзанд,
Унинг иқболига кўнмас сира гард.



Гар меҳру қадрда отангни шод этмадинг,
Қариликда болангдан нажот кутмагил.



Дунёдан ўтса отанг, қадрин сезарсан,
Онанг кетгандан сўнг бағринг эзарсан,
Улар ҳаёт пайтда кўрсат ҳурматинг,
Пушаймонда эмас, униб-ўсиб яшарсан.



Ёмон фарзанд ота-она дилин доғлади,
Демак, ул ўзин дўзах ўтига чоғлади.



Қайси ота ён берса эрка боласига,
Охир итоат қилур ўз балосига.



Гар бекадр, дайди бўлса ўғлингнинг «жўра»си,
Йўқотурсан фарзандингни, битмас юрагинг яраси.

Болалар - кемажашиш

Ёшлик кучи мўъжизакор, барҳаёт,
Бил, ёшлардан яралар бу нурли хаёт.



Гўдакликда бир бора яхшиликни англатсанг,
Бутун умр дилига сабоғинг жо бўлади.
Катталикда минг бора заковатни ўргатсанг,
Фурсат ўтмай унutar, меҳнатинг зое бўлади.



Ёшликда сен ақлнинг ҳақ йўлин англамайсан,
Ёмон йўлдан боришнинг бадлигин англамайсан,
Ақлу билим эгаллаб, гар меҳнатни арзитсанг,
Бахт-икбол ҳаловатин нақдлигин ўйламайсан.



Ёшликда билимлар булоғидан ич,
Бахт топарсан, бўлсанг ўрганмоққа ўч.



Ёшлар, ақл-билим олишни бош мақсад айланг,
Вақтни ғанимат билиб, илмни қалбга жойланг.



Ёшликда вақтингни сарф эт ўқишига,
Ақл-зако билан кириш ҳар ишга.



Касб-хунар эгаллаш одатинг бўлсин,
Толеинг баланду иқболинг кулсин.



Ёшликда ҳалол касб-кордан яратсанг бойлик,
хормайин,
Кексайганда яшарсан хурматда, ҳеч кимга
саргаймайин.



Йигит бўлсанг агар, рўзғорингни таъмин эт,
Биронга орқа қилма, номус-орингни таъмин эт!



Кўча-кўйда бесар юрганинг,
Омадингни қўлдан берганинг.



Борсанг жоҳил ортидан, эй навқирон ёш,
Сўнг кўзингдан тўкилур маржон-маржон ёш.



Майсалар муроди – ўсиб дон бермоқ,
Одамлар тиласи солиҳ ўғил-қиз кўрмок.



Ўғлинг катта бўлса, суянган тогинг бўлар экан,
Кизинг бўйга етса, мевали боғинг бўлар экан.



Яхши иш қилса ёш – мақташ адолатdir,
Қилса ёмон иш – беозор койиш сиёsatdir.



Ота шўхрок ўғлига деди:
Ақлинг билан ўзингни комилликка ислоҳ эт,
Иллатли хулқинг тузат, яхшиликка ихлос эт.



Отанг-онанг сендан гар бўлса хурсанд,
Жаннат райхонисан, эй оқил фарзанд.



Ота-она хурмати фарзанд-чун қарздири,
Бир умр меҳр-ла қилмоқ эъзоз фарздири.



Фарзанд улуғласа отасин ҳар дам,
Унга кутлуғ бўлур улуғлик шу дам.



Кекса ота-онангнинг бўлсанг суянган тоги,
Қайтимин олгайсан келгач қарилик чоғи.



Ота-онанг хизматидан қочсанг магар,
Икки олам орзунинг дўзах ўтида ёнар.



Ҳаётда кимки гар бўлса оқпадар,
Хор-зорликда ўтар умри дарбадар.

Кексаник ва дононик кароматлари

Кексанинг дили ва аъмолида бўлса поклик,
Унга кутлуғ бўлур, пок юзли нуронийлик.



Чол букчайиб, заифлашиб йўлда тебранар,
Лекин ақлу заковатда дунёни тебратар.



Қариганда құша күринур осмондаги ой,
Аммо бошда ақл тұла, тажрибага бой.



Кексанинг жонига минг хасталик рахна солур,
Күрінса-да соғ, карилік дарди дармонин олур.



Кексаман дея қайғурма сен ҳеч ҳам,
Агар ёринг севса жон-дилдан ҳар дам,
Сочинг оқ бўлса-да севсанг ёринг,
Абадий ёшдирсан, ёрингга ҳамдам.



Дунёга не мақсадда келганингни билмайсан,
Ақл-идрок айтганин сира кўзга илмайсан.
Гўдак эдинг ёшлиқда, ҳозир ҳам қари гўдак,
Мехнат қилиб яшашнинг завқин сира туймайсан.



Кексалигим ўтсин десанг роҳату фароғатда,
Кувватинг борида ишла, бўлмагин айш-ишратда.



Мұхтоҗ кекса деди:

Ёшлиқда бўлмади орттирган молим,
Қариліқда ишлашга келмайди ҳолим.
Қашшоқлик соядек эргашиб келар,
Миннатли ош-сувдан забун ахволим.



Кексалик заифлигіда асо даркор,
Асл ўғил-қиз – ақли расо даркор.



Кексаларни қилсанг сен агар иззат,
Эл аро танилиб, топарсан ҳурмат.
Дуосини олгин нуронийларнинг,
Уларнинг ишидан олгин сен ибрат.



Кексалар дилини заифу нозик заиф деб бил,
Сен ҳам сўзларингни бамисоли қозик деб бил.



Қариллик, бил, соғ яшашнинг интиҳоси,
Дунёда йўқ бу оғир дарднинг давоси.



Ёшлик ўтса танбаллигу ялло билан,
Қариллик ҳам ўтар «илло-билло» билан.




Баъзи бир соқоли оқ кексадан ахтарма ақл-зако,
Ёшлигига эди аҳмоқ, энди бўлибди бир бедаво.



Соқоли оқ, лекин фаросатдан йўқ нишон,
Ул нуроний эмас, қари лайндир, инон!



Доно ақл билан фикрлаб, янги илм топар,
Кашфиёт, ихтиrolар тараккиётга йўл очар.



Доно чин кўнгилдан насиҳатлар айлагай,
Яхшиликка даъват этиб, бадлик йўлин боғлагай.



Оқил панди ёшлар ақлин орттиар,
Билиб-билмай қилган гуноҳин ёптиар.



Ёмонни яхши қилиш донолар иши,
Яхши ҳар инсон бор оламнинг нақши.



Донолар насиҳатидан қочган нодон,
Умрида рўшнолик кўрмас ҳеч қаҷон.



Олим илми билан жамиятни яшнатгай,
Яратиб мўъжизалар, юлдузларни чақнатгай.



Кимки улғайиб, олими боамал бўлғай,
Камол топибдур – соҳиби баркамол бўлғай.



Олим бошлар элини камолот сари,
Билимсиз бошлагай жаҳолат сари.



Олимсиз жамиятда юксалиш бўлмас,
Техника ривожисиз ўзгариш бўлмас.



Олим бўлса йўлдошинг, кучганинг иқбол бўлур,
Жоҳилни тингладингми, қад-қоматинг дол бўлур.



Олим хор – олам барбод,
Олим шод – олам обод.



Олим бўлсанг, жоҳил билан тортишма ҳеч,
Обрўйингни сақлагин, бўлмасдан кеч.

Диний эътиқод ва имон ҳидояти

Аллоҳим яратмиш сени инсон қилиб,
Муҳаммадга уммат қилди осон қилиб.
Куръон сенга аркон, суннат эса таянч,
Адашмагин ўзлигингни яксон қилиб.



Аллоҳ одамзотга тафаккур ҳадя этди,
Ер юзида одамни ўзига халифа этди.
Бас, эй одам, замин бағрини обод қил,
Ўзингни бидъату хурофотдан озод қил.



Тирикликни яратган осмон күёши,
Табиатни уйғотган баҳор «кўз ёши».



Аллоҳ сенга тафаккур-ла зийнат бермиш,
Меҳнат сабаб ўз ризкингни қиймат бермиш.



«Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ иши,
Бунда йўқ менинг айбим, гуноҳ-қилмиши», –
Дема. Жаннатий бўлай десанг яхши бўл,
Ёмонлик томонга доим қарши бўл.



Минг зорланиб қилсанг-да, сен ўз нолишинг,
Эшитарми Худо, бўлмаса савобли ишинг.



Тақдир право кўрган ташвишларни енгар оқил инсон,
Ақл, билим билан ўзгартирас у ўз қисматин, ион!



Илм-фанда фикрлаб иш тутмоқ оқиллар иши,
Шошилиб иш қилмоқ, билинг, шайтон қилмиши.



Хўжа, эшонман дея, баландпарвоз сўзлама,
Барча Худонинг teng бандаси, гуноҳни кўзлама!



Ҳамма ҳам ихлос билан ибодат қилас эмиш,
Бегуноҳнинг дуоси ижобат бўлар эмиш.



Дилида эътиқод бўлса, Худо ҳам унга ёрдир,
Лекин дини тилда бўлса, бу кас албатта хордир.



Яхши бўлсанг, элдан дуо ёғилар,
Дўст бўлади ҳатто эски ёғийлар.



Тавба, аҳдингни бузиб, қилурсан сен ёмонлик,
Ёмонлик қилган кас сира топмас омонлик.



Надомат эт, тавба қил, ёмонликдан кеч,
Яхшиликни тож айлаб, ўз баҳтингни қуч.



Дунёнинг вафоси йўқ, азалдан аён,
Бугун очилса гул, эрта бўлади хазон.



Фам чекмай, роҳатда яшайвер инсон,
Қачон келиб-кетмоқ Аллоҳга аён.



Қонингдаги шайтон деди: Ёмонликка имладим,
Лекин ушлаб қўлингдан, сени мажбур қилмадим.



Кўрсатар ўзин художўй, лек дилида ёмонлик,
Ҳаромдан қилмас ҳазар, ўзи қайси томонлик.
Дин пешвоси муллами ёинки нафс бандаси,
Виждонин пулга сотар, пешволиги бир онлик.



Туғилиш ва ўлиш азалий нечун,
Бунга борми чора ўзгартмоқ учун.
Яхши амал билан ярат тақдиринг,
Насибангни бут қил, яшамоқ учун.



Ёмонликлар пайдодир барча қилик-қилмишингдан,
Сўнг қисматингдир нолиш, қилмиш-кидирмишингдан.



Имон тўғри йўлга бошловчи бир сарбондир,
Виждонинг ваadolat сенга ҳамроҳ карвондир.

Күшинишик, қариндошик ва ахилшик

Ховли олса ҳар киши, яхши қўшни кўзлагай,
Бил, яхшиси яхшидир, ёмони ғавғо кўзғагай.



Яхши қўшни ақл ила тўғри йўлга бошлайди,
Агар бўлса беакл, ҳар кун дилинг ғашлайди.



Гар ҳамсоя яхши бўлса, оздир бўлса қанчадир,
Бўлса ёмон, изғириндеқ игналарин санчадир.



Кўнгли қора ошингни егунча дилкаш бўлади,
Таъми оғзидан кетгач, сен билан ғаш бўлади.



Очкўз, хасиснинг ранги ҳамиша ёмон,
Бўлса гар қондошинг, у ёмондан ёмон.



Гар келса жафолар дўст-у қариндошдан,
Жабрлидир, ёв отган минг ғазаб тошдан.



Кимки яқинлари билан муросада турмабди,
Демак, у гурбат-аламлардан нари юрмабди.




Эл-юрт агар иттифоқ бўлур,
Икки жаҳон оромгоҳ бўлур.


Эл агар ноиттифоқликда экан,
Ер-осмон қонли жанггоҳ бўлур.



Оилада бўлса хурмат ҳамда ахиллик,
Унда ошён топар иқбол ва эзгулик.
Агар ноаҳиллик или бўлса тортишув,
Рўзғордан кетиб барака, кўпаяр кўргулик.




Ахил бўлса одамзот тилакларда шараф-шон,
Мехр бўлса қалбларда эл эртаси нурафшон.



Ақллар бирлашса, ақл кучи мингга ошар,
Оқиллар баҳсдан илму урфон конин очар.



Одамларни гуруҳларга бўлмок ҳасадданур,
Барча бир инсон, бу бош бўлиш қасидандур.




Юзлаб киши ахилликда бир даврага жам бўлур,
Икки нокас сиғмай кенг жаҳонга жанжал қилур.



Бўлинганни бўри ейди дейдилар,
Ноиноқнинг умри куйди дейдилар.



Ёмон бўлса улфатинг,
Тайин унда кулфатинг.



Бузилиш ва тўзиш ноаҳилликдандир,
Кудрату ғалаба, бил, ахилликдандир.




Хоҳ сина, хоҳ синама, сен буни бил,
Барибир қўй бўри-ла топишмас тил.

Баҳо, қадр ва обрӯ сарҳисоби

Кимки қадру қиммат ва обрӯсин ўзи англагай,
Демак, покликни туғ айлаб, ўз шаънини шайлагай.



Ким агар кибр-ла зўрман дея ўзига берса баҳо,
У ўзгага эмас, билингки, ўзига қилгайдир жафо.



Маъноли сўзинг қадр топиб, обрӯ-химмат-ла яша,
Эзгу бўлсин амалинг, доим иззат-хурматда яша.



Ўзгага хурмат-қадр, бу оқилликдан дарак,
Етказар улуғликка ва эрур шаънингга безак.



Дўст бўлсанг, қадру қиммат ила сўзлагин,
Хато, ютуғим айтиб, ҳақиқатни кўзлагин.



Кишиларга кўрсатурсанг гар қадр-у эъзоз,
Келур сенга ҳам юз меҳр, буни бил, шоввоз!



Кўксинг тоғдек юксалур, эл ичра қадринг бўлса,
Қадринг тутдек тўкилур, гар ишинг қинғир бўлса.



Арzon сотма қадрингни, фурурингни юксак тут,
Мехнат қилиб шараф топ, бошқасини сен унут.




Кимки дўстин қадр этмай, қилса ўзидан жудо,
Келса оғатлар ёприлиб, энди унга йўқдир – шифо.



Орсиз-қадрсиз дўстликка ярамас,
Чунки у қадр-кимматни англамас.



Ким бироннинг шаънига беандиша сўзлар айтар,
Шу лаҳзада толеидан омад-у барор қайтар.



Сен нописад этиб кишини, қилгайсан бағрини хун,
Ҳакқа солди қилмишинг, жавобин бергайсан бир кун.



Ўз қадрин совурган, қадрсиз бўлур,
Қилмишидан кўнгли зардобга тўлур.



Ўзи ер, қандай осмон тутсин сени,
Қадрсиз ул, қадрласин қандай сени.



Бекадрдан қадр истамоқ хатодир,
Унинг билан дил боғламоқ жафодир.



Қарз олсанг, обрўйинг пасаяр зумда,
Қарз берсанг, сармоянг сингади қумда.



Ёлғон тез пасайтиар қадрингни,
Боз заминга эгилтиар сарингни.
Эзгу сўз ва иш сенга бўлса ҳамроҳ,
Ютуқ ва обрў келар, чекмайсан оҳ.



Устоз деди:

Ёши катта қўл чўзмаса, қўлинг тутма,
Кибрлига қўл бериб, обрўйинг тўкма.

Завқ-шавқ ва баҳт нашидаси


Завқ изла ўзингдан, четдан излама,
Тадбирли иш қилмай, шавқ қўзлама.



Кўшиқ тинглаб, шавқдан осмон учасан,
Куй завқидан баҳт-икбол қучасан.



Ҳар куй-ғазал садосида ошиқ ноласи,
Ва вафога йўллагувчи илҳом воласи.



Эзгу сўзлар айтиб дилинг шод эт,
Фамли кўнглинг аламдан озод эт.



Шукр қилгил, тинч, хотиржам яшаб турибсан.
Меваси мўл дараҳт каби яшнаб турибсан.



Завқли меҳнатдан сўнг шодлик келар,
Захмат чексанг юртингга ободлик келур.



Кулмоқ яхшидир, йиғламоқ ёмон,
Бош эгиб кулгига қолмоқлик ёмон.



Ибрат олсанг яхшидан, бу – тарбия-таълимдир,
Окилликка йўлловчи тадбиркор муаллимдир.



Авлодларим саодатда яшасин десанг,
Илм-хунар ўргат, баркамол ўссин десанг,
Ҳаётда ўз ўрнини ва баҳтин топиб,
Ҳалол меҳнат нонини ошасин десанг.



Ҳаётда ким курашса ва бўлса ғолиб,
Эркин ва баҳтли яшашга у муносиб.



Олға интилса одам, албат чўқкига чикар,
Ва комил инсон бўлиб, келажагин яратар.



Ишқталабга ишқ, баҳтталабга баҳт берар Худо,
Бандасининг меҳнатига ярасин кўради раво.



Ким тер тўкиб чекар меҳнат захматин,
Кўяр албат меҳнатининг роҳатин.



Ақл-билим ёғдуси омад йўлинг ёритар,
Тўғрилик йўлингдаги заҳматингни аритар.



Бахт излаган одамга шижаот керак,
Толеини топгунча сабр-тоқат керак.



Аҳил хонадондан шодлик аrimas,
Хусумат ҳукм сурса, тонги ёришmas.



Яхшилар ичра бўлсанг, етарсан муродга,
Ёмонларга ёндашсанг, қоларсан уятга.



Ким нафсини жиловласа, у бахтлиdir,
Толеини меҳнат-ла яратса, тахтлиdir.



Ақл машъалидан сира узма қўлингни,
Чунки машъал ёритади юрар йўлингни.




Агарда бўлсанг оқил, қозонарсан яхши ном,
Хаёт сендан шод бўлиб, бахт-икбол этар инъом.



Меҳнат қилиб топганлар қанду асал тотади,
Танбал меҳнатдан қочиб, доим касал ётади.



Меҳнат-у ҳунарингдан бахт-толеингни ярат,
Ўзгадан тама этма, ҳалолга қилгин рағбат.



Вақт, фурсат ганимат шиги, Умр ўткенишиги ҳакида

Фурсат ўтар, ғанимат ҳар дам,
Ўтиб борар азиз умринг ҳам.
Илму ҳикмат, эзгу амаллар
Билан умринг безат, эй одам!



Соат милин суриб ортга, вақтни қайтариб бўлмас,
Фойдаси-чун бу қайсарга ақл-илм ўргатиб бўлмас.



Вақт ғанимат, топмасин завол,
Бу оқимда умринг бир шамол.



Билим олмасдан вақтингни ўтказма бекор,
Касб ўрган, фурсат зое кетмасин, эй ёр!



Кўп гапириб, вақтинг бехуда сарфлама,
Фойдаси бўлса сўзла, эҳтиёжиз сўзлама.



Ким ўкиб, ишламай вақтин бекор ўтказди,
Олтиндан қимматли умрин зое кетказди.



Фурсат ўтдими, бу кун қайтмайди ҳеч,
Илм ол, меҳнат қил, то бўлмасдан кеч.



Ҳар ишда ғайрат кил, фурсат кутмайды,
Тадбир-ла ишламасанг, омад келмайды.
Вақт ўтдими, бил, у ҳеч қайтмайды,
Кейин афсуслансанг, фойдаси бўлмайды.



Дунёда абадий яшамас инсон,
Ундан эзгу амал қолур, ишон!



Ҳар лаҳзада ўтиб борар умр карвонинг,
Қаратилган бўлсин ишга кучу имконинг.



Фозил деди:

Кунлар ўтар, умрим кетар тўхтамай,
Ўзимдан бир нафас аҳвол сўрамай.



Доно деди:

Кунингдан бир куни ўтди хайҳот,
Умрингдан бир зуми чекди фарёд.
Эрта кунинг бор бўлса, сен ҳаёт,
Ўқи, ишла, ярат, сен бўлгин шод.



Вақтида овқатлансанг ва кам-кам есанг,
Меъёрий меҳнатни ва машқлар қилсанг,
Ёмонликдан доимо сен узоқ бўлсанг,
Шунда, бил, юз ёшдан ошиб умр кўрасан.



Кун бўйи ялло қилиб, айт, қайларга чопасан,
Олтиндан қиммат вақтинг, сен қайлардан топасан.

Сирлар хазинаси ва хоннинг хиёнати

Ҳаёт сирларини англамоқ оқиллар иши,
Ҳаққа интилганинг озаяди ташвиши.



Кўп ўқисанг, кўп нарсалар бўлур аён,
Китоб сенга олам сирин айлар баён.



Касбу хунар сирларин эгаллагин ёш пайтда,
Хузурини кўрасан бир кун келиб ёш қайтса.



Илму ҳикмат-ла ҳаёт сирин билишинг осон,
Нигоҳингдан пинҳон тутмас сирини осмон.



Илму фанда борлик сирларини англа,
Мехнат қилиб, унинг сирли йўриғин тингла.



Содик дўстинг ила узоқ-узоқ манзил кўзла,
Ифводан коч, дардларингни сувга сўзла.



Ҳар кимни шерик ва сирдош деб билма,
Номардларга ишонма, йўлдош деб билма.



Безанган ҳар аёл хотин бўлмас,
Йилтираган ҳар мис олтин бўлмас.



Сен ўз сириңгни ғанимга очибсан,
Дил гавҳарин тупроққа сочибсан.



Сириңг айтсанг ўзгага, уни сақлаб бўлмас,
Даврада сирни очиб, сўнгра қайтариб бўлмас.



Ҳамроҳинг бўлса гар фирибгар, афёр,
Тилингни тий, сириңг бекит, бўл ҳушёр.



Икки ракиб гап талашиб, сир-асрорларин ошкор қиласар,
Кўприқда сузишган икки эчкидек сувга чўкиб бекор бўлар.



Мунофиққа кўп сирларни айтиб бўлмас,
Йўқса кутган иқболинг ҳам келмас.



Айёр кўксига бўлса, хийла-найранг яширин,
Қанча яширмасин, аён бўлар ёвузлик сирин.



Икки ғийбатчи бир бўлиб ўзгалар сирин очар,
Бўлсалар айри, бир-бирларин ёлғонин очар.



Гар ёвуз сотқиндан огоҳсан,
Унутмагин, тахтдаги шоҳсан.



Вақт ҳакам, хиёнатчи сири ошкор бўлади,
Оlam аро бир умрга ул шармисор бўлади.

Эхтиёткорлик өмбөр мукофоти

Агар ҳар ишда бўлсанг ҳушёр,
Бир умрга ютуқ бўлар сенга ёр.



Ухла кўзда, дилинг ҳаққа уйғоқ бўлсин,
Куну тун пок қалбинг билимга тўлсин.



Сирдан огоҳ кишини омадли бил,
Тортинмасдан унинг барига интил.



Сен куну тун ҳаётинг тадбири тузисан,
Демак, иқболингни яратишга огоҳ турибсан.




Гафлатда яшама, саодат изласанг,
Доимо меҳнат қил, буюклиқ кўзласанг.



Эҳтиёт бўлсанг, балолар яқин йўламас,
Огоҳ турсанг, иқбол сендан айрилмас.



Ҳар сўзинг, ишингда бўлгин эҳтиёт,
Макр-хийла билан тўладир ҳаёт.



Кимки бўлса тилига эҳтиёtsиз,
Билгин, у қисматига эътиборсиз.



Кимки душманидан огох бўлмагай,
Зиён кўргай, бахти асло кулмагай.



Душманинг фирибидан ғафлатда қолма,
Текинхўр хушомадин асло чин дема.



Дейдилар, азалий душман дўст бўлмас,
Уни дўст билмассанг, гулларинг сўлмас.



Ғафлатда қолдингми етгуси бало,
Фойда бермас зинҳор сўнгги нола.



Хасларнинг остида тағин йўқми чоҳ,
Босган йўлларингдан огох бўл, огох!



Меъёрга шукрлининг асло ками бўлмагай,
Бахилнинг ўз ийққанидан кўнгли тўлмагай.



Меъёрни билсанг, заҳар ҳам дардга салосил урмиш,
Ортиқ иссанг, асал ҳам заҳри ҳалоҳил эмиш.



Ҳаддан ортиқ ва маъносиз сўзласа киши,
Кундан-кунга орта борар кулфат-ташвиши.

Ваъдага вафо, содиқлик ва ишонч шарофати

Кимки берган ваъдасига қилгай вафо,
Виждони пок, бебурдликдан чекмас жафо.



Ваъдасига агар вафо қилмаса инсон,
Инсон ҳисобланмас ҳар икки жаҳон.



Омонат – бирордан олинган қарздири,
Қарзни вақтида қайтариш фарздири.



Қарзни эртага дейсан, эртанг тамом бўлмайди ҳеч,
Ваъда-ю қасаминг бузиб, Аллоҳдан қўрқмайсан ҳеч.



Поклик ва содиқликдан чиқсин номинг,
Дилингда бут бўлсин ишонч-имонинг.



Ёнингда содиқ дўст бўлса, қалбинг шоддир,
Тилагингга қўлдошдир у, кўнглинг ободдир.



Садоқатнинг асоси вафо,
Хиёнатнинг битгани жафо.



Содиқ дўст хатоинг айтса юзингга,
Хунук кўринмасин у сени кўзингга.



Ишонч – кўксингдаги кудратли яроғ,
Журъат-ла интилсанг текис бўлар тог.



Дилингдаги ҳак фикр тилингга кўчса бас,
Сен ишончлисан, келур омад басма-бас.



Машаққатни енгиш кўп қийин эмас,
Бунга ақл-зако, ишонч бўлса бас.



Оқил режасиз ва ишончсиз иш бошламас,
Натижасин англамай, ижросига киришмас.




Кучинг етмас ишга журъат айладинг,
Унутма, дилингга ҳасрат жойладинг.



Душманга ишонсанг ёки қолсанг ғафлатда,
Охири учраб касодга, яшарсан надоматда.



Ёлғон сўзлаб ўзингга ишончни сўндиридинг,
Бахтинг бойлаб, толеинг ниҳолин сўлдиридинг.



Ҳақиқат – Аллоҳнинг илоҳий сўзи,
Ёлғон сўзлаганнинг қорадир юзи.



Истасанг гар ҳақиқатнинг сиру сехрини,
Қалбингга жо айла Аллоҳ меҳрини.



Ҳақиқатни англамоқ-чун илм ва поклик даркор,
Ҳақлиқни яратмоққа покдомон, софлик даркор.



Ҳақ сўзласанг яшаш роҳат сенга,
Ёлғон бўлса ором қаҳат сенга.



Қалбинг ҳақгўйликни этса ихтиёр,
Билгин, сен баҳтлилар ичра баҳтиёр.



Ёмонликдан тийилиш – оқилнинг иши,
Ёмонликни ўйловчи – бадхулқ қилмиши.



Оқил ҳақ-ноҳақни дарҳол ажратар,
Ўзига элнинг эътиборин қаратар.



Ҳақиқат кишининг эрса аъмоли,
Номи улуғланиб, ортади моли.



Ҳақиқат дилингда сўнмас маёқдир,
Жабру жафо мудом сендан йироқдир.



Ҳақиқат – күёшдек оловли ҳалқа,
Кўлда тутиб бўлмас, у чўғдир лахча.

Тутсанг ҳақиқат ва адолат йүлин,
Бахтга дохил бўлурсан ҳар лаҳза.



Ҳалол бойлик топсанг, олам гулистан сенга,
Топсанг қингир йўл билан замин зиндан сенга.



Кимдаки акл-идрок доим уйғун бўлур,
У ҳаққа кўнгил кўяр, ёмондан жирканур.



Ҳақиқат ойнасин синдиromoққа кимки отса тош,
Сопқони ўзига қайтиб, фурра бўлар ул ақлсиз бош.



Ўсиб пок, ҳақ нуридан баҳра олишни истасанг,
Ростликни ўзингга касб эт, юксалишни кўзланг.



Ростликдан кочмагин, эй ёш навқирон,
Бил, ростлик келтирур доим шараф-шон.



Тўғри бўлсанг агарда, ишинг ганжли бўлур,
Ноҳақлик йўлидан юрсанг, охири ранжли бўлур.



Доно нодонга қараб деди:
Тўғриликка йўлласанг, жаҳлланиб ғавғо қилур,
Боз ноҳалолга қўшилиб, ўз-ўзин расво қилур.



Нега ҳақиқатга эмас, ноҳақликка ўчсан инсон,
Чунки ҳақни ёмон тусга бўяб кўрсатар шайтон.



Келар бўлса-да баҳти, аҳмоқ эзгуликни тингламас,
Зое кетса-да умри, ул нопок ҳақиқатни англамас.



Түғри йүлни күрсатсанг ҳақиқат деб билмайды,
Холис маслаңатингни ё назарга илмайды.



Диёнат диёрида адл нурини сочгай,
Юрт обод, эл-улус ҳам қалб қўрини очгай.



Адолат қарор топса имон мавж урап,
Инсофу диёнат барқарор турар.



Адолат имоннинг фарзанди эрур,
У бор жойда ёғилади файз-нур.



Қалбинг пок ва ишларинг бўлса адолатли,
Ҳатто душман дўст бўлиб, яшарсан саодатли.



Шоҳ бўлса адолатли, вайрон юрт обод бўлур,
Агар эрса адолатсиз, мақсадлар барбод бўлур.



Кимда агар бўлса имону виждон,
Қадри ошиб, бўлур шухрати осмон.



Ҳаётда бўлса аъмолинг қилмоқ адолат,
Роҳатда яшарсан, хеч кўрмайин адоват.



Қаерни обод этса адолат нури,
Шунда қуурур ҳақсизлик шўри.



Қилсанг адолат, ҳақлик кучайиб қайтар,
Қасд айласанг, бисотинг ўтларга ёқар.



Кимда бўлмаса адолат, виждон,
Унда бўлмас эътиқод ва имон.

Поклик ва ҳаломлик мукофоти

Шерикликда агар ҳалол ишласанг,
Касбинг баракотли, келар омадинг,
Шеригингга агар хиёнат қилсанг,
Даромаддан ошар буромадинг.



Ошинг ҳалол, дилинг пок, обрўинг бор,
Бундай саодатни тарк этма зинҳор.



Кимда-ким номусин пок сақламаса,
Касб, билим эгаллашга у интилмаса,
Ризқин яратиш-чун меҳнат қилмаса,
Бил, ёмонлик эш бўлур унга ҳамиша.



Пок бўлиб ҳам пок юриб ҳалол насиба касб қилибсан,
Охиратни ёд этиб, валийларга ҳамдаст бўлибсан.



Ҳалолдан келмаса бойлик эгасини хор этар,
Тўкин-сочинлик ўткинчи, охири абгор этар.



Содиқлик ва ҳалолликда чиқса номинг,
Тўлин ойдек бўлур бутун имонинг.



Ҳалолдан келса бойлигу давлат,
Юлқий олмас уни кин ва адоват.



Ҳалолдан бой бўлсанг, умринг роҳатда,
Ҳаромдан тўпласанг бошинг уқубатда.



Қаерда ноҳалоллик ҳирси ёнар бетутун,
У ерда инсон шаъни куяр бамисли ўтин.

Сабр-бардош ва қатъишик - дил қуввати

Бардош ила касб-кордан яратибсан иқболинг,
Бахт-икబол ҳамроҳ бўлиб, порласин истиқболинг.



Сабр-бардош-ла ишлаш – етуклик нишонаси,
Истиқболга етишиш – тоқатнинг тантанаси.



Сабр ила, бардош ила ҳақ йўлидан тутибсан, жой
Кулфатдан узоқ бўлиб, нақд қўлидан тутибсан.



Киши сўзин сабр-ла тўлиқ эшитмоқ даркор,
Маънисини чақиб сўнг, лойдек пишитмоқ даркор.



Бой бўлса-да ношукур, килмагай асло шукур,
Ҳаромдан мол йигиб боз, тезда ўрага тушур.




Ўқиш-ишда талабингни қатъий қил,
Талабдан сайқал топиб, мавжланади дил.



Ҳар киши тартиб-интизомга қилса амал,
У албат етишар обрӯ ва шараф-шонга,
Бўлмаса интизом ютуқ ва омадга тамал,
Ютуқ ҳам айланар енгил хасга, сомонга.



Тўғри танқид бўлса-да аччик, бахтинг эгизлар,
Танқид бўлса ғаразли, ғамдан адo дил бўзлар.



Ўз айбин ўзи айтувчи, донишманд бўлур,
Эгаллаб илму хунар, даври давронлар суур.



Олдини ол ёмонликнинг танбех бериб аввал,
Селдек вайрон қилур, агар бу ишни этмасанг ҳал.



Қўрқок ўлмасидан бурун ўлади,
Хазон бўлган гулдек бевақт сўлади.



Шошилган бўладиган ишни ҳам барбод қилгай,
Оғир, босиқ бўлса ишни бажо, юртни обод қилгай.



Дилинг, сўзинг ва ишинг бир бўлсин ҳар доим,
Икки юзли, тилёғлама бўлишдан асрасин худойим.



Сусткашликни одат этганинг,
Ўз дилингга заҳмат битганинг.

Кечирмасанг ва сукун марҳамати

Кечирмоқ кеткизар гина-кудуратни,
Мехрдан олади инсон кудратни.



Муроса-мадора бўлмаса гар одамда,
Адоват авж олиб, қоларди ғамда.



Дўстинг гуноҳидан кечиб, берсанг ён,
Қалвидан йўқоларди хусумат, исён.
Агар кечирмасанг, кўнглинг кенг қилиб,
Ўзинг ҳам ғам чекиб, бағринг бўлар қон.



Сукунатда фикрлашга фурсат бўлади,
Фикрдан қалбингга қувонч тўлади.



Гапиришдан бўлмаса фойда,
Сукут сакла, дўстим, ҳар қайда.



Маъноли сўзинг бўлмаса, сукут сақладинг,
Кўп олдида инсонийлик бурчин оқладинг.



Фазабланган пайтда сақлагин сукут,
Сукунатда ғам-аламинг бўлади унут.

Яхшиликлар шарофати

Агар қалбингга ин курса эзгулик,
Бошим кўкка етди десанг арзигулик.



Яхшилик қилсанг яхшига, бундан дил обод бўлур,
Эзгуиклар завқидан ҳамиша қалбинг шод бўлур.



Яхшилик меҳр-ҳурмат пайдо қилур,
Дўстларни ўзига тезда шайдо қилур.



Эзгуликка яхшилик-ла қайтарсанг жавоб,
Бил, ўз яхшилигиндан топарсан савоб.



Икки кўзинг билан ҳам яхшиликни кўр, дўстим,
Сендан ҳол сўраганни сен ҳам ҳолин сўр, дўстим,
Дилингда ошён курсин эзгулик ва яхшилик,
Савобли ишлар қилиб, давру даврон сур, дўстим!




Ўзингга нимани кўрмасанг раво,
Уни ўзгага ҳам кўрмагин раво.




Яхшилик излаганга нурдир дунё,
Ёмонлик кўзлаганга зим-зиёдир дунё,
Ақл, билим ва меҳнат яратар иқбол,
Бахт излаганга имкон тўладир дунё.



Яхшилар сўз-ишинингда бўлса сирдошинг сенинг,
Шунда доим яхшилик бўлар йўлдошинг сенинг.



Заминда тобора кўпайсин яхшилар,
Бил, фақат яхшилардан эзгулик унар.



Яхшига яхшилик қилсанг, эзгулик ёмғири ёғар,
Кўллаб сени Худойим, кўқдан иқбол-нур ёғар.



Ўзага эзгулик қилган яхши одам,
Мақсади йўлида боради илдам.



Окилга қилсанг яхшилик, қайтар яхшилик,
Яхшининг дилига ин қургандир эзгулик.



Тиз чўк, Аллоҳга ялингин, ёлвор,
Ҳақ йўлга йўлла де, бошқаси бекор.



Агар сен яхши ишларга бел боғладинг,
Демак, ёмонликнинг бағрин доғладинг.



Фақат яхшилик қил, у яратар саодатинг,
Ёмонлик элтар кулфатга, тарқ эт бу одатинг.



Яхшини – яхши, ёмонни – ёмон дейдилар,
Яхшига ҳиммат, ёмон беимон дейдилар.



Аъмолинг бўлса яхшилик садоси вафо,
Одатинг бўлса ёмонлик аксиdir жафо.



Яхши бўлсанг, сенга дуо ёғилур,
Ёмон бўлсанг, бошга бало ёғилур.



Яхши билан бўлсанг, эзгу истак тинглайсан,
Ёмонга қўшилсанг, ғийбату ғараз англайсан.




Тоққа чиқиб бақирсанг, садоси қайтгай,
Яхшига ёмонлик қилсанг, жафоси қайтгай.



Сўздан келади, билсанг, эзгулик ёки озор,
Ким агар яхши бўлса, у доимо беозор.



Яхшилик қил, ёмонликдан бўл йирок,
Шунда сенга яқинлашмас дард, фирок.




Яхшини бир, яхшилик қилганни минг кўр,
Қолса мусибатда ул, минг бора ҳолин сўр.



Ёмонга ҳам яхшилик қил – дунёни тузат,
Ҳар инсонни яхши деб бил, дунёни кузат.

Ёмонликлар қасофати

Ёмонликдан узок юр, яхши инсон бўласан,
Камолотга етишиб, давру даврон сурасан.



Эзгулик томон боравер, эй инсон,
Эл ичра яхши ном топарсан, ишон.
Ёвузлик пешангга айланмасин ҳеч,
Бир дам ўйламагин, бу ниятдан кеч.




Оlamда яшай десанг омонликда,
Кўзга ташланмагин ёмонликда.



Майин сўзла гар яхшилик тиласанг,
Мушук хур-хур ухлар бошин силасанг.



Ёмондан юрсанг йирок, етмагай дилга фирок,
Омадга эришгайсан, яхшига очсанг қучоқ.



Ёмон бўлсанг, элинг лаънатлаб ўтар,
Яхши бўлсанг, дўстларинг хандон кутар.



Бировга ёмонлик қилганда ўртанса дилинг,
Демак, виждонинг уйғок, айтмаса-да тилинг.



Кечсанг ёмонликдан, жафо сени тарқ этар,
Дилдан кетса кадар, севинчли онлар кутар.



Сен ёмонни деб ёмон, дилинг пора айлама,
Үргат яхшиликни ҳам, нафрат билан сийлама.
Айтган ишинг бажарса, ҳечам саркашлик қилмай,
Ундан меҳринг аяма, четга суриб ташлама.



Ёмон ёмонлигидан ўзи ҳам заҳмат кўргай,
Яхши эзгулигидан баҳра олиб давр сургай.



Ёмонлик қилсанг, кўрганинг бўлар ёмонлик,
Яхшилик қилсанг агар, топгайсан омонлик.



Яхшилик қилолмасанг, ёмонлик ҳам қилма,
Ёмонлар бад килиғин сира назарга илма.



Ёмон-у ёмонликдан шамол каби қоч,
Шунда эришганинг бўлади қувонч.



Гул баргининг остида пинҳон тифи бўлармиш,
Ёмон ният билан қўл чўйса, тикони санчилармиш.



Ҳеч қачон ёмонга бўлмагин йўлдош,
Ёғилар бошингта албатта озорли тош.



Арпа эксанг, албат арпа ўрасан,
Ёмонлик қилсанг, ёмонлик кўрасан.



Ёмонларга қачонки хеш бўлибсан,
Демак, ёмон ишларга бош бўлибсан,



Ёмон фояларга эргашган одам,
Қолар уятга, боши бўлиб хам.



Гар ёмонлик қилмок эрур қилмишинг,
Ножоиздир жафо келса нолишинг.



Ёмонлик ёмонликни кўпайтирас,
Охири ул кўксинг садпора этар.



Қилсанг агар ёмонлик, натижаси фироқдир,
Ёмонлигинг ташласанг, кулфат сендан йироқдир.



Ким ёмон хулқ ва ёмон сўзга ўзин чоғлади,
Ёмонлиги касридан ўз қалбини доғлади.



Эл ёмон деган билан гар бўлсанг йўлдош,
Бир кун афсус чекиб, тўкарсан кўз ёш.



Яхшиликни ўйлаган ёмонлик кўрмас,
Ёмонликни касб этган омонлик кўрмас.



Ёмонликни қилиб, сўнгра яхшилик кутма,
Зинҳор-базинҳор бу сўзимни унутма.



Акси садо берар тоғда туриб ҳайқирсанг,
Яхши жавоб кутмагин дағдағали бақирсанг.



Ёмон бўлиб ўзингга омонликни кўзлама,
Ёмон бўлиб яхшилик томонликни кўзлама.
Яхшилар хизматида камарбаста бўл доим,
Яхшилар равишида бадгумонлик излама.



Ёмоннинг ҳамроҳи ёмон бўлади,
У билан қабоҳат омон бўлади.



Ёмон еб тургунча ошна бўлади,
Яхши умрбод меҳрга ташна бўлади.



Сен ёмонлик уруғин сепдинг оёқлар остига,
Юрсанг ногоҳ санчилур тикан ёмонлик қасдида.



Кимки ёмон ишларни изҳор айлади,
У ўзин мусибатга гирифтор айлади.

Гумон, араз ва эзмалик захшатлари

Гумонлининг хом сўзин ёқлама ҳеч,
Йўлдан чалғитар, кўксингда сақлама ҳеч.



Гумон билан ким ўзгани ёзгирап,
Уни албат тўғри йўлдан оздирар.



Сўз-ишингда сен гумонни одат айладинг,
Орзуинг этиб барбод, касод йўлни танладинг.



Шубҳалар ишингни ортга тортади,
Ютуқ эмас, ҳасратинг тез ортади.



Эшитсанг гумон сўзни, бориб кўрмоғинг даркор,
Аниқ ўйлаб иш қилсанг, ривож топар касб-кор.



Гиналарни кечирмоқ келтиради саодат,
Оқил киши учун бу маъқул тушган бир одат.



Мехр, иззату ҳурмат малҳам бўлур аразга,
Аразчилар кечирса, ўрин қолмас ғаразга.



Араз бўлса дилингда, сен тезда йўқот,
Илдиз кўйиб бўй чўзмай, уни четга от.



Гина, араз ва хусуматга йўл берса одам,
Ундан чиқмас дўстлик, бўлолмас ҳамдам.



Дилида араз бор экан, унда гина яшайди,
Араз-гинадан кечмаса битта ўзи яшайди.



Гина-ю араз кўзғар кўнгилда қасд-хусумат,
Жаҳл чиқса орада кетар албатта ҳурмат.
Сен гинани унутиб, аразчига чўзсанг қўл,
Оlam гулистан бўлиб, қайтар мөхр-окибат.



Эр-хотин аразлашса, сен тушмагин орага,
Ўзлари тил топишиб, малҳам қўяр ярага.



Сен араздан сўз очиб, ўзинг овора бўлдинг,
Шамол отга минибон, элга овоза қилдинг.



Боридан айрилган аразчининг афсус-надомати:
Шубҳа-гумонларимдан ҳақиқат ўлди,
Ва айрилдим ўз қалбимнинг ёғдуларидан.
Аразладим, жабриданки муҳаббат сўлди,
Оқибатда жудо бўлдим орзуларимдан.



Сен бировга кибр ила қилсанг пичинг,
Оқибати ғурбат бўлар, ишон, гапим чин.



Эзма эзар руҳиятни ёмондан-ёмон,
Оқил билиб сўзлар маъноли ҳар он.



Илми бўлса-да эзма, берар асабга озор,
Қайта-қайта сўзлагай, ҳамма ҳам бўлар безор.

*Ғам-алам ва
уни енгизи ҳақида*

Кулфат ўтар, сен ундан озор чекканинг бекор,
Енгиб қайғу-аламни, умид қилмоқлик даркор.



Турмушда қанча кўп бўлмасин ғаму ташвишинг,
Ечар барин ақл, мустаҳкам бўлса бардошинг.



Оlam ғамларга тўла, кулфатлар садосидан,
Дил додга келар, дардларнинг жафосидан.
Туғилиш ва ўлим, бу – азалий қисматдир,
Беморликда нажот топ, ўз ақлинг шифосидан.



Тош қаттиқми ва ёхуд одамнинг азиз боши,
Фам тошини бош эзар, бўлса инсон бардоши.



Бағринг эзса ғам-алам, сен ундан қутул бугун,
Чунки қора тундан сўнг келади қуёшли кун.



Фамгин эрсанг, кунинг йилдек узун бўлур,
Енгсанг ғамни, йилинг ҳам кундек ўтур.



Пасткаш одам биронга етказар ғам-аламлар,
Англа, инсон, сенга хос барча эзгу амаллар.



Ғам-аламга сабабдир қинғир ишинг,
Яхши эмас қисматингни койишинг.



Бол йигаман десанг, ари жисмингга ниш уради,
Хазина топай десанг, кўриқлаб илон туради,
Касал бўлсанг соғайсин деб дўхтири дори беради,
Гар гулга ошиқ бўлсанг, кўлингга тикан киради.



Тушса бошингга алам, ўзгадан кўрма.
Ўзингнинг феълингдан юзингни бурма.



Каерга күйсам қадам, ғам ўзин ошкор этур,
Йўқ ғамни одам, ўзи араз-ғараздан бор этур.



Ароқ иссанг ақл-хушдан жудо бўласан,
Бор-йўғингни сарф этиб, гадо бўласан.



Дадам Нурилла махсум кўчада алкашни кўрсалар,
маъюс хиргойи қиласар эдилар:

Бадмас телибди, ғамхона телибди,
Акл-фаросати йўқ девона телибди,
Уйида бурда нону ошдан дарак йўқ,
Ғам-ғуссага тўла сарсона телибди.




Ким майга экан улфат, бири икки бўлмайди,
Май келтирас кўп кулфат, тирикдир, лек кулмайди.



Ароқдан завқ топиб, ақлин ичиб бўлди пиён,
Оиласи вайрон, бола етим бўлиши аён.



Шаробни ичар тўхтовсиз ва қўшиб толеин ичар,
Бўлиб расвойи олам, инсонлик шаънидан кечар.



Инсон ўз хатосин тан олса марддир,
Тузатса, етган мақоми жўмарддир.



Үзингга бўлса аён хато-нуксонларинг,
Тезда тузат, ортсин десанг имконларинг.



Кимки илғамай хатосин, ўзгалар айбин кўрап,
Бамисоли яхшиликдан ёмонликка юз ўгирап.



Хато захмидан кўзлар очилгани ҳамон,
Одам хато қилмас эди тургунча замон.



Хато-айбин англаб тузатган одам,
Иқболга етишгай, адашмай шу дам.



Дўстинг янгишиб қиласа бирор хато,
Кечиргин, чунки энди қилмас хато,
Ён бермасанг, дўстинг бўлмайди ҳеч,
Бил, дунёда йўқ киши қилмас хато.



Гар тузатиб хато-айбларинг, этсанг мағлуб,
Ютуфинг накд, ғофиллик ҳам, билсанг, мағлуб.



Айбингу хатоингни билсанг, тезда тузат,
Негаки хатодан хато туғилар, буни кузат.



Даврада айбин юзига айтиб етказма жафо,
Сўнг қалб ярасига топа олмассан шифо.



Кишилар ўз айби, хатосини англаса эди,
Уятдан ўзгалар айбин сўзламас эди.



Үзгалар айбига зийраклик-ла назар сол,
Хатоинг ойнада күргандек тузатиб ол.

Аҳмоқмик ва нодонмик шикастлари

Аҳмоқ ақлнинг фойдасин англаса эди,
У ақл-заковат ўрганмокқа ошикар эрди.



Аҳмоқнинг бошида ҳеч ақл бўлмайди,
Мардлар ҳеч қачон беакл бўлмайди.



Қайсар аҳмоқ-нодонга ўргатсанг ақлу зако,
Мисоли шўр ерга уруғ сепдинг унмас ҳеч вақо.



Аҳмоқлик тузатиб бўлмас бир дарддир,
Аҳмоқлардан узокроқ юрган марддир.



Аҳмоқка эгиб бошинг, қилма ўзинг паст,
Эгилган бош қовжирав, бўлур тезда хас.



Ақли қисқа, нодонлар-ла баҳслашма,
Баҳслашиб, ўчакишиб, қасдлашма.



Аҳмоқ-жоҳил бир бўлиб, қорни тўйса ош-нонга,
Ақлу хушдан айрилиб, келади ғалаёнга.



Ахмоклар хом фикрини түғри дея айтишар,
Ишларин этиб барбод, касодга йўл очишар.



Ахмоқ билан нодон бўлса ҳамхона,
Бу дунё ҳам бўлар эди ғамхона.



Жоҳил-нодон элга раҳбар бўлса бас,
Тезда эл хор бўлиб, яхши тушар паст.



Ишни гар юритсанг нодонларга хос,
Сармояга зарар этиб, қолар жуда оз.



Нодон ўзин комил билиб ишни бошлайди,
Сўнг кетма-кет хато қилиб, бармоқ тишлайди.



Ким бўлса нодонга ҳамфикр-ҳамдам,
Ул ҳам айланади ахмоққа шу дам.



Ким фойда-зиёнин англамай бўлса нодон,
Ул бефаҳмни даволаш-чун йўқ дори-дармон.



Нодондан фаҳму фаросат излама,
Ҳиммат қилиб, меҳр-қадр кўзлама.



Пасткашда йўқ вафо, содикликдан асар,
Сени арzonга сотиб, тезда баҳрингдан ўтар.



Кутма ярамас пасткашдан меҳру вафо,
Чун зуваласига йўғрилган жабру жафо.



Ҳеч ишонма пасткаш ичса минг қасам,
Онтига зинҳор амал қилмас у муттаҳам.



Пасткашга ҳеч яхшиликни кўрмараво,
Чунки у фуурсизга эзгулик нораво.



Мунофик бўлган кимса билан дўстлашма,
Гапларига лакқа тушиб сен сустлашма.



Мунофикка ҳамнафас бўлса киши,
Икки юзлик бўлар үнинг қилмиши.



Кимки ёвуз, кўксига душманлик жойлагай,
Қанча қилсанг яхшилик, у ёмонлик айлагай.

Ёлғончилик, ҳакимилик ва изво фожиаси

Билмайин ёлғон гапирган ёлғончи бўлмас,
Хатосин тузатиб сўзласа рост, у кам бўлмас.



Фарзандинг олдида сўзлама ёлғон,
Ўссин десанг уни тўғри ва равон.



Бирони ноҳақ ёмонлаб ёмонотлиғ бўлибсан,
Бу одатинг ташласанг, асл зотлиғ бўлибсан.



Сукутда тур, хеч қачон ёлғон-яшиқ сўзлама,
Юз ўгириб ҳақдан сўнг, афсусланиб бўзлама.
Тўғри сўзни айтиш, бу – яхши инсон аъмоли,
Ёлғон гапириб хеч ҳам, шафоатни ўйлама.



Доно деди:

Ёлғончига сўз айтсам, ҳақ-ҳалолни англамас,
Балога тез йўликур, тўғри йўлни танламас,
Бахти кетса-да аҳмок, яхшиликни хушламас,
Умри ўтмокда зое, ўз фойдасини кўзламас.



Бор заминда ҳақиқат, ёлғонларинг фош бўлур,
Ёлғондан кўрган «фойданг», ўзингга йўлдош бўлур.



Эй ёлғончи, бу одатинг ташла, тез йўқот,
Ҳақлика бошинг эгиб, ёмонлигинг от!



Ёлғончи деган ном чиқарма, ҳолинг ёмон бўлади,
Ёлғонларинг фош бўлса, рангу рўйинг сомон бўлади.



Эгрининг сояси ҳам эгри ҳар он дейдилар,
Ёлғончи ростни деса, гапи ёлғон дейдилар.



Ёлғонга чин дея тез ишонибсан,
Демак, сен ҳам борингдан айрилибсан.



Ёлғончи элнинг эътиборига зор бўлур,
Нописанд ва омадсиз, охирида хор бўлур.



Ёсумандай аврама тоза дил одамларни,
Охиратдан кечмагин, ўйлаб бос қадамларни.



Тийилмаса тилинг ёлғондан,
Кутулмайсан оҳу фифондан.



Ишонинг, гапим рост деб ёлғон қасам ичмагин,
Вазиятдан чиқдим деб инсонликдан кечмагин.



Фийбат, ифво одатингни ташладинг,
Яхшилик томонга қадам ташладинг.



Сен тинмасдан ғийбат, ифво қилурсан,
Эл аро сен шўриш, ғавғо қилурсан.



Эҳтиёткор одам чакимчининг ифвосига учмайди,
Дилин тирнаган сўзлар ногоҳ тилига кўчмайди.



Оилада авж олса ифво ва ғийбат,
Сўзсиз бошланади ғавғолар, албат.



Яхшиларни ёмон дея ифво қилибсан,
Демак, ҳақ юзига қоракуя суртибсан.



Иғволардан йирок юр кар қилиб қулоғингни,
Иғво ифлос қилмасин бу меҳр булоғингни.



Катта фожиалар келиб чиқар иғводан,
Фисқ-фужурдан коч, узокроқ юр ғавғодан.

Ҳасад ва хасисиң кулфатлари

Ҳасад кўзи-ла бокма, ўзганинг иқболига,
Хасис ҳирси-ла қарама кишининг молига.
Бири ғаразгўйлик ғуссасидан ҳалок бўлур,
Бири очкўзликдан бўкиб эртарок сўлур.



Қалбингни ҳасад, ғараздан халос эт,
Яқинларинг дилига эзгуликни бит.



Ҳасад кетса дилингдан ҳавас ин қуради,
Ҳавасдан баҳт йўли очилиб, иқбол кулади.



Ҳасадчи ғаразидан огоҳ бўлгайсан,
Эл-юрт нафрatiдан йирок бўлгайсан.



Ҳасадчи иқболини кўргани ҳамон,
Тиришиб бужмаяр қора қуртсимон.



Ҳасадчининг ҳасаддан ичи ёнади,
Аlam косасин сипкориб, ғамга конади.

Бирөвга қасд қилиб, иши чаппа тушса,
Муноғиқ қилмишидан бирдан тонади.



Шерингинг бўлса ҳасадгўй, ғаним керакмас,
Унинг зиён-захмати душмандан кам бўлмас.



Фаразгўйлик мисли занг, у кетмас бир балодир,
Фаразлар йўқ кўнгилда мудом тинчлик бўлодир.



Ҳасадчига дўст-у ҳамкор бўлма ҳеч,
Унинг кора дили заҳарсиз бўлмас ҳеч.



Фаразгўй омадлига душманлик қиласар,
Бадавлатнинг молини қизғаниб ўлар.



Ҳасадчи ўз фаразидан ўзи кўради азоб,
Умри ғамдан сўлиб, хазон бўлади тезоб.



Иқболи кулганни кўролмас кўнгли қора,
Порлаган чироғи сўнарми дея зора.



Ҳасадчига ғаним ҳеч керак эмас,
Чун фараз кемирар кўксин, тинч қўймас.



Ҳасадчининг «ширин» гапига учма, биродар,
Барибирам оғудир сутга қўшилган заҳар.



Ҳасадчи қазийди чоҳ, омадли тушсин дея,
Орзуи сароб бўлиб, чоҳга ўзи тушар воҳ дея.



Гийбатчи ҳасаддан фиску фасод тарқатар,
Иғво қўзгаб ўртада, бир-бирига тўқнашар.



Хасисга ол десанг яйраб олади,
Бер десанг тошдек қотиб қолади.



Хасис ўзгага ҳеч яхшилик қилмас,
Яхшилик қилсанг-да у ҳеч қайтармас,
Борин на ўзи ер, на бировга берар,
Ўлса қолиб кетар, олиб кетолмас.



Оқил душмандан яхшилик кутса бўлур,
Лекин хасис дўстдан факат ҳасрат етур.



Бой хасиснинг бойлиги ошган ҳамон,
Очкўзлик азоблари ортар бегумон.



Хасис ва очкўзга бўлмагин мухтоҷ,
Меҳнатингдан ярат, ўзингга тахт-тоҷ.



Бахил қизғанишдан бош кўтармас эмиш,
Шу боис, ерга ниҳол экса кўкармас эмиш.



Омади чопганни кўрганда бахил,
Хатто салом бермас, синади чил-чил.



Бахилнинг кўксига қизғанчиқлик доғи бор,
Ҳасад ўтида куйиб, ўзгаларга берар у озор.

Тұхмат ва зүзүм ақс-сағоси

Ноҳақ тұхмат киши қалбин сўлдирап,
Тұхматкаш бир куни ўзин билдирап.



Фараз-ла тұхматлар ёзіб, «дарди»ни баён айлади,
Қалбининг маразлигин барчага аён айлади.



Ногоҳ бошга тегса тұхматнинг тоши,
Захмидан тұхтамас күзларнинг ёши.



Эй инсон, сақлан ўзгага бермоқдан озор,
Шунда ўзингга ҳам қўл кўтармас дилозор.



Кимки пок дилларга беради озор,
Ўзи хавфда яшар, эл ундан безор.



Аччиқ сўз кўнгилни вайрон килади,
Ширин гапдан ғамгин шодмон бўлади.



Жаҳлга эрк бермай, ширин сўзлабсан,
Демак, сен ўзингга паноҳ сўрабсан.



Элга қилсанг зулм, сенга келгай минг жафо,
Жафо тигидан бўлгайсан борингдан жудо.



Хеч кимга бу дунё вафо қилмас экан,
Бекадр жанжалда умрин зое этар экан.
Үз-үзин ғам-ғүссага гирифтөр қилиб,
Үлгандан сүнг бегавғо тинч ётар экан.



Сал тангликка баттол ғавғо қилади,
Ишламай у нукул талаб-иғво қилади.



Ул ёвуз пок қалбларга озор ўқин отадур,
Охири қасос қайтса ўзига тошдек котадур.



Муштумзўр күчада килса ўз билганин,
Эл озор чекса, не наф қонун бўлганин.



Бир зўравон дунёни ситамгоҳ айлагай,
Шер бўлмаса, тулки ўзин шоҳ сайлагай.



Ёвузки, бир кун албат учрагай Ҳақнинг қаҳрига,
Қилмиши бўлса ёмонлик, йўликар халқ қаҳрига.

Қўпомлик ва қаҳр жароҳатлари

Қўпол сўз киши дилин вайрон қилур,
Гўзал сўз кўнгилни чароғон қилур.



Мулойимлик инсон хулқини безар,
Қўпол бўлган одамдан ҳамма безор.



Қалбда ёвуз фикр бош күттарган он,
Хомуш бўлсанг фойда кўрасан, инон!



Ҳақоратлаб, кўнгилни эгаллаб бўлмас,
Биллур синса, уни хеч чегалаб бўлмас.



Кўполикда кимки ошса ҳаддидан,
Ғанимлик топади, сўзи касридан.



Зулмингдан жонингга қайтар минг бало,
Жазо қийноғида қолсанг, йўқ даво.



Жазаванг қўзгандা, уни тизласанг,
Ғазабингни босиб, вазмин сўзласанг,
Шунда бўлғай азоб узоқ, омонлик яқин,
Тинч яшарсан, эминликни кўзласанг.



Гар доно ғазабдан ўзин боса олмаса,
Жоҳилга айланар, гўё далли-девона.
Қаҳр душман, киши уни енга олмаса,
Бор-йўғидан айрилиб, қолар сарсона.



Жаҳл ва жазаванг ўтида нодон,
Ўзингни ёқасан бўлиб беомон,
Ўрнингни олибоқ ул ёв-мирғазаб,
Борингни ёндирап, этиб беимон.



Жазавангни жиловла, ғазабинг тошса ҳам,
Азобини тортмайсан, элдан бўлмайсан кам.



Жазава-ю қаҳр-ла, жонга жабр айладинг,
Демак, ўзингни сен дўзах ўтига шайладинг.



Ўзгалар дилин эмас, ўз қаҳрингни қайир-да,
Жонинг ором топар, мана савоб қаерда?



Тортишиб не қилардинг асабларинг бўш бўлса,
Юрак-бағрингни ўйма, муаммолар дуч келса.



Имкон қадар ғазабингни жиловла,
Ҳамсуҳбат дўстингнинг кўнглини овла.



Золимликда қаҳру зулм қилибсан,
Ўзгани ер, ўзингни шер билибсан.



Баджаҳл эмас, бўлсанг мулойим,
Тинч-роҳатда яшарсан, бил, доим.

Жиноят ва жазо азоблари

Ҳар замонда қонун ва талаблар бор,
Риоя қилгин доим эй, ақлга ёр!
Билмайин қилсанг агар қонунсиз иш,
Эркингдан айриласан, жазо муқаррар.



Қозики бўлса одил, адолат қарор топар,
Бўлса агар пораҳўр, ноҳақлик илдиз отар,



Қилсанг агар жиноят, келгайдир жазо,
Бўлмаса айбинг, сендан узокдир жафо.



Жиноий тил бириктириб кимгадир бўлма шерик,
Олтинга teng умрни елга бериш кимга керак.



Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилда ҳам чиқармиш,
Ёмонларга қўшилиб яхши бўлиш бекормиш.



Ўғри каззоб жазони ёддан чикарап,
Тагин ўғрилик килиб, боз маҳбус бўлар



Кимки ўғри-каззобга кўрсатса шафқат,
Ортиргай яхшиларга захм ва кулфат.



Хатга тушган ўтга тушар, ажратиб бўлмас,
Эгриликка имзо кўйсанг, йўқотиб бўлмас.



Очкўз ўғри ўзгаларнинг молин ўмарар,
Оқибатда маҳбус бўлиб узок ўтирас.



Ҳар бир ёмонликка бордир муносиб жазо,
Яхшилар билан бўлсанг, тортмайсан жафо.



Ёмон жиноятга жазо борлигин билгани яхши,
Ҳакиқатнинг куч-кудратин назарга илгани яхши.



Ёвузлик қилсанг, келгай жиноятта жазо,
Эзгулик томон юрсанг, калбинг ҳам мусаффо.



Хирснинг зўри акл юзига қора суртадур,
Товусдек товланиб, жиноятта тортадур.



Зулмнинг бағрида жафо изи бор,
Нопоклик қатида жазо саси бор,
Ёмонликни касб этма, эй, инсон,
Ҳар жабр учун жазо нафаси бор.

Саховат ва шурувват мұғжизалари

Саховат эзгу қалдан чиқар ҳар қачон,
Күлингда бўлмаса, ақлингдан бер, эй ўғлон!
Саҳродир икки ён, дарё оқса пастдан,
Сен сахий дарёдек, қалбни эт бўстон!



Саховат қилсанг халқингга иноятда,
Бокий умр кўрарсан албат ҳидоятда.



Саховат кўрсатсанг топган ҳалол молингдан,
Топгайсан элда шароф бу қилган аъмолингдан.



Ишда ва сўзида саховатли бўлса гар инсон,
Қон-кардоши ичра қадри ошади чунон.



Ҳалол яшаб, ўз молингдан қилсанг саховат,
Баракат топарсан умрингдан, меҳнатдан роҳат.



Сахий нон берса, ҳам жон бераркан,
Жон фидо этган ҳам нон бераркан,
Сахий күнгли ҳамиша бўлади пок,
Мухтоjlар дардига дармон бўларкан.



Фойдали сўз айтмоқ ҳам мурувватdir,
Тўғри йўл кўрсатмоқ, бил, саховатdir.



Эҳсонсиз бадавлат – баҳорда ёғмаган булат,
Илмин ўргатмаган – китоб кўтарган ношуд.



Мухтоjнинг дилида жароҳат бордир,
Гар саховат қилсанг, сенга Ҳақ ёрдир.



Мухтоjга қил саховат, бошқаси бекор,
Икки дунё савобин оларсан, эй ёр!



Миннат ошига юзингни бурма,
Умид билан хасис изидан юрма.

Меърида овқатланиш хосияти

Емоқда меъёр ва парҳезга амал қил,
Чунки ортиқ емоқ кони касал, бил.



Кимки соғлик, узок умр кўзласа,
Кам-кам еб, оз-маъноли сўзласа.



Овқатнинг мазаси тилдан билинар,
Очқаб есанг, чин таъми сезилар.



Еб тўймаснинг жисмида дардлар макон куради,
Семизлик захмидан танида мажруҳлик туради,
Кексалик заифлиги вужудига bemavrid келиб,
Жонини қийноққа солса, уни касалликдан кўради.



Кишилар ичидаги ожиз-у заиф инсон,
Хирсин тия олмай, дард чекар ёмон.



Баднафс еяверса, ўз корнин ўпқон айлагай,
Дард олдида ўзини ожиз-нотавон айлагай.



Кимки кўп овқат еб, хирсадай семирар,
Овқатни у эмас, уни овқат кемирар.



Тўймас қорнинг сени бемор айлагай
Элтиб чоҳдек зимистонга жойлагай.

Саломатлик ва касаллик ҳақида

Туғилмоқ ва ўлмоқ тақдирни азал,
Келмоқ байрам, кетмоқ азобу дудмал.



Кимки касаллик ғам-азобин ўзида синамас,
У соғлиқнинг бебаҳо қадр-қимматин англамас.



Яқинларинг ҳолидан хабар олишни одат қил,
Дуоларин олар бўлсанг, сен буни саодат бил.



Касал шифо топмас меҳру шифосиз,
Кўнгил яшнамайди меҳру зиёсиз.



Касаллик кишининг жисмида кезар,
Давоси топилса, бемор дардни эзар.



Танангда авж олса дард азоблари,
Жонга ора кирмас бойлик, бисотлари.
Холинг баён айла ҳаким қошида,
Давоси топилса, кетар дарднинг додлари.



Ўлим ҳақ, ҳар киши буни англасин,
Покланиб, Аллоҳдан ўзига умр тиласин!



Бадҳирс, бахилларнинг кўзлари тўймас,
Ўлганида икки қулоч ерdir унга бас.

Дардинг давоси ва шифокорлик заҳмати

Ҳар киши дард чекканда, нажот берар табобат,
Умрингни узайтириб, қанот берар табобат.
Шифокор bemор учун сидқидил заҳмат чекса,
Беморни соғайтирас, ҳаёт берар табобат.




Касаллик пайдо бўлса, дори-давосин ахтар,
Софлигинг заиф бўлса, машқдан шифосин ахтар.



Ҳар бир хасталикнинг бирор давоси бордир,
Билмай берилган малҳам, дард устига озордир.



Беморнинг дардидан ўзга йўқ ҳасрати,
Дардига даво топса, мавж уради ғайрати.




Инсу жинсдан кутмагин сен ҳеч шифо,
Ҳаким илмли бўлса, ҳар дардга топар даво.



Шифокор меҳрибон, бол сўзли бўлгай,
Бемор руҳланиб, дардни мағлуб қилгай.




Билимдон ҳаким bemор дардига даво топади,
Ҳаким илмсиз бўлса, bemор қайга чопади.



Шифокор ўз bemорин дардига бўлса бефарқ,
Хасталик авж олиб, bemор ҳоли танг бўлур.
Қайси ҳаким ҳаром-харишни қилмаса фарқ,
Обрўйи тушиб, эл олдида дилтанг бўлур.



Шифокор касалликка тўғри ташхис кўймагай,
Ноўрин дори захмидан дард азобин кўймагай.



Касалинг белгиларин ҳакимдан яширма ҳеч,
Кўйса нотўғри ташхис, даволашга бўлар кеч.

*Покизамик ва озодамик, кишиниш
маданияти ва меҳмондорликик одоби*

Агар дилинг, жисминг ҳам бўлса озода,
Соғлигинг ҳам бўлур кундан-кунга зиёда.



Покиза бўлса кишининг кийим-боши,
Дили пок, қалби тоза, танига сингар еган оши.



Сийратинг аъмолингда намоён,
Кимлигингни либосинг айлар аён.



Муносиб лиbos қизлар чиройин очар,
Йигитлар дилида муҳаббат ўтин ёқар.



Кимнингки либоси жисмига лойик,
Унга ҳавас қилас кўрган халойик.



Тозаликни шиор бил, бошқасини бекор бил,
Дардлар сенга йўламас, ош-қатиқни тайёр кил.



Ким тоза сақласа оғиз-тишини,
Чекмагай у дард ташвишини.



Хар ҳафта поклик тилаб ҳаммомга борсанг,
Танингга дард кўнmas, ювиниб юрсанг.



Баъзи аёл кўчада кўп гап сочар,
Уйида сонсизлик сирини очар.



Эй дўст! Тўй-томуша харжини камроқ қил,
Фарзандинг рўзғорига сарфни кўпроқ қил!



Агар инсон бўлса, шириңсўз, шодон,
Мехмонлар давраси бўлади хандон.



Яхшини меҳмон қилсанг, қадринг ошар,
Ярамаслар сир-асроринг қумдек сочар.



Мезбон хушламаганин сезганинг ҳамон,
Узрингни айтгин-да тезда қайт, ўғлон!




Очкўзлик касридан мезбонлиқдан куйибсан,
Мехмон келса уйингга, қош-қовоғинг уйибсан.



Мехмонга айтишмаса, биронга эргашиб борма,
Дўл урган тут баргидек обрўйинг тупроққа қорма!



Ҳақ йўлин истасанг саёҳат қил,
Бахт-толе истасанг сафар қил,
Эл-юртларни кўриб илминг ортади,
Ҳаёт сирин англаб тажрибанг ошади.



Йўлларда сарбонсиз қилсанг сен сафар,
Барча бошлиқ бўлиб, ғавғо авжга чикар.



YARASH NURILLAYEV

KO'NGIL IFORI

(Nazmiy hikmatlar)



TOSHKENT
«MA'NAVIYAT»
2018



БАСМАДИЧ ФАДУЛЛАХ. ПІЗАНАТ
ДАРДА СОЛНІЧЕВАЯ ГРЯДКА ОДА

Yarash aka Nurillayevni kitobxonlar yirik olim, yetuk ilmiy asarlar muallifi sifatida yaxshi bilishadi. Keyingi yillarda o‘quvchilar olimning yana bir ijod qirrasini kashf qildilar. Yarash aka o‘zini zukko faylasuf sifatida ham namoyon etmoqda. Muallifning ikki jildlik «Kamolot va Saodat» deb nomlangan falsafiy esselari – jaydari qilib aytganda ko‘ngil hikmatlari ikki yil muqaddam kitobxonlar e’tiborini qozongan edi. Qo‘lingizdagи kitob adibning nazmiy yo‘lda yaratgan asarlaridan iborat bo‘ldi. Siz mo‘jaz, qisqagina satrlar orqali muallifning ko‘ngil izhorlaridan bahramand bo‘lasiz, o‘zingiz uchun ibratli, ma’nili fikrlarni o‘zlashtirasiz.

T a q r i z e h i:

Luqmon Bo‘rixon – O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan madaniyat xodimi.

Salom va salomlashish odobo haqida

Odobning boshidir samimiy salom,
Salomdan boshlanar insoniy kalom.

—❖❖❖—
Salom dilni dilga bog'lovchi rishta,
Sen unga amal qil, farzand, hamisha.

—❖❖❖—
Dilga nur bag'ishlar duoi salom,
Do'stlik paydo bo'lsin desang: «Assalom!»

—❖❖❖—
Salomdan boshlanar ko'ngil sari yo'l,
Yaxshi niyat bilan uzat do'stga qo'l.

—❖❖❖—
Odobli salomni kanda qilmaydi,
Beodbob bu so'zning qadrin bilmaydi.
Biri munosibdir e'zoz-ikromga,
Birin esa hech kim ko'zga ilmaydi.

—❖❖❖—
Uchratgan kishining salomidan bil,
Sezdingmi u kamtar diliga intil.



Salomi gar til uchida kibru havosi bordir,
Yurakdan bo'lsa salom dardga shifosi bordir.



Salom bersang keksalarga mehring oshadi,
Qalbing quvonchga to'lib jo'shib toshadi.



Salom kekni yumshatmoq-chun bebahodavo,
Buni qaydan tushunar ul dardi bedavo.



Kibrlining bir nishoni alik olmaslik,
Nodonlarning belgisidir gapdan qolmaslik.



Ikki dilda pihon ersa gina-kudurat,
Salom-alik paydo qilar o'rtada hurmat.



Bilim, yaxshi amalning iqboli ham salomdan,
Niyati pok odamning kamoli ham salomdan.
Assalom deganingda dilda jo'shar ehtirom,
Saodatmand insonning jamoli ham salomdan.

Orzu-maqсад sari intilishning fazilatlari

Maqsad sari olg'a intilgan odam,
Mehnatu ranj ila etishar har dam.



Orzu-umid doim omadga boshlar,
Umidsiz armondan ko'zini yoshlar.



Tilaklar ro'yobga chiqar hunardan,
Hunarsiz bir kuni qolar nazardan.



Umidliga hayot go'zal, olam munavvar,
Orzu-umid inson uchun bir shamsi anvar.



Kishi olg'a intilsa iqboldan uzmay umid,
Inshoollo, hayot ham qilmas uni noumid.



Umiding uyg'onur bo'lsang olimlar ichra,
Bilimsizlar yo'l topolmas zolimlar ichra.



Umidli kishini yo'li boshlar oqlik sari,
Umidi kesilganlar ketgaylar yo'qlik sari.



Umidni doimo ko'nglingga shoh deb bil,
Murodga etmassan umid-la to'lmasa dil.



Qilma umid hech qachon xasislardan oshu non,
Ishonma qasamxo'rga, chun unda yo'q imon.
Birining ko'zi to'y may, biri sharmisor bo'lib,
O'tarlar bu dunyodan qolmagay nomu nishon.



Niyating xolis bo'lsa saodatga etarsan,
Yomon bo'lsa niyating, yo'ldan ozib yitarsan.



Yaxshiliklar yo‘ldosh bo‘lsin har ishingda,
Hech bir g‘ubor sezilmasin qilmishingda.



Ezgu niyat qilsang barchaga agar,
Havasdan poklanar diling jilvagar.



Niyating pok, gar diling bo‘lsa toza,
Dushmaning ham olur sendan andoza.



Badniyat ortidan ergashgan odam,
Baloga yo‘liqib, boshi bo‘lur xam.



Aql-idrok ila intilgan maqsadga etar,
Tadbir-la ishlagan baxt-iqbol topar.



Oqillar bilan yursang, maqsading bo‘lar hosil,
Johillar bilan yursang ishing bo‘lar behosil!



Hunarning biridan tutgil, ey o‘g‘lon,
Undan rizq-ro‘zingni toparsan ishon!

Tarbiya va ta'lim – kamolot beshigi

Ta'lim-tarbiyadan bebahra odam,
Farosatdan yiroq yuzga kirsa ham.



Tarbiya ber bolangga, to'g'ri yo'lidan toymasin,
Nomingni qora qilib butun elga yoymasin.



Har bir o'g'il-qizga tarbiyat zarur,
Ushbu ish – qalb ozig'i, bilim esa nur.



Kimki bilim, tarbiyani diliga jo etmasa,
Hatto keksayganda ham qolur ahmoq, beandisha.



Jon bolam, jonio bolam deb ko'pam taltaytirma,
Maktab borar bo'lsa, kissasini qappaytirma,
Bolang mushtumzo'r bo'lib ulg'aysa, bir kun kelib,
Ey odam, o'zingdan ko'r, ko'zlarining chaqchaytirma!



Bolangni yoshlikdan o'qitolmasang,
Unga odob darsin uqlirolmassan.

Aqliy komillik – najot farishtasi

To‘g‘ri yo‘lga boshlar aql insonni,
Aql bilan topar najot, imkonni.



Quyosh nuri olamni guliston qilur,
Aql inson yo‘lini charog‘on qilur.



G‘ayrat bilan ilm o‘rgan, iqboling kaliti aql,
Saodat eshigin ocholmas hech qachon beaql.



Aqlga bilim qo‘silsa, ilm bir daryo bo‘lur,
Inson yo‘lin yoritguvchi nurafshon ziyo bo‘lur.



Gar aql shoh bo‘lsa, zakovat erur vaziri zamon,
Ular birlashganda ko‘ngillar bo‘lur charog‘on.



Aql, zako va mehnat – kamolotning kaliti,
To‘la duru gavhardir bu uchlikning qat-qati.



Qo‘silsa aql, bilim va mehnat quvvati,
Kashfiyotlar yaratgusi inson qudrati.



Aql bilan egalla bilim va hunar,
Ular xazinadir, hech tunganmas zar.



Aqling kamolot osmonida, quyoshdek nur sochar,
Mehnating tole, baxting bog'iga gullar ochar.



Dilingda gar aql-zakovating mujassam erur,
Mehnatingning mahsuli, har nafas, har dam kelur.



Aql – bilim yog'dusi, baxt yo'lingni yoritar,
Bexato to'g'ri yo'ldan murodingga etkazar.



Aqliy va naqliy bilim birlashgan zamon,
Barcha maqsadlar ro'yobga chiqar shu on.



Yutuq tushmas osmondan, kelar aqlingdan,
Va terlar to'kib qilgan o'z mehnatingdan.



Kimdaki aql va bilim bisyordir,
Unga har qachon ham baxt-iqbol yordir.



Aql – mash'al, seni haq sari boshlar,
Beaqllik esa ko'zingni yoshlar.
Halol mehnat qilsang toparsan baxting,
Mehnat bilan zarga aylanar toshlar.



Aql va hunar mehnat-la birlashgan zamon,
Qadaming tekkan er bo'lar guliston.



Aqlliga boylik rohat keltirar,
Nodon uchun faqat zahmat keltirar.



Inson saodatin ikki qanoti aql – bilim,
Mehnatning rohati, hayotning zavqi – bilim.



Aqlingni his-tuyg‘uga sardor aylagin,
Aqlini har vaqt haqdor aylagin.



Aqlingning ko‘lami so‘zingdan ayon,
Ko‘nglingda neki bor ko‘zingdan ayon,
Ezgu so‘z sharafga, yomon so‘z chohga,
Yetkazishin angla, ey qobil o‘g‘lon!



Har ishingga aql-idrok ila zehn solgin,
Agarda tortishsang aql tarafida qolgin.



Xudo seni yaratib, aql kalitin marhamat etdi,
Iqboling qulfini och deya fikrlashni ato etdi.



Zehnli uqqanini qalbida mudom saqlar,
Ilmu hikmat ila insonlik sha’nin oqlar.



Yoshlikda sen aqlning haq yo‘lini bilmaysan,
Yomon yo‘ldan borishning azoblarin sezmaysan.

Bilim va kasb egallab, gar mehnatni suygaysan,
Ishingdan iqbol topib, halovatin tuygaysan.



Aqlni har bir ishda o'zingga rahbar bil,
Qiyin paytda aql-idroking safarbar qil.



Aql yo'l ko'rsatmasa bilimdan naf yo'q,
Bilimga intilmasang aqldan naf yo'q.



Qay qalbda aqlu idrok qurmasa oshyon,
Umrin zoe qilar bundayin inson.



Kaltabinlik – aqlsizlar qilmishi,
Behuda o'tadi uning yoz-qishi,
Aqliga suyansa g'ayratli inson,
Barakatli bo'lar uning har ishi.



Kimki aqlu hushdan begonadir,
Bas afsus-nadomadda yonadir.



Oshqovoqqa o'xshar aqlsiz har bosh,
Umrin zoe etib, so'ngra to'kar yosh.

Bilim – yetuklik pillapoyasi

Kimki ilm o'rganishni muddao etgay,
Kamolotning zarrin taxtiga etgay.



Zakovatu mehnat-la yarat shonu-shuhrating,
Elingga ko'rsat saxovat, ortar kuch-qudrating.



Kimki bilim olishni qilsa odat,
Ilmidan topgay albat iqbol-saodat.



Rasul dedi: Xitoya borib bo'lsa-da ilm o'rgan,
Bu yo'lda cheksang-da mashaqqat ilm o'rgan.



Zakovat nuri-la ko'ngling ayla munavvar,
Kasb-koring barakasi ila topajaksan zar.



Cho'qqilar chorlaydi, bilimga intil,
Nur-ziyo porlaydi, ilmgaga intil,
Gar boylik istarsan, kasb-kor egalla,
Mehnat sharaflaydi, ilmgaga intil!



Ilm olmoq uchun har vaqt kech emas,
Insonda iroda-ishonch bo'lsa bas.



Kimki ilm o'rganishni qiyin, kech demas,
Ummondan gavhar topar, toshdan yaratar olmos.



Yashashdan bir kuning qolsa, bilim ol,
Ko'zingda zarra nur qolsa, bilim ol!



Mevani totib ko'rmay bilinmas mazasi aslo,
Odamni bilmay turib fe'lin anglamas dono.



Qorli tog'lar cho'qqisi bulutdan baland bo'lur,
Yoshlar qadri bilimu mehnat-la sarbaland bo'lur.



Johil ortidan borsang, jaholatga botursan,
Yaxhilarga ergashsang, izzat-obro* topursan.



Nasibasiz o'ksinib yashar,
O'qimagan o'kinib yashar.



Ilmu urfon beqiyosdir, takomil yo'llari uzun,
Bilish uchun insonga berilgan kam fursat, nechun?!



Bo'lmasa imtihon barcha «zako»li bo'lar edi,
Bilimsiz ayon bo'lmas yo ilmgaga intilmas edi.



Bilimsizlar davrasiga bo'lsang qo'noq,
Ilming ham xor bo'lar, atalib no'noq.



Johil ilm o'rganib, yomonlikni farqlasa,
Kechardi yomonlikdan, yaxshilikni anglasa.



Bari yomon xislatlardan bilimsizlik yomon,
Bilimsizga bu zamin bo'lur xorlikka makon.



O'xshaydi mevasiz daraxtga bilimsiz inson,
Yolchitmas na o'zin, na elin, yashagay nolon.



Jaholat ichra ham yo'l topib chiqardi odam,
Agar ilmin mash'al qilib intilsa shaxdam.



So'qir qalbga yorug' olam zulmatdir,
Ilm o'rganmasang, yashash kulfatdir.



Jaholatga to'qnashib, tekkanida boshga tosh,
Bilimli sabr qilur, kulfatga berar bardosh.



Kim ilm o'rganmay mehnatdan qochar,
Oqibat nochorlik alamin chekar.

Anglash, fahm-farosat, fikrlash va ibrat olish xususida

Suratidan husnin ko'r, so'zidan ma'no izla,
A'molin anglab, so'ng do'st bo'lishni ko'zla.



Har kishi o'zicha anglar hayotni,
Haqdan topajaksan uchar qanotni.



Avvalo, angla kishini so'zlari ma'nosidan,
Ki, yomg'ir yog'mas quruq qaldiriq sadosidan.



Kimki agar fahm aylab bilsa o'zni,
U zinhor gapirmas befoyda so'zni.



Farosatli inson rostdan o'zga so'z demas,
Chinni ham noo'rin so'zlamoq aqldan emas.



Aqli-fahmi bor kishi yomonlikka giriftor bo'lmas,
Oqillar siyratni ko'rар, suratga xushtor bo'lmas.



Odamzotda hirsu havo baland turur,
Lek aqlu farosat unga band turur.



Kishida bo'lmasa fahmu farosatdan nishon,
Omadsizlikka vaj topishga bo'lar ustomon.



Yaxshi-yu yomonni farqlay olmasang,
O'zim bilaman deb gapdan qolmasang,
Benavo deb hisoblayver o'zingni,
Burdsiz, ma'nosiz bil aytgan so'zingni.



Kimki fahmu farosatda bo'lsa betayin,
Omad o'tar, lekin g'ofil qolar bilmayin.



Fahmi yo'qqa foyda-ziyon birdek ekan,
Naf keltirmas gulzorda o'sgan tikan.



Fikrlab gapirsang, har so'zingda ma'no bo'lur,
O'ylab ish qilgan kishi oqilu dono bo'lur.



Oqil yaxshilik ibratin dilga jo qilgay,
Beburd yaxshi-yomonning farqin ne bilgay.



Gullardan rang olish gullar xislati,
Yaxshilardan o'rganish yaxshilar fazilati.



Yoshlar o'rganar yaxshilardan odamiylik ibratin,
Yomonlardan olsa o'rnak, qora qilar qismatin.



Yomonni jo'ra aylab, olsang ibrat xulqidan,
Hargiz qocha olmassan badnomligu kulgidan.



Ko'rsang birovda illat, o'zingga ishora deb bil,
Inson jismiga chiqqan yomon bir yara deb bil,
Sog'aytirar odamning ruhiyatini yaxshilik,
Savob, ezgu amalni eng yaxshi chora deb bil.



Oqillarga to'g'ri yo'lga bir imo bas,
Ahmoqqa ming ishora ham pand bo'lmas.



Bir jarohat topursan, qo'shilsang gar yomonga,
Qorakuya yuqadi yaqin borsang qozonga,
Yaxshilarga hamdam bo'l, yomonlardan qoch nari,
Bu ikkisi yo'doshdir hamisha ham insonga.

Xulq va odob qirralari

Kishida bo'lmasa yaxshi xulq, odob,
Uning turmushi hech bo'lmagay obod.



Xulqingni yaxshila topgaysan kamol,
Aql, adab bilan ochilar jamol.



Bu zaminda go'zalliklar bir talay,
Eng a'losi go'zal xulqdir har qalay.



Kim o'z hoyu-havasin jilovlay bilar,
Omadi yurishib, bil, iqboli kular.



Dunyo kengdir, bas, fe'ling keng qil,
Dil va tilingdagi so'zingni teng qil.



Dono xulq nuqlarin anglagan zamon,
Uni tuzatmoqqa izlaydi tezda imkon.



Xulqing bo'lsa yomon, jafo ham qat-qat,
Umrin xush o'tmagay, bo'lar sermashaqqat.



Barcha yaxshi-yomonliging o'zingdandur,
Yomon xulqing jafosi so'zingdandur.




Gar boshingga etsa nogoh ofatu kulfat,
Bunga sabab badxulqlarga bo'lganing ulfat.



O'zgadan kelsa-da yomonlik, yaxshilik qilgin,
Yomon o'z qilmishidan topar, sen shuni bilgin.



Kim agar mehrsiz, beodob bo'ldi,
Quyoshdan bebahra gul kabi so'ldi.



Yomon xulq misoli bir nashtar ekan,
Qadam bossang, sanchilar chaqir tikan.



Badxulq odam dilni ko'zlab otadi tosh,
Oqibatda ozor topib, yorilar bosh.



Kimning xulqida qo'pollik bordir,
Ul do'stlar diliga etgan ozordir.



Odamiy bo'lsa-da badfe'l surati,
Hayvondan badtarroq uning siyrati.



Yomonlik qilmoqni kim etsa odat,
Bilingki, ul zotning fe'li erur bad.



Quyoshning nurlari gulzorda kezar,
Odamning qalb nuri borliqni bezar.



Odobi, ikromi qizning ziynati,
Go'zal bo'lsin avval uning tiynati.



Odobsiz qiz aslo ko'rinas mas ko'rkam,
Qancha bezansa-da biri bo'lar kam.



Beodob hurmatga sazovor bo'lmas,
Axloqsiz uyatni sira or bilmas.



Qaysi qiz besharm, beodob bo'ldi,
Sevgisi bamisli bir sarob bo'ldi.



Odobsiz kimsa – sharmsiz tana,
Undan sevgi-vafo qilma tama.

Ilm-fan va texnika – taraqqiyot omili

Ilm-fan va texnika – taraqqiyot omili,
Uch birlik ravnaqida insonning takomili.



Ilm-fan va texnika yuksalgan zamon,
Olam jumboqlari echilgay begumon.



Quyosh nuri olamni zumda nurafshon etar,
Yuksalishning yog‘dusi tezda cho‘qqiga eltar.



Kishi ilmu mehnatidan omadu izzat topar,
Hayoti yaxshi kechib, turmushdan lazzat topar.



Aql va fikr birlashsa, g‘oya huvaydo bo‘lur,
G‘oyaki, oshsa amalga, kashfiyat paydo bo‘lur.



Iqboling kulib boqar, g‘ayrat bilan ishlasang,
Turmushing totli bo‘lar, mehnat qilib tishlasang.



Ilmu fanning cheki yo‘q, ummon behad,
Insoniyat ravnaqi shundan faqat.



Hayotda baxt cho‘qqisin istasang, ey dil,
Mashaqqatni engib, ilm sari intil!





Ilmu amalda sen, xudda lochindek baland uch,
Etolmasin hasadgo'y, samoda sarbaland uch.



Kim ilmli, mehnatsevar va odil,
Hurmatin osmon qadar ko'tarar el.



Ilm amalda qo'llansa, elu yurt oboddir,
Gar ilm qolsa kitobda, hammasi barboddir.



Gar bo'lsang komil aql, ilm va ishda,
Sen hukm chiqararsan har bir ravishda.



Ilmu mehnat dunyoni obod aylagay,
Ixtirochi o'z mehrin el diliqa joylagay.



Ilm egallasang, bitmaydigan ish bo'lmas,
Ilmning ravnaqisiz yuksalish bo'lmas.



Nazariya yangiliklar bag'rida jodir,
Amaliyotga joriy etilsa, ixtirodir.




Giyoh o'smog'i uchun quyoshning nuri darkor,
Zamon rivoji uchun olim shuuri darkor.



Ilm istasang, johillik, kibrdan kech,
Mashaqqatlarni engmoq rejasisin bich.

Ustoz va shogirdlik an'anasi

Ustozi mehrini qozonsa shogird,
Murodiga etar, bo'lmaydi beburd.



Hunar o'rganmoqqa kerakdir ustoz,
Ustoz iste'dodga beradi pardoz.



Nihol bog'bon qaychisi-la jamolini ko'rsatur,
Ustozdan o'rganib bola kamolini ko'rsatur.



Muallim, avval o'zing bilib, o'rgan adabni,
So'ngra yoshlar oldiga sen qo'ygin talabni.



Ustozdan so'rashdi: Oqillikning siri ne emish?
Dedi: G'am kelsa engish va fe'lni keng tutish.



Dono dedi:

Ustozingdan aql, bilim o'rgana olsang,
Va yana yaxshi xulqidan ibrat ololsang,
Barcha orzu-niyatingga etarsan, albat,
Yashash tajribasin qalbga jo qilsang faqat.



Ustozi o'rgatganin diliqa jo etmagan yosh,
Hayot sinovlariga hech berolmas bardosh.



Nokas bo'lsa shogird alifni uqqani hamon,
O'zini bilimdon sanab, seni hisoblar nodon.



Shogird ustozini ranjitibdi,
O'z nokasligiga to'p bichibdi.



Shogird ustozidan minnatdor emish,
Bundan ortiq bo'limgay poyidor yumush.

Havas va g'araz


Kimki yaxshilardan olsa ibrat,
Hayotin bezash-chun ko'rsatar g'ayrat.



Ezgulikka havas qil, yaxshidan olgin o'rnak,
So'zingda ma'no bo'lur, ishingda foyda ham naqd.



Havas doim seni iqbolga boshlar,
Hasad esa g'amli ko'zingni yoshlar.



Havas qilsang, maqsad sari etarsan,
Hasad qilsang g'ussa ichra yitarsan.



G‘arazing aylansa orzu-havasga,
Bo‘lursan g‘amdan uzoq, etgung murodga.



G‘arazli ig‘volarni so‘zlama inson,
U zahmat keltirur, sen bunga ishon.



G‘arazni dilingdan quv, u yaratar adovat,
Hasaddan uzoqroq bo‘l, uni qilmagil odat.



G‘arazlardan uzoq yur, shunda ko‘ngling tinch,
Arazlardan yiroq tur, bunda yo‘q sevinch.



G‘arazga joy berma dilingdan aslo,
Havas – ko‘ngil mulki, juda bebahon.
Hasad emas, havas qilib yasha hayotda,
Havasmand bandasin sevadi Xudo.



G‘arazgo‘yning so‘zi zahri qotildan yomon,
Bu zaharga topilmas davo hech qachon.

So'zlashish asrortlari

Shirin so'z kishiga malhamdek yoqar,
Dilingda orzung anhordek oqar.



Kim ezgu so'z, yaxshilikni odat qilgay,
U yashashning talablarin uqib bilgay.



Ma'noli so'z laziz, muqaddas,
Ma'nosizi misli cho'pu xas.



To'g'ri so'z kishini haqqa etkazar,
Bo'lsa yolg'on, bo'sag'aga o'tqazar.



Fikrlab gapirsang so'zing mazmunli bo'lur,
Tinglaganning fahm-farosatin kemtigi to'lur.



Bir dono dedi:
Tinglab so'zimni, anglagin o'zimni,
Ham ishimdan izla, bosgan izimni.



So'zingda bo'lsa maqsad-ma'no etgin bayon,
Shunda sening oqilliging bo'lur tez ayon.



Sen oqillar ish-davrasiga bo'l xaridor,
Ortar tajribang, umring bo'lar hosildor.



Ish va so'zi-la hayratga qoldirgan odam,
Kishilar qalbidan joy olur har dam.



Xushtakallum so'zlar dilni shod etgay,
Qalbda bo'lqa g'am, davolab xalos etgay.



Kimki yaxshi so'zni bisyor ayladi,
Demak, ul g'animni do'st yor ayladi,
Kimki qo'pol bo'lib achchiq so'zladi,
Afsuski u, do'stni ag'yor ayladi.



Keraksiz gapni saqla ichingda pinhon,
Siring aytib, so'ngra bo'lma pushaymon.



So'zing foydaligin bilmaguncha boshlama,
Va gaping xaridorin ko'rмагuncha so'zlama.



Haddan ziyod so'zlagan ahmoq ko'rínur,
Jim tursa-chi ahmoq «to'mtoq» ko'rínur.
Gaping foydali bo'lqa, jim turmay so'zla,
Ma'noli so'zlagan donoroq ko'rínur.



Har kishi ongi-fahmin anglab, unga mos so'zlagin,
Noo'rín so'z aytib izza bo'lmay desang oz so'zlagin.



Ko'p gapisang fikrlashdan mahrum bo'lursan,
Oqibat adashib g'am-g'ussaga to'lursan.



Mayin so'zlab ilon boshin gar silasang,
Davo uchun zahrin berar haq so'zlasang.



Davra ahliga yoqmasa so'zlarining hech,
Rostni ham so'zlama, bu da'vodan kech.



Gaping amal qilmasa, boshlama so'zing,
Nafi yo'q ishni boshlab, yoshlama ko'zing.



O'y lamay behad ko'p noo'rin so'zlading,
Na biror maqsad, maslahatni ko'zlading.



Ozorli so'zlamoq, bil, aqlidan emas,
Tinglaganlar uni, bu dono demas.



Dunyoda ko'p yomonlik shikastin ko'r dim,
Ko'pini nojoiz so'z aytishdan ko'r dim.




O'y lamay so'z bosh lagan beburd bo'lar,
Ishni shoshib bosh lagan ziyan ko'r ar.



So‘zi ma’nosiz – o‘zi ma’nisiz.



Achchiq so‘z xanjardek bag‘ring yaralar,
Bo‘lsa mayin, gullardek ifor taralar.



Yomon so‘z bo‘lsa dilingda, tezda yo‘qot,
G‘arazdan xalos bo‘l, ginang bo‘lsa ot.

*Til odobi va
suhbatlashish madaniyati*

Zamin go‘zalligi gullarning jilosidan,
Tilning shirinligi so‘zlarning ma’nosidan.



Shirin tilning sehri qudratli bo‘lur,
To‘xtatib jangni, tinchlik keltirur.



Yaratar kishi tilidan yaxshilik yo yomonlik,
Tildan kelar hamisha bad ish yoki omonlik.



Tiling bilan dilingni bir tut,
Keyin undan omad, baxtingni kut.



Shirin bo'lsa tiling, dardlarga davo,
Tiling zahar bo'lsa, dardi bedavo.



Til uchi xanjar tig'iga o'xshar ekan,
Zamirida azobu uqubat uxlар ekan.



Kim o'zgaga sanchar g'arazli nishin,
So'ng oqlay olmagay qora qilmishin.



Tilingdan yomon so'z uchmasa boshing omon,
Nafsingni tiy, boray desang sog'liq tomon.



Tilingni tiymasang ig'vo-g'iybatdan,
Aslo qutulmaysan jabru kulfatdan.



Munosib davra izla suhbat uchun,
Oqillar-la hamnafas bo'l sihat uchun.




Oqil suhbatdan aql gavharin yig'ar,
Farosatsiz ig'vo-yu g'iybat yig'ar.



Iqboli kamolot istagan inson,
Oqillar so'zini tinglar har qachon.



So‘zlama davrada bo‘lmasa o‘rnii,
Qadim donishmandlar aytishgan buni.



Oqillar suhbati majruh dilning da’vosidir,
Orzu-umid, amal aqli kishining muddaosidir.



Gaping tinglashmasa, behuda so‘zlama,
Ehtiyojsiz so‘zlab, so‘ngra bo‘zlama.



Bekorchi foydasiz suhbatdan qoch,
Ul baxtdan ayirar, ko‘zingni och!



Sen o‘ylamay suhbatda quruq gap sotding,
Behudaga obro‘ying qum kabi sochding.

*Kitob - bilim xaxinasi,
hikmat - aql ganjinasi*

Bilimlarning koni kitob qatida,
Aqlning mag‘izi hikmat qatida,
Qalbing ozorlanib, og‘risa sim-sim,
Dori-darmoni ham kitob qatida.



Yog‘duni xohlasang oftobga intil,
Bilimni istasang kitobga intil.



Kitobdan ilm izlasang aylab shitob,
Baxt qushi qo'nar boshingga shu tob.




Kitoblardan kishi o'rganar bilim,
Olamni guliston etadi ilm.



Kitobda olam sinoati ayon bo'ladi,
Kishi o'qisa, yangi ilm bayon bo'ladi.



Bugungi ishlar tarixi zar kitobga yozilur,
Yaxshi abad qutlanib, yomonlar la'natlanur.



Xalq so'zi hikmatdir, dilingga jo qil,
Hikmatni iqboling kaliti deb bil.



Uch-to'rt hikmat o'qi kunda, ey o'g'lon,
Shunda hayot yo'ling bo'lar charog'on.



Yoshlar hikmat o'qib haq yo'lni topgay,
Maqsadga etishib iqbolin quchgay.



Diling chanqog'ini qondirsang hikmat bulog'idan,
Yorishar iqboling yo'li aqlingning chirog'idan.



Oq qog'ozga tushgan har bitta hikmat,
Yutuqdir ul, o'zga qalbga bo'lsa ibrat.



Donolar qalbida ilmu hikmat bisyordir,
Lek ul mudom nodon tanbehiga nishondir.



Dono afsusda johilga qarab dedi:
Hikmatlarni o'qimas bo'lib parishon,
Hattoki maslahatga bepisand nodon,
Tarbiyaga yo'llasang yurmas hech qachon,
Johillikdan kishi baxtsizdir, inon!



Hikmat o'rganib, dasturamal qil,
Dildagi yomonliging tezda yo'q qil!

*Maslahat va
nasihatning foydasi*

Yaxshi maslahat iqbol-saodatga yo'llar,
Nasihat eng og'ir damlarda qo'llar.



Maslahatli boshlangan ish soz bo'lur,
Yumush yo'li ochilur, nuqson oz bo'lur.



Kengashsang aql-zako nuri bo'lar charog'on,
Aql qudratlanib, tugunlar echilar oson.



Oqil maslahatin bepisand qilma,
G'arazgo'y da'vatin imkon deb bilma.



Intiq dil dardiga malham nasihat,
Orzular amaliga hamdam nasihat.



Maslahatu nasihatdan or qilmagin,
Yutuqlaring kafolati, buni o'ylagin.



Nasihat tinglashni sen inkor etma,
So'ng omaddan ayrilib afsus etma.



Agar nasihatga qilsang jahdu jadal,
Seni eshitguvchi bo'lsin har mahal.
Bo'lmasa sukut qil, tahammul etgil,
Nodonu johildan uzoqroq ketgil.



Tashvishu tajribadan yuksaladi dil,
Sadaf ichra qamalib, dur bo'lar hosil.

*Vatan va xalqqa fidoyilik,
tabiatni asrash haqida*

Vatan ishqida yon, bo'lgin fidokor,
Elu yurt ishiga bo'l doim tayyor.
Vatan bor, eling bor qalbingda g'urur,
Buyuk istiqbolga boraver mag'rur.



Bilimli yoshlar Vatanga iqbol keltirur,
Johilu nodon esa dillarga malol keltirur.



Bo'lsang oqil, xalqing olqishiga sazovorsan,
Badfe'l ersang, la'nat-nafratga giriftorsan.



Har kishi har xil bo'zlaydi,
Xalq doim haqni so'zlaydi.



Zamon zaylini anglab, yasha va ishla,
Gulga guldek bo'l, tikanni tikandek ushla.



Qalbi poklar zaminning rayhon gullaridir,
Ellar ruhin poklovchi malhamli dillaridir.



Har qancha to'kin bo'lsa ham dasturxoning,
Ishlamay yotib esang, butun bo'lmagay noning.



Gul eksang, mushk hidli gulzorlar o'sar,
Gar eksang tikan, yo'ling changalzor to'sar.
Zamin uzra bog'-rog' qil, chamanzor qil,
Vatan uchun, kerak bo'lsa, fidokor bo'l.



Bahrim ochilsin desa, ko'm-ko'k qir, tog'larga boq,
Bahramand bo'lay desang, hosildor bog'larga boq!



Boychechak bo'y cho'zsa, qishning madori ketar,
Gullar ochilib, ellar bahoriy iforni eltar.



Ona-zamin diyonatli va saxiy, hech qalloblik
qilmaydi,
Hovuch don eksang, yuz hovuch hosil berishni
kanda qilmaydi.




Dehqon zaminga sochmasa donni,
Odam eyishga topolmas nonni.



Qor yog'ar borliqni osuda uxlatmoq uchun,
Yoz-kuzda suv bo'lib, ekinni yashnatmoq uchun.



Olam qiziq, bir tog'da o'sadi ikki tur giyoh,
Qay biri zahar bo'lsa, boshqasi esa taryok.



*Kasb-hunar va
mutaxassislik to‘g‘risida*

Kasb-hunarli inson farog‘atda yashaydi,
O‘z-o‘ziga ishonchi zafarlarga boshlaydi.



Farovonlik istasang, egallagin kasbu kor,
Hunaring takomil et, eling qilsin iftixor.



Kimki e’zozlasa o‘z kasbu korini,
Hech kim yarim qila olmas butun nonini.



Mahoratu mehnat-la og‘ir ish oson bitur,
Kasbing bilan boylik doim yonma-yon bo‘lur.



Kasbu mehnat bir bo‘lsa iqbol yaralur,
Bargdan ipak, gul changidan bol yaralur.



Kasbga mehr, mehnatda shijoat odating sening,
Allohdan naqd kelur saodating sening.



Kasb-la mehnating subhi tongdan boshlabsan,
G‘animatli vaqtingdan nasibangni naqlabsan.



Kasbli bo‘l, bir umr zarga sohib bo‘larsan,
Agar hunarsiz bo‘lsang, muhtojlikda kuyarsan.



Hunarlining ro'zg'ori doim but, barokatli,
Kasbi yo'qning ro'zg'ori bo'lar yupun, g'oratli.



Har kimki sevsə gar o'z kasbu korin,
Mehnat-la yaratar bog'u bahorin.



Quvvating borida kasb-hunar egalla,
Samarali koringdan qismating shayla.



Kasbiga mehri zo'rlik,
Hech ko'rmagay xo'rlik.



Bu olamda bordir barcha amallar bosavob,
Nasibangni naqdash-chun kasb-kor sabab.



Bir olam oltining bo'lsa xarjlanib ketar,
Kasbingdan kelar rizq-ro'z bir umrga etar.



Bahorda yomg'ir yog'sa, gullar chiroy ochadi,
Kasbingda mehnat qilsang, iqbol yuz ochadi.



Ko'p hunarni o'rganishga qilmagin qasd,
Birini chuqur bilsang, bo'l maysan past.



Kasbsiz bo'lsa odam muhtoj, xor yashar,
Hunarsiz kambag'al, och-nahor yashar.

Olg'a intilgan cho qqiga chiqadi

Kimki olg'a intilsa, mehnati bo'lgay qanot,
Ishdan qochgan dangasa bu yo'lda topmas najot.



Jur'at-la intilganga tog' ham yaqin,
Cho'qqiga chiqqanga iqbol-shon yaqin.




Kishining boshiga har kun yog'ilar o'nlab tashvish,
Shijoat-la intilsang, hal bo'ladi barcha ish.



Nasibaga intilmasang, o'z-o'zidan kelmaydi,
Fahmu farosatdan yiroq, bu so'z qadrin bilmaydi.



Bitmas-bo'lmas ishga intilmagin hech,
Foydasin anglasang, o'z-o'zingdan kech.



Ixlos bilan intilmasang mehnatga,
Unutmagan, uchragaysan zahmatga.



Kishida bor ekan oyoq-qo'l, nasibaga intilsin,
Zakovat-la mehnat qilib, tolein bunyod etsin.



Bu zamin bir tog', a'moling nido,
Ne bo'lsa qilmish, qismating sado.



Ilk rohatga intilgan azobga bo'lar duchor,
Avval mehnatni sevgan to abad rohat quchar.



Mehnating – yutug'ing, sen oldindan ko'ribsan,
Doim omad bo'lur yor, inqirozdan qochibsan.



Ishlashni xohlamas, unga halovat yoqar,
Tanballik huzurlari omadni o'tda yoqar.



Intilsang-u omadsiz ishslashdan ko'ra,
Kichik yutuqli ishni bajargin, jo'ra.



Mehnatga intilmasang, iqbolni umid qilma,
O'rjanmasang kasb sirin, omadni xayol qilma.



Ish-o'qishga intilsang, zoriqmaysan hech,
Qilsang kunlik mashqni, qarimaysan hech.

Mehnat - saodat kaliti

Mehnatdan baxtin topgan kam bo'lmas,
Hirsi g'olib kimsa hech bedard bo'lmas.



Foydali mehnat qilsang, ko'rmaysan zorlik,
Qilsang halol yumushni, bilmaysan xorlik.



Mashaqqatsiz bitmas har boshlangan ish,
Jur'atu g'ayrat-la oson har yumush.



Oqillar mehnatdan horimas hech on,
Chunki yutuq berar, ilhomu darmon.



Har ishniki, aql-idrok ila yurit,
Umid urug'in ekib, so'ng hosilin kut.



Boshlamoqchi bo'lsang har yumushni,
Avval o'ylab, yig'ib olgin es-hushni.



Daraxt qadrlanar mevasi bilan,
Inson qadrlanar qalb ziyosi bilan.



Bu olamda yaxshi yashash ko'pam qiyin emas,
Aql-zako egallab, mehnatga egilsang bas.



Qancha mashaqqatli bo'lsa mehnating,
Totlidir shunchalar tortgan zahmating.



Mehnating oldin bo'lsin, ketidan nafsing yursin,
Poklik tug'ga aylanib, foydang ortingdan yursin.
Oldin jilva qilsin saxovat, so'ng boylik yursin,
Shunda boqiy bo'lar iqbol-sadoqatli yo'ldoshing.



Tongdagi mehnat, anglasang, dur bo'lur,
Ilming poklik uchun dastur bo'lur.



Mehnat sevilgan uyda baxt bisyor bo'lur,
Intizom bor joyda qalb ogoh turur.



Olam obodligi, bilki, mehnatdan,
Tilning go'zalligi so'z quvvatidan.



Bilim va ilmu hunar egallamoq mehnatdan,
Kamolotu boylikka etishmoq ham mehnatdan.
Oilaviy to'kinlik, ro'zg'oringning butligi,
Insoniy saodatga erishmoq ham mehnatdan.



Mehnatdan kelur boylik hamda baxtu saodat,
Kasbingni e'zozla va ilm olmoqni qil odat.



Kibrlining iqrori:
Mehnatdan shonu shuhratim topdim,
Boylikdan izzat-hurmatim topdim.
Burnim ko'tarilib, kibru havo-la,
Ziyonlarga to'la zahmatim topdim.



Iqbol kelur mehnatdan keyin,
Mehnatsiz baxt topmog'ing qiyin.



Mehnat qilsang, ro'zg'or ehtiyoji uchun,
Turmushing farovon bo'ladi har kun.



Qilmasang mehnat agar, nasibang hech but bo'lmas,
Ro'zg'or atalmish g'orning kam-ko'sti hech to'lmas.



Sen mehnat qilmasang o'kinganing behuda,
Ochdan to'q bo'lmasan yalvorganing behuda.



Yumushdan qochgan kishi hech qachon ham boy bo'lmas,
Omadim kelar albat deya ishga shay bo'lmas.

*Rejali ish va
tadbirkorlik*

Rejali ish qilsa tadbirkor kishi,
Omadi chopadi, yurishar ishi.



Bilimsiz qo'l urgan ishdan naf kelmaydi,
Kaltafahm, tadbirsiz kishi buni bilmaydi.



Shomda diling ko'zlarini och, nadur tashvishing,
Tadbirini o'yla, shunda oson bitadi ishing.




Rejali ish qilsang agar rohat kelur,
Tadbirsiz bo'lsang oxiri zahmat kelur.



Rejali ishin bitkazar,
Rejasiz vaqtin ketkazar.



Rejali ish qilsang toparsan imkon,
Ochilib baxt eshigi, quchajaksan shon.



Tadbirkorlik bo'lsa agar odating,
Doim yo'lingdadir, bil, saodating.



Reja va tadbir-la ishlasa odam,
Iqbolga erishar, baxt topar har dam.



Reja bilan qilingan ish bajo bo'ladi,
Musiqada notalardan sado bo'ladi.




Ey do'st, aql bilan so'zla, tiniq fikrli bo'l,
Kasb-hunarli va har ishda tadbirli bo'l!



Ishchan tadbir tuzib davron suradi,
Tanbal bajarmaydi, lekin reja tuzadi.



Reja tuz hamda tadbir-la mehnat qil,
Shunda ushaladi orzuing, buni bil!



Inqirozga uchrasang, najot yo'lini izla,
Chuqur o'ylab tadbir tuz, doim omadni ko'zla.

Iqtisodiy omillar samarasi

Iqtisoding-iqboling hunar-mehnatdan izla,
Shunda foyda ko'rasan ham farog'atni ko'zla.



Haloldan boy bo'lsang, ko'ngling tinch bo'lur,
Vijdoning sof, turmushing fayzga to'lur.



O'ylab-o'ylab ish qilsang,
Boyib yasharsan bilsang.



Savdodan boylik topib, omadim chopsin desang,
Tangaga qilma xiyonat, to'g'ri bo'lsin tarozi-yu sang.



Savdoda omad, sotish ilmin bilganniki,
Tunu kun charchamay mehnat qilganniki.




Salomlashsang xor bo'lmaysan,
Savdolashsang zor bo'lmaysan.



Dilingdagi hayajonni toshirma,
Daromaddan xaratjatni oshirma.



Jamg'armangni tejab sarflay boshlading,
Bil, badavlatlikka qadam tashlading.



Oldingga maqsad qo'yib, so'ngra ishing boshla,
Pul top-u, tejamkorlik sari qadam tashla.



Qilgin kunlik yumushingni hisob va taftish,
Shunda ishlaring rivojda, bo'lmagay tashvish.



Ba'zilar etishsa boylikka, aqlu hushidir bejo,
Ishratga ruju qo'yib, boridan bo'lgay judo.



Ishlaring kasod bo'lib, etsa anduhdan xabar,
Tadbiring puxta bo'lsa, eshitarsan xushxabar.



Iqtisodiyot yo past, yo baland ketar,
Tadbirsiz bundan borin yo'qotar.



Ishi kasod bo'lganda nopolgigin tashlarmi,
Badxulqligini anglab, haqqa qadam tashlarmi?!



Hayot tashvishlarin bozordan bil,
Tiriklik qadrini mozordan bil.

Rahbarlik haqida

Daho rahbar o‘z xalqiga bosh bo‘lar,
Yomoni el boshiga yoqqan tosh bo‘lar.



Rahbarning xulq-atvori yaqinlariga o‘tar,
Yaxshisi ibrat bo‘lib, oqillar ortar.



Mehnat qancha shonu shuhrat etsa baxshida,
Sodiqlik jilva qilur ezgulikning naqshida.



Bo‘lsang badavlat yoki martabang baland,
Tamagirlar olqishi bo‘lar shuncha sarbaland.



Rahbar bo‘lsang, g‘iybatchidan bo‘l ogoh,
Obro‘yingni to‘kar payt poylab nogoh.



Bo‘lsa tajribasi, uni tez mansabga ko‘tar,
Lek takomilga intilmasa, u ishdan ketar.



Gar rahbarning xulq-odobi bo‘lsa yomon,
Yaxshilar kamayar, safda ko‘payar yomon.



Maqtoviga ishonib, egrini ishga olibsan,
Sutga zahar qo‘shgandek arosatda qolibsan.



Boshida alifdan yo'q darak, burni baland zormanda,
Katta mansab, davra to'ridan umid qilar sharmanda.



Pora, tanish-bilish bilan mansab qo'lga kiribdi,
Bilginki, jamoani buzishga g'addor kelibdi.



Nodon amal egallash uchun borin tikar,
Oqil qadrini saqlash uchun boridan kechar.



Rahbar tamagir bo'lib, pora olsa,
Haqni nohaqdan farq qilmas u xumsa.



Pastkash mansab uchun do'sting bo'ladi,
So'ng o'rning olmoq-chun po'sting shiladi.



Mansab tegsa nodonga,
O'zin chog'lar sultonga.



Amalparast nodonga mansab bo'lsa bas,
Insoniylik uning-chun misoli bir xas.
Mansab uchun ayamaydi hech kimni,
Hatto sotqinlikdan qaytmas ul past.



Ahmoq-nodon rahbar bo'lsa ish boshiga,
Kulfat-alam etkazadi qardoshiga.




Amal pillapoyasiga chiqsa gar johil,
Kaltabinlik bilan qilar barchaga daxl.

Tamagirlilik va badnafslik

Tama qilib yashama hech zorlikda,
Umring o'tar nadomatda, xorlikda.




Tamada yashagan qadridan ayrilur,
Haromdan yiqqan boridan ayrilur.



Kim hunar o'rganmay, tamani bila pesh,
Bir kun boshiga tushar katta tashvish.



Qarmoqqa ildirar baliqni luqma,
Buni anglarmikin tamagir-laqma.



Misli ajdahodir bilsang o'z nafsing,
Yo'l ber unga bo'lsa gar joningda qasding.



Minnatli oshga e'tiborni qaratding,
O'z elkangga o'zing malomat ortding.



Birovning bergani minnatli tosh,
Topsang mehnatingdan rohatli osh.



Birovdan tama aylab boshing egguncha,
Noning top, tosh maydalab tering chiqquncha.



Gadodek birovdan narsa so'rash yomon,
Sorilib tama qilish undan yomon.



Gadoni ko'rsang napisand ketma,
Sadaqa ber unga, hech ta'na etma.
Bosh egib tamaga u jur'at etdi,
Xo'rlikni ishslashdan u afzal tutdi.




Agar aqling nafsingga bosh bo'lsa,
Kundan-kunga obro'-yutug'ing oshar,
Lek hirsing podsho, aql qul bo'lsa,
Mahbuslik xavfi kunma-kun oshar.



Hirsing qarshi qo'zg'alsa ahdu vafoga,
Jilovin tut, aylanmasin u ajdahoga.



Ey inson! Nafsingni doim mag'lub ayla,
Kam eb, o'zingni ming darddan forig' ayla.



Hirs balosin enga olgan odam,
O'zini qutqarar ofatdan shu dam.



Badnafslik insofdan keldimi g'olib,
Oqil nopoklikdan bo'ladi mag'lub.



To'ymas nafsing seni bedor aylabdi,
Tuzalmas dardga giriftor aylabdi.



Vah, o'zi tirnoqcha ul, nafsi tog'larni yutar,
Bir kuni qo'lga tushsa, quruq yovg'onlar ichar.



Jazodan qilmay hazar, hirsga intildilar,
Halollikni unutib, qarmoqqa ilindilar.



Ochko'zga xazina bersang, eb bitkazar,
Yalqovga ish bersang, kasodga etkazar.



Nafs deya chopdilar, bo'lib parvona,
Oxir jazoga etdilar, bo'lib sarsona.



Nopok hirsing aqling yuziga qora tortadur,
Tovusdek tovlanib, seni jarga tortadur.



Ochko'z ishtahasi nafsga jo'r bo'lur,
Birovning haqiga changal solur.



Kim nopok hirsiga ko'ngil bog'ladi,
Demak, ul o'z-o'zini jarga chog'ladi.

Poraxo'rlik uqubatlari

Nafsingni poradan saqlagin inson,
O'rin, joying bo'lmay zaxu zimiston.



Poradan bo'lsang yiroq, g'amdan ozodsan,
Halollikdan orttirsang xurramu shodsan.



Poraxo'r to'yayin borlig'in ado etgay,
O'zga molin talashni ul muddao etgay.



Pora talab qilaversang, el nafrati oshar,
Tezda nizo qo'zg'alib, joningga ofat etar.



Pora olgan kishining tili soqov bo'ladi,
Ko'zi ko'rolmas haqni, o'ziga yov bo'ladi.



Rahbarning nafsi ochilgan hamon,
O'g'ridek bor-budni qiladi tamom.
Badnafs kasda bo'lmagay vijdon,
Qorundek er yutadi uni bir zamon.




Xalq ichra poraxo'r va o'g'ri yomondir,
Qonundan qo'rqmasa zamon talondir.



Avj olsa porxo'rlik, g'ofil bo'lsa posbon,
Butun bir mamlakat inqirozga uchrashi oson.



Poralar kirsa bo'g'zingdan,
Insofing qochar ko'ksingdan.



Poraxo'r kazzobni to'g'ri deydi,
Unga sherik bo'lib, harom eydi.



Ul bandasi pora berishni qiliq aylabdi,
Qayta-qayta o'g'irlashni mo'ljallabdi,
O'zgalar haqin eb, yomon yo'lga boshlabdi,
O'zini va poraxo'rni zindonga tashlabdi.



Ayladingmi poraxo'rlikni odat,
O'zingga orttirasan jazo-jinoyat.




Kishi o'z nafsimi jilovlay olmas,
Bo'hron oqimida uchar misli xas.

Kamtarlik va manmanlik

Kamtarlikni qilsang agar ixtiyor,
Hattoki dushmaning senga bo'lar yor.



Kimki manmanlikdan kechib, kamtarlikni etsa odat,
Tole ochil dasturxonni unga berar rizqu saodat.



Istasang sen omonlikni muloyim so'zla,
Odat qilib ezgulikni, olisni ko'zla.



Soddani mug'ombir aldashi oson,
Makkor shodlanadi, anoyi sarson.



Kibrli bo'limgan aslo, bo'l doim kamtarlikda,
Shunda ilmdan bahra olib, etarsan komillikka.



Kibrlanib maqtanding, bildim deya dunyoni,
Demak, ajrata olmaysan haq bilan sen ro'yoni.



Har kimki kibrga bo'lsa mubtalo,
Bir vaqt etagiga tarmashar balo.



Ba'zilar behuda kibrlanib bo'ldi mast,
Maqsadni unutib, ishida topdi shikast.



Manman deydi:
Ko'nglim kibrli edi, haq so'z menga yoqmadi,
Oqibat nish urib kulfat, baxtim aslo chopmadi.



Kibrlanib o'zingni behuda baland chog'lama,
Havolanib o'z dilingni noxos o'zing dog'lama.



Kimki kibr ila so'zlasa topmas aslo takomil,
G'o'dayib, o'zim bilaman degan emasdir komil.



Manman har qadamda kibr-havoga mubtalodir,
Chiqsa dami nag'oradek, ichi bo'm-bo'sh benavodir.



Kimning fe'li bo'lsa, kibrli, o'jar,
Uning badasl odatidan kuladi bashar.



Kibrli, manmanlardan uzoqdir e'tiqod-imon,
Odamni mensimay, quvildi jannatdan shayton.



Nazar-pisand qilmaslik, kibru havoni yaratar,
Kibrli o'ziga o'zi yovlar qasdin bunyod etar.



Kibrlanib, kishilarga qildingmi piching,
Xaloyiq yuz o'girar sendan, qolmagay yaqin.

*Dangosalik va
kambag'allik*

Dangosalik, tanballik bo'lsa odating,
Kambag'allik bo'lar sening qismating.



Ehtiyoji uchun ishlamagan tanbaldir,
G'ayrati bor kishi kurashchandir.

Aql bilan ish yuritib, intilmoq imkondir,
Halol boyish yo'lin topgan ishchandir.



Tanbal bo'lsang sen ishda,
Umring o'tar nolishda.
O'qi, ishla, kasbli bo'l,
Yasharsan osoyishda.



Kishi mehnatsiz baxtin topolmas,
Hech kim dangasadek tolein chopmas.



Astoydil izlagan topgaydir imkon,
Ishyoqmas topar bahona har qachon.



Dangasa ishdan qochar, topib bahona,
Oxir-oqibat joyi bo'lar g'amxona.



Qoldingmi, bas, ishyoqmasga esh bo'lib,
Qolajaksan yo'qsillikka xesh bo'lib.



Mehnatdan so'ng orom-rohatning oliy maqomi,
Ishyoqmas, bekorchi uxlolmas, bo'lmas oromi.



Yoshlik o'tsa tanballigu yallolik bilan,
Keksalikni kuzatadi muhtojlik bilan.



Dangasa bo'lsa kishi qashshoqlikda zor bo'lgay,
Elda e'tibor topmay oxirida xor bo'lgay.



Dehqon ishlab, dondan xirmon ko'tarar,
Ishyoqmas ishlamasdan armon ko'tarar.



Lapashang so'zda ham, ishda ham beg'am bo'lgay,
Yumushi besamaru, doimo biri kam bo'lgay.



Tingla, do'st, kambag'allik, bu – zorlik emish,
Muhtojlikning yo'li nopok-xorlik emish.
Kambag'allik ayb emas, lekin armon emish,
Halol ishlab topganing zar-xirmon emish,



Qashshoqlik yomon bedavo dard ekan,
Mehnat qilsang, iqbol senga hamdard ekan.



Qashshoqlikda yashasang, demagil xohishi Xudo,
Mehnat qilsang, orttirib barakatni berar Xudo.



Bekorchi qashshoqlikdan abgor yashaydi,
Orzusi barbod bo'lib, xor-zor yashaydi.



Kimki agar qashshoqlikdan shikoyat qilur,
Aqlu mehnatdan qochib, tanballigin rivoyat qilur.



Qashshoqlikda qolsang, o'zgadan etma tama,
Tadbiru mehnat ila tolein yaratar hamma.



Muhtojga yordam berishga etmasa qurbing,
To'g'ri yo'lga rag'bat etsang, shudir ehsoning.

Do'stlik va sherikchilik

Yoningda bo'lsa sodiq do'st, qalbing butun,
Aql bilan echilar barcha chigallik va tugun.



Bir oqil bir oqilga do'st bo'lur,
Shunda mushkil ish tezda echilur.



Kim do'stlarga qilsa xolis yaxshilik,
Qaytgaydir o'ziga ham egiz yaxshilik.



Samimiyyidir agar dillar, bir-biriga payvand bo'ladi,
Mehrlidir agar do'st, sadoqatli, hamdard bo'ladi.



Ko'rsa do'stin xasta dil shodon bo'ladi,
Kelsa pastkash, ko'ngli vayron bo'ladi.



Do'st diyordin vaqt-bemahal ko'rganing,
Yo'lingni mehr-vafo sari burganing.



Do'sting dardiga bildirsang hamdardlik,
G'amdan bo'lib forig', orzuga intilar tetik.



O'zgalar tez do'st bo'lzin desang,
Odil, halol va sодиq bo'l hamisha,
Do'sting dushman bo'lmasin desang,
Topgan foydang teng bo'l hamisha.



Sодиq do'sting to'g'rilikka yo'llagay,
Gar oyog'ing toysa, quvvatlab qo'llagay.



Do'st top, do'sting zoriqsa, ber madad,
Toleing porlab, savob topursan beedad.



Intilsang har maqsadga etishish oson bo'lur,
Sодиq do'st quvvati dilingga darmon bo'lur.



Birov sодиq do'stman desa, tezda ishonma zinhor,
Imtihon qil, sina, dalil-isbot bo'lzin o'Ichoving.
Gar ishonching oqlasa, sen ham do'stlik qilgin izhor,
Ahil yashab, birga ishla, keng bo'lzin ko'ngil
qamroving.



Do'stni da'vat etsang ezgulikka, yaxshi ishlar qilur,
Yomonlikka bersang pishang, qabihlikka qo'lin urar.



Do'stingga sen ziyon-zahmat etkazma,
Ko'nglini ol, uni qo'ldan ketkazma.



Do'stlikdan bo'lmay desang pushaymon,
Avval sina, so'ngra etgin ahd-paymon.



Ersa do'st do'stga tayanch,
Ortadi dilda quvonch.



Sodiq do'st iqbolga boshlar sarbon kabi,
G'arazlisi chaqqay seni xuddi chayon kabi.



Ko'ngil chamani do'stlar bilan yashnagay,
Gar soxta bo'lsa, xazon bog'day quvragay.



Do'sting bo'lsa senga sirdosh-u qo'l dosh,
Omad va toleingga ul bo'lur yo'l dosh.



Yaxshi kunda hamma yaqin do'st,
Yomon kunda sina, kim chin do'st.



Do'sting ko'tarilsa mansabda sendan yuqori,
Bog'lanib qolma unga, suril biroz nari.



Bo'lsa kim boylik, amal qasdida do'st,
Ul do'st emas, omading shashtida do'st.



Mingta bo'lsa dilkash do'sting, bu qanday yaxshi,
Qo'rq g'anidman garchi bitta, chunki yovlikdir ishi.



Soxta do'st boringda hamnishing bo'lur,
Asl do'st bor-yo'g'ingda hamdarding bo'lur.



Bo'lsang ishonchli do'st, sha'ning sarbaland,
Do'stga gar bo'lsang sodiq, iqboling baland.



Ikki javonmarddan ayama himmating aslo:
Sodiq do'st va halol sherik ila ishlaring a'lo.



Ikki do'st chin yurakdan sodiqlikka ahd qilgan hamon,
Tog'larni tekislab, bog'lar yaratar ular shu zamon.



Yaxshi bilan bo'lsang hamkor, yo'lda yo'ldoshdir,
Halol bilan sherik bo'lsang, senga qo'ldoshdir.



Sodiq do'stni sinab, ahding bitibsan,
Demak, ko'zlagan marrangga tez etibsan.



Erta-yu kech nahang hirsing ila kasb-kor aylading,
Na sherigu, na do'st bo'lmasliging oshkor aylading.



Oqil bilan birga bo'lsang, bitmas ishing bitadi.
Nokas bo'lsa gar sheringing, bitgan ish ham yitadi.



Kishi ko'ngli sodiq do'st ila obod,
Bo'lsa ul hasadgo'y – koshona barbos.



Sheriking bo'lsa, bil, ochko'z do'sting,
Boringni eb-yutar va shilar po'sting.



Badniyatdan do'stu hamkor istama,
Ul do'st bo'lmas, do'st bo'lay deb qistama.



Kim do'st bo'lib, qilmasa vafo,
Vaqti-soati kelib chekadi jafo.



Qaysi do'sting bo'lsa ikkiyuzlama,
Zinhor undan mehru vafo izlama.



Pastkashni sinamay dema uni do'st,
Nafsi uchun o'zgartirar tezda po'st.



Hech qachon badhirsdan do'st chiqmas,
Qora kuningda seni hech do'st bilmas.



Baxil do'st haqligu poklikni bilmas,
Yo'ling tor kelganda seni tanimas.



Baxildan do'st chiqmas, kutma inoyat,
Chunki u ezgulikni qilmas niyat.

Bahs, ziddiyat va dushmanlik

Noo'rin bahslarda qilsang gar sukut,
Demak, sen donosan ham iymoning but.



Bahsdan paydo bo'lar fikriy ziddiyat,
Ziddiyat echilar, pok bo'lsa niyat.



Majlislarda sinab kishi a'molin,
Muomala qilgin og'ritmay dilin.



Ahmoq, nodon, johil bilan bahs aylama,
Oltindan qimmat vaqting sarf aylama.




Foyda-ziyon o'rtaida cheksiz ziddiyat yotar,
Kishi kurashda chiniqib, toleini yaratar.



Gap talashsang ziddiyat haddan oshar,
O't qalasang, choydish ham qaynab toshar.



Ziddiyatlar kishini ehtiyotkor qilur,
Bahstalab kishilarni hushyor qilur.



Yomon bilan tortishsang qorasi yomon,
Tosh ila talashsang zarb sadosi yomon.



Yomondan uzoq yurish a'moling bo'lsin,
Talashib-tortishganning olasi yomon.



Angla, ne yomonlik qilsa gar inson,
O'ziga qaytadi albat, qo'ymas omon.



Agar qasdga o'ch bo'lsa inson,
Undan do'st chiqmas hech qachon.



Inson uchun, biling, eng katta balo,
O'zaro adovat, qasosga da'vo.



Dushmandan kelsa jafo, do'stlar bo'lur kamarbasta,
Do'st ko'nglida bo'lsa g'araz, g'anima aylanar asta-asta.
Do'st tanlasang, sinagin avval vafo-yu sadoqatin,
Yaxshi-yomon kuningda bu tuyg'ular albatta vobasta.



Qushlar agar uchsa baland, parvozi ko'kka etgay,
Ovchi ming otgan bilan o'qlari xato ketgay.
Kasb-hunar egallab, bilim cho'qqisiga chiqsang,
G'animing qilsa-da qasd, qo'li aslo etmagay.



Haq bo'lsang-da raqib-la murosa qilding,
Unutmaki, yovuzlik bag'rini tilding.



Oqillar yovuzlik yaratmoqdan qochar,
Nodon benaf bahsdan yog'iylitka yo'l ochar.



Yaxshilik qil, dushmaningni ayla do'st,
Do'sting dilin xushlab, uni yana sayla do'st.



Falonning hunari buzmoq, titishdir,
Eng yomoni, do'stni dushman etishdir.



Raqibingga g'am-tashvishing so'zlama,
U suyunar, naf kelishin hech ko'zlama.



Kimki dushmanidan ogoh bo'lmagay,
Ziyon ko'rар, ul omonlik ko'rmagay.



Kim yovuzdir, ko'ksiga dushmanlik joylagay,
Qancha qilsang yaxshilik, ul yomonlik aylagay.



Dushmaning seni siylab, shirin so'zlar,
Yo'lingga qo'yib tuzoq tutmoqni ko'zlar.



Kimki o'z dushmanin ojizu zaif bilur,
Oxiri omadda ayrilib, ziyon ko'rur.



Garchi dushman til uchida shirin so'zlagay,
Pichoq qo'njida, urmoqqa fursat ko'zlagay.

Mehr va hurmat – ezgulik bo'stoni

Mehrli bo'l, vafodorlik dilingga esh bo'lsin,
Muhabbatga sadoqatda yo'ling pesh bo'lsin.



Gar sen istayursan mehr-muhabbat,
Do'sting chorlaganda ko'rsatgin xizmat.
Do'stga vafo qilgin, ko'rsat sadoqat,
Do'stni izzat qilish – eng oliv himmat.



Do'sting ila qilsang samimi suhbat,
Diling yashnab, qulf uradi muhabbat.



Ezgulik bo'stoniga mehr-la tashlasang qadam,
Dilda nodir fazilatlar bo'lar mujassam.



Quyosh nuri tushsa muzni eritar,
Mehr zim-ziyo qalbni yoritar.



Mehr niholini ekkan begumon,
O'yaydi fayzga to'lmog'in jahon.



Ezgu so'zdan yaralur mehr-shafqat,
Ozoridan paydo bo'lur g'amu zahmat.
Sen hammaga yaxshilikni tilovchi bo'l,
Shunda dilga etur bemisl rohat.



Kim sizlab aytadi, kim senlab aytar,
Siz-sizga, sen-senga albatta qaytar.



Yoshu qari – barchani qilsang gar hurmat,
O'zing ham e'zozlanib, topursan izzat.



Mehr-la dilga dil payvand bo'ladi,
Bundan maqsudingning jomi to'ladi.



Ming qidirsang tikansiz gul bo'lmas ekan,
Mehr bilan uzsang qo'lga suqilmas tikan.



Orada mehr – qadr bo'lsa, yomonlikni so'ldirar,
Darig' tutma hurmating, ul yaxshilikni undirar.



Sevgining urug'i mehr ila hurmat,
Shundan yaraladi qaynoq muhabbat.
Ushbu nihol yashnab borsa kun sayin,
Bu daraxtning mevasi-vafo, sadoqat.



Gar o'rtada bo'lmasa mehr va hurmat,
Dildan dilga o'tmas sevgi-muhabbat.

Nasl-irsiyat va oshiqlik xususida

Kibrlanib maqtaguncha nasl-nasabing,
Ilm olishga sarf et aqling hamda asabing.
Shunda ajdodlaring qadri bo'ladi baland,
Martabang ulug'lanib, ko'tarilar mansabing.



Odamning suratin ko'r, lekin angla siyratin,
Asli ma'no erur, bilgin nasl bisotin.



Nasliy kasallik avj olar qarindoshlar nikohidan,
O'zgadan yor qilsang, qutulasan irsiyatning ozoridan.



Bo'lsa nasling toza, qo'shma zotingga badasl,
Zoti past cho'bordan aslo ot chiqmagaydir asl.



Husningga mahliyo bo'lib, beodoblik qilganing,
O'zingni yulduz hisoblab, o'zgani past bilganing.



Gul tuslanib oshiqqa talpinar emish,
Oshiqning bag'ri kuyib elpinar emish.



Oshiqlik ko'ngil maylidan paydo bo'lur,
Mos tushsa dil-dilga mudom shaydo bo'lur.



Oshiqqa butun olam kuylar chalarmish,
Ma'shuqasin dil sasin tinglab bilarmish.



Oshiqlik qasriga tashlasang qadam,
Sadoqatli bo'lsang gar, senga baxt hamdam.



Gulga oshiq bo'lding-u, bardoshing bo'ldi tamom,
Vasli shavqida qo'lingga olibsan may to'la jom.
Muhabbatda sadoqatin qalbingga aylasang nishon,
Etkazur vaslidan mujda nasimi subhu shom.



Gul tikanga toqat aylab ochiladi rang-barang,
Sevgidan yal-yal yonibdi yonoqlari qizdek, qarang!



Moyillikni har jonli hayvon his qilur,
Ishqsiz kishi hayvondan ham past turur.

*Sevgi va muhabbat
sadoqati haqida*

Sevgi-muhabbat – eng oliv tuyg'u,
Ul qaysi yurakda qo'zg'asa g'ulu,
Dilni o'rtagay otashdek yonib,
Baland ko'tarilar vafolik tug'u.




Sevgan ma'shuqiga o'z jonin etsa fido,
Majnundek yor ko'yida kezsa sahro,

Sevgi yo'li goh balandu gohi past,
Bu yo'lda Shirindek yoriga qilsa vafo.



Oshiq dilin tinglang, ey xaloyiq:
«Sevgini e'zozlagan sevgiga loyiq».



Ishq-muhabbat ila go'zal bu yorug' olam,
Muhabbat bilan ko'hna dunyo muhtasham.




Muhabbat shavqidan kim ogoh erur,
Ishqdan boshida toj, biling, shoh erur.



O'chmasa dilingda muhabbat alangasi,
Munosibdir senga ishq nashidasi.



Mehru muhabbat-la boqqil yoringga,
Navozish ko'rsatgil intizoringga.



Muhabbatsiz hayot biri kam bo'lgay,
Ishqi yo'q yurakda doim g'am bo'lgay,
Muhabbat tirikdir mehru vafo bilan,
Vafosiz o'tgan har kun motam bo'lgay.



Muhabbat barqarordir vafo bilan,
Hijron yo'ldosh bo'lur jafo bilan.



Qalbingga oro ber muhabbat bilan,
Orom topar dil shirin suhbat bilan.




Muhabbat da'vosin qilishdan oldin,
Qalbingga mehru vafoni naqshlab olgin.



Uyingda to'plagan boyliging cheksiz bo'lса ham,
Yoring ila mehru vafoda yashashga teng bo'lmas.
Janjalli uy oltindan bo'lса ham senga kam,
Kulbada yoring bilan san boshqasi bekor, abas.



Xotinin muhabbatiga burkagan erkak,
Bo'lmas keksalikda ham, hech kimga ermak.



Muhabbat qasrida gado ham shoh bo'larkan,
Sevgidan mosuvo shoh gado bo'larkan.



Kimki muhabbat ahididan begonadir,
U bir umr sevgiga zor bo'lib yonadir.



Muhabbat dilingga kuch baxsh etar,
Gar uzatsang qo'ling osmonga etar.



Muhabbat, sadoqat sof qalblarga xos,
Bemehrlik hayvoniy mijozga xos.

Ishq shaydoligi

Biri gulni sevar, birisi qochar,
Vafo nasimidan g'uncha gul ochar.



G'uncha ishqdan to'lishib, gulkosalar ochadur,
So'ng yorga lab ko'rsatib, iforli hid sochadur.



Ey jilvakor, mo''jizakor ishq,
Qalbi pokka hamisha yor ishq.



Ishq izhoridan avval dilda uning borin so'rang,
Sevganingiz vafosi-yu, nomusi-orin so'rang.



Majnun holiga boqib ishqning qudratin ko'ring,
So'ngra oshiqning vafosin, qalbi jur'atin ko'ring.



Bo'lmasa ishq, bu borliqni sevmas eding,
Yuksak baxtga musharraf bo'lmas eding.



Ishq bo'lmasa, bu zamin vayronadur,
Quyoshi yo'q zulmatli g'amxonadur.



Ishqni dilga joyla umrbod qolishni xohlasang,
Falak ranju sitamin mot qilishni xohlasang.



Majnunga Layli ishqidan boshqasi abas,
Shundan muhabbat kuchin anglagaysan, bas.




Qancha oshiqlarni ishq shohu sulton ayladi,
Etolmay murodiga ko'nglini vayron ayladi.
Sevsang yoring ham sevib, jonini fido aylasin,
Necha chin oshiqlarin muhabbat qurbon ayladi.



Sevmaganga suykalma, etib izhori muhabbat,
Ishqing sotib alamga, etmagil xor muhabbat.
Sevsal-sevgin, hurmatu sadoqating ayon et,
Butun umr vafoda dil intizor muhabbat.



Bu olamda hech kishi ishqdan g'ofil bo'lmasin,
Jafo ko'rib ma'shuqdan ozurda dil bo'lmasin.



Ishq yo'lida shoh-u gado birdek sargardon,
Sevgi demas: bu gadodur, bu esa sulton.

*Er va xotinlik burchi
va vazifalari*

Er va xotin jismidan yaralar hayot,
Shu bois odamzot mangu barhayot.



Gar uyingda bo'lsa jufti haloling,
Hayotdan baxt toparsan, bo'lmas maloling.



Ko'cha xushtorligi uy sevgisin vayron etur,
Ikki qalb orzusini butun umr barbod etur.



Sevsang yoring sevar seni to abad,
Unga mehru vafo ko'rsatsang, albat.



Er xotinin sevsu ko'ziga parizod ko'rinxur,
Urish-janjal qilsalar, bir-biriga yot ko'rinxur.



Atirgul g'unchalikda doim iftixordir,
Ul ochilsa bir oshiqqa, umr bo'yi yordir.



Ayoli bilan mehru vafoli bo'lib yashagan er,
Keksayganda ham yashar bamisoli sher.




Ishyoqmas, bekorchi erdan kelar jafo,
Ishchan, oqila xotin ko'rsatar vafo.



Husningni ko'rib tur ko'zguga boqib,
Umrin o'tib borar suv kabi oqib.



Yaxshi xotin eriga vafodor bo'lur,
Barcha muammoni birga hal qilur.



Xotin gar eriga bo'lsa mehribon,
Har ikkisiga ham olam guliston.



Keksa bir kishi janjalkash er-xotinga qarab dedi:
Qilguncha dakan xo'rozlardek jang,
Mehr-vafo bilan yashagin bashang.



Yaxshi xotin ertalabdan ish izlar,
Yomon xotin esa g'avg'odan so'zlar.



Hayoting bir maromda aqlli bo'lsa xotin,
Beaql bo'lsa ul, er kuyadi misoli o'tin.



Yaxshidan olsang kelin, ezgulik keltirur,
Qilsang yomondin, tikandek ozor keltirur.



Barcha gulda tikan nishi mavjud ekan,
Har bir yor ham aybdan xoli emas ekan.

*Sharm-hayo, vafo va
nomus mugaddasligi*

Yuz husnini to'ssin doim sharm-hayo,
Sharm-hayosi yo'qqa bo'lma mahliyo.



Har kimda bo'lsa hayo vafoli bo'lg'ay,
Vafoli bo'lmasa yor jafoli bo'lgay.



Vafo makon topsa, oshiqlarning dilidan,
Muhabbat yashar mangu, madhi tushmas tilidan.



Yor bo'lib yashamoq orzusin aytishdan oldin,
Vafodorlik qasamin dilingga naqshlab olgin.



Ishq vafosi qalbingda qursa makon,
Boqiy sevgi abad yashar, qolmas armon.



Qizlar orzusi sevgida vafo,
Vafo-la hayoti erur musaffo.



Vafolilar hayolidir,
Hayolilar vafolidir.



Vafodorga mehr-sevgi shavqi bo'lsa bas,
Olam tashvishi u uchun qurigan bir xas.



G'uncha visolidan bulbul dil dog'laydi,
Ochilgan g'unchaga gul ko'ngil bog'laydi.



G'uncha ochilsa mushk-anbar taralarmish,
Har kim hidlsa, unda dog' yaralarmish.



Benomusdan vafo izlama,
Uyatsizdan or-hayo izlama.

Zolimdan shafqat tilama,
Pastkashdan qadr ko'zlama.



Qalbingga nomusu oring to'liqdur,
Umring yo'li nurga bo'liqdur.



Or-nomusing qalbingda mangu oshyon topsa,
Shayton makri yanchilur, garchi har yon chopsa.



Har xotin ortidan chopma pinhon qasdida,
Barcha ayol bir emish, bo'lma shahvat hirsida,




Axloqiy buzuqlikka pinhon qadam tashlading,
Shaytoniy harom yo'lga o'z-o'zingni boshlading.
Uyingdan qut-baraka tezda ketar bosh olib,
Bolalaring yig'latib, qora ko'zin yoshlading.



Kimki o'zga yoriga bo'lsa xaridor,
O'z yoriga ham topilar xushtor.



Axloqiy buzuqlikni o'zingga odat aylasang,
Irsiyating quvvatin emirish yo'lin saylasang,
Nosog'lom farzandlar sendan tug'iladi basma-bas,
Avlodning nobud bo'lmas, garchi odating tashlasang.



Uyingda pokiza xotining turib,
Nopok fohishaga tanang bulg'aysan.
Jufti halolingga xiyonat qilib,
Olamga o'zingni sharmanda qilg'aysan.



Kimdaki zino hirsi g'olib kelur,
Ul inson sha'nini barbod qilur.



Inson uqubatni bardosh-la engar,
Dosh berolmas, benomus bo'lsa agar.



Zinoga hirs qo'ysang, xorlik keltirur,
Aysh-mayxo'rlik albat zorlik keltirur.



Axloqiy buzuqi kirguncha ayvoning ichra,
Kirgani yaxshiroq eshak chorbog'ing ichra.



Zinogar ayol erkakni ko'rsa, ishvayu noz aylar,
Tanini sotib, pul-mol topishni xumor aylar.
Ikki yuzi qoradur, boz sen yuziga qora chapla,
Olam aro ul naslin bir umr sharmisor aylar.



Shahvat-u nafs hirsiga sen mubtalosan,
Hayvondan ne farqing qoldi, hissi xarsan.



Ota va ona - oila istixori

Ota-onalar tarbiya qilsa aqlu zakovatli farzand,
Unga hunar o'rgatib, mehnat bilan qilsa band,
Bunday ota-onalar yashar doim halovatda,
Orzulari ushalib, bo'lurlar piru badavlat.



Ota mehnat-la ro'zg'orin shaylamas,
Kelajagi unga ko'ngil bog'lamas.



Mayxo'r ota surunkali aroq ichadi,
Majruh bolasi tunu kun azob chekadi.
Shol bolasi dardiga darmon izlab,
Bechora ona ming bir jafo chekadi.



Kimki onasini qilsa xor,
Oqibat yashar mehrga zor.



O'g'il-qiz tug'ilsa, ota-onা shod bo'lur,
Oilasi to'lib, ro'zg'ori obod bo'lur.



Xonadonda gar ko'p bo'lsa farmonbardor,
Oila parokanda, vayron bo'lar ro'zg'or.



Kimda bo'lmasa oilasi uchun tashvish-g'am,
Uning buguni ham, ertasi ham bo'lar kam.



Danak eksa odam mo'ljal qilar meva-yu sharbat,
Ota farzand boqib, keksalikda kutar undan madad.



O'rgat o'g'il-qizingga kasbu hunar,
Derlar, hunardan rizq-ro'z unar.



Bola shirin, tili undan-da emish shirin,
Chunki ota-onal dilida mehri yashirin.



Otasin dilini shod etsa farzand,
Uning iqboliga qo'nmas sira gard.



Gar mehru qadrda otangni shod etmading,
Qarilikda bolangdan najot kutmagil.



Dunyodan o'tsa otang, qadrin sezarsan,
Onang ketgandan so'ng bag'ring ezarsan,
Ular hayot paytda ko'rsat hurmating,
Pushaymonda emas, unib-o'sib yasharsan.



Yomon farzand ota-onal dilin dog'ladi,
Demak, ul o'zin do'zax o'tiga chog'ladi.



Qaysi ota yon bersa erka bolasiga,
Oxir itoat qilur o'z balosiga.



Gar beqadr, daydi bo'lsa o'g'lingning «jo'ra»si,
Yo'qotursan farzandingni, bitmas yuraging yarasi.

Bolalar - kelajagimiz

Yoshlik kuchi mo“jizakor, barhayot,
Bil, yoshlardan yaralar bu nurli hayot.




Go‘daklikda bir bora yaxshilikni anglatsang,
Butun umr diliga sabog‘ing jo bo‘ladi.
Kattalikda ming bora zakovatni o‘rgatsang,
Fursat o‘tmay unutar, mehnating zoe bo‘ladi.



Yoshlikda sen aqlning haq yo‘lin anglamaysan,
Yomon yo‘ldan borishning badligin anglamaysan,
Aqlu bilim egallab, gar mehnatni arzitsang,
Baxt-iqbol halovatin naqdligin o‘ylamaysan.



Yoshlikda bilimlar bulog‘idan ich,
Baxt toparsan, bo‘lsang o‘rganmoqqa o‘ch.



Yoshlar, aql-bilim olishni bosh maqsad aylang,
Vaqtni g‘animat bilib, ilmni qalbga joylang.



Yoshlikda vaqtingni sarf et o‘qishga,
Aql-zako bilan kirish har ishga.



Kasb-hunar egallah odating bo‘lsin,
Toleing balandu iqboling kulsin.



Yoshlikda halol kasb-kordan yaratsang boylik,
hormayin,
Keksayganda yasharsan hurmatda, hech kimga
sarg'aymayin.



Yigit bo'lsang agar, ro'zg'oringni ta'min et,
Birovga orqa qilma, nomus-oringni ta'min et!



Ko'cha-ko'yda besar yurganing,
Omadiningni qo'ldan bergenning.



Borsang johil ortidan, ey navqiron yosh,
So'ng ko'zingdan to'kilur marjon-marjon yosh.



Maysalar murodi – o'sib don bermoq,
Odamlar tilagi solih o'g'il-qiz ko'rmoq.



O'g'ling katta bo'lsa, suyangan tog'ing bo'lar ekan,
Qizing bo'yga etsa, mevali bog'ing bo'lar ekan.



Yaxshi ish qilsa yosh – maqtash adolatdir,
Qilsa yomon ish – beozor koyish siyosatdir.



Ota sho'xroq o'g'liga dedi:
Aqling bilan o'zingni komillikka isloh et,
Illatli xulqing tuzat, yaxshilikka ixlos et.



Otang-onang sendan gar bo'lsa xursand,
Jannat rayhonisan, ey oqil farzand.



Ota-oná hurmati farzand-chun qarzdir,
Bir umr mehr-la qilmoq e'zoz farzdir.



Farzand ulug'lasa otasin har dam,
Unga qutlug' bo'lur ulug'lik shu dam.



Keksa ota-onangning bo'lsang suyangan tog'i,
Qaytimin olgaysan kelgach qarilik chog'i.



Ota-onang xizmatidan qochsang magar,
Ikki olam orzuing do'zax o'tida yonar.



Hayotda kimki gar bo'lsa oqpadar,
Xor-zorlikda o'tar umri darbadar.

*Keksalik va donolik
karomatlari*

Keksaning dili va a'molida bo'lsa poklik,
Unga qutlug' bo'lur, pok yuzli nuroniylik.



Chol bukchayib, zaiflashib yo'lda tebranar,
Lekin aqlu zakovatda dunyoni tebratar.



Qariganda qo'sha ko'rinur osmondag'i oy,
Ammo boshda aql to'la, tajribaga boy.



Keksaning joniga ming xastalik raxna solur,
Ko'rinsa-da sog', qarilik dardi darmonin olur.



Keksaman deya qayg'urma sen hech ham,
Agar yoring sevs'a jon-dildan har dam,
Soching oq bo'lsa-da sevsang yoring,
Abadiy yoshdirsan, yoringga hamdam.



Dunyoga ne maqsadda kelganiningni bilmaysan,
Aql-idrok aytganin sira ko'zga ilmaysan.
Go'dak eding yoshlidka, hozir ham qari go'dak,
Mehnat qilib yashashning zavqin sira tuymaysan.



Keksaligim o'tsin desang rohatu farog'atda,
Quvvating borida ishla, bo'limgan aysh-ishratda.



Muhtoj keksa dedi:

Yoshlikda bo'ljadi orttirgan molim,
Qarilikda ishlashga kelmaydi holim.
Qashshoqlik soyadek ergashib kelar,
Minnatli osh-suvdan zabun ahvolim.



Keksalik zaifligida aso darkor,
Asl o'g'il-qiz – aqli raso darkor.



Keksalarni qilsang sen agar izzat,
El aro tanilib, toparsan hurmat.
Duosini olgin nuroniylarning,
Ularning ishidan olgin sen ibrat.



Keksalar dilini zaifu nozik zaif deb bil,
Sen ham so'zlarining bamisoli qoziq deb bil.



Qarilik, bil, sog' yashashning intihosi,
Dunyoda yo'q bu og'ir dardning davosi.



Yoshlik o'tsa tanballigu yallo bilan,
Qarilik ham o'tar «illo-billo» bilan.



Ba'zi bir soqoli oq keksadan axtarma aql-zako,
Yoshligida edi ahmoq, endi bo'libdi bir bedavo.



Soqoli oq, lekin farosatdan yo'q nishon,
Ul nuroniylar emas, qari laindir, inon!



Dono aql bilan fikrlab, yangi ilm topar,
Kashfiyat, ixtiolar taraqqiyotga yo'l ochar.



Dono chin ko'ngildan nasihatlar aylagay,
Yaxshilikka da'vat etib, badlik yo'lin bog'lagay.



Oqil pandi yoshlar aqlin orttirar,
Bilib-bilmay qilgan gunohin yoptirar.



Yomonni yaxshi qilish donolar ishi,
Yaxshi har inson bor olamning naqshi.



Donolar nasihatidan qochgan nodon,
Umrida ro'shnolik ko'rmas hech qachon.




Olim ilmi bilan jamiyatni yashnatgay,
Yaratib mo"jizalar, yulduzlarni chaqnatgay.



Kimki ulg'ayib, olimi boamal bo'lg'ay,
Kamol topibdur – sohibi barkamol bo'lg'ay.



Olim boshlar elini kamolot sari,
Bilimsiz boshlagay jaholat sari.



Olimsiz jamiyatda yuksalish bo'lmas,
Texnika rivojisiz o'zgarish bo'lmas.



Olim bo'lsa yo'ldoshing, quchganing iqbol bo'lur,
Johilni tingladingmi, qad-qomating dol bo'lur.



Olim xor – olam barbod,
Olim shod – olam obod.



Olim bo'lsang, johil bilan tortishma hech,
Obro'yingni saqlagin, bo'lmasdan kech.

Diniy e'tiqod va imon hidoyati

Allohim yaratmish seni inson qilib,
Muhammadga ummat qildi oson qilib.
Qur'on senga arkon, sunnat esa tayanch,
Adashmagin o'zligingni yakson qilib.



Alloh odamzotga tafakkur hadya etdi,
Er yuzida odamni o'ziga xalifa etdi.
Bas, ey odam, zamin bag'rini obod qil,
O'zingni bid'atu xurofotdan ozod qil.



Tiriklikni yaratgan osmon quyoshi,
Tabiatni uyg'otgan bahor «ko'z yoshi».



Alloh senga tafakkur-la ziynat bermish,
Mehnat sabab o'z rizqingni qiymat bermish.



«Yaxshilik ham, yomonlik ham Allah ishi,
Bunda yo'q mening aybim, gunoh-qilmishi», –
Dema. Jannatiy bo'lay desang yaxshi bo'l,
Yomonlik tomonga doim qarshi bo'l.



Ming zorlanib qilsang-da, sen o'z nolishing,
Eshitarmi Xudo, bo'lmasa savobli ishing.



Taqdir ravo ko'rgan tashvishlarni engar oqil inson,
Aql, bilim bilan o'zgartirar u o'z qismatin, inon!



Ilm-fanda fikrlab ish tutmoq oqillar ishi,
Shoshilib ish qilmoq, biling, shayton qilmishi.




Xo'ja, eshonman deya, balandparvoz so'zlama,
Barcha Xudoning teng bandasi, gunohni ko'zlama!



Hamma ham ixlos bilan ibodat qilar emish,
Begunohning duosi ijobat bo'lar emish.



Dilida e'tiqod bo'lsa, Xudo ham unga yordir,
Lekin dini tilda bo'lsa, bu kas albatta xordir.



Yaxshi bo'lsang, eldan duo yog'ilar,
Do'st bo'ladi hatto eski yog'iylar.



Tavba, ahdingni buzib, qilursan sen yomonlik,
Yomonlik qilgan kas sira topmas omonlik.



Nadomat et, tavba qil, yomonlikdan kech,
Yaxshilikni toj aylab, o'z baxtingni quch.



Dunyoning vafosi yo'q, azaldan ayon,
Bugun ochilsa gul, erta bo'ladi xazon.



G'am chekmay, rohatda yashayver inson,
Qachon kelib-ketmoq Allohga ayon.



Qoningdagi shayton dedi: Yomonlikka imladim,
Lekin ushlab qo'lingdan, seni majbur qilmadim.



Ko'rsatar o'zin xudojo'y, lek dilida yomonlik,
Haromdan qilmas hazar, o'zi qaysi tomonlik.
Din peshvosi mullami yoinki nafs bandasi,
Vijdonin pulga sotar, peshvoligi bir onlik.



Tug'ilish va o'lish azaliy nechun,
Bunga bormi chora o'zgartmoq uchun.
Yaxshi amal bilan yarat taqdiring,
Nasibangni but qil, yashamoq uchun.



Yomonliklar paydodir barcha qiliq-qilmishingdan,
So'ng qismatingdir nolish, qilmish-qidirmishingdan.



Imon to'g'ri yo'lga boshlovchi bir sarbondir,
Vijdoning vaadolat senga hamroh karvondir.

Doshchilik, qarindoshlik va ahillik

Hovli olsa har kishi, yaxshi qo'shni ko'zlagay,
Bil, yaxshisi yaxshidir, yomoni g'avg'o qo'zg'agay.



Yaxshi qo'shni aql ila to'g'ri yo'lga boshlaydi,
Agar bo'lsa beaql, har kun diling g'ashlaydi.



Gar hamsoya yaxshi bo'lsa, ozdir bo'lsa qanchadir,
Bo'lsa yomon, izg'irindek ignalarin sanchadir.



Ko'ngli qora oshingni eguncha dilkash bo'ladi,
Ta'mi og'zidan ketgach, sen bilan g'ash bo'ladi.



Ochko'z, xasisning rangi hamisha yomon,
Bo'lsa gar qondoshing, u yomondan yomon.



Gar kelsa jafolar do'st-u qarindoshdan,
Jabrlidir, yov otgan ming g'azab toshdan.



Kimki yaqinlari bilan murosada turmabdi,
Demak, u g'urbat-alamlardan nari yurmabdi.



El-yurt agar ittifoq bo'lur,
Ikki jahon oromgoh bo'lur.

El agar noittifoqlikda ekan,
Er-osmon qonli janggoh bo'lur.



Oilada bo'lsa hurmat hamda ahillik,
Unda oshyon topar iqbol va ezgulik.
Agar noahillik ila bo'lsa tortishuv,
Ro'zg'ordan ketib baraka, ko'payar ko'rgulik.



Ahil bo'lsa odamzot tilaklarda sharaf-shon,
Mehr bo'lsa qalblarda el ertasi nurafshon.



Aqlar birlashsa, aql kuchi mingga oshar,
Oqillar bahsdan ilmu urfon konin ochar.



Odamlarni guruhlarga bo'lmoq hasaddandur,
Barcha bir inson, bu bosh bo'lish qasdidandur.



Yuzlab kishi ahillikda bir davraga jam bo'lur,
Ikki nokas sig'may keng jahonga janjal qilur.



Bo'linganni bo'ri eydi deydilar,
Noinoqning umri kuydi deydilar.



Yomon bo'lsa ulfating,
Tayin unda kulfating.



Buzilish va to'zish noahillikdandir,
Qudratu g'alaba, bil, ahillikdandir.



Xoh sina, xoh sinama, sen buni bil,
Baribir qo'y bo'ri-la topishmas til.

Baho, qadr va obro' sarhisobi

Kimki qadru qimmat va obro'sin o'zi anglagay,
Demak, poklikni tug' aylab, o'z sha'nini shaylagay.



Kim agar kibr-la zo'rman deya o'ziga bersa baho,
U o'zgaga emas, bilingki, o'ziga qilgaydir jafo.



Ma'noli so'zing qadr topib, obro'-himmat-la yasha,
Ezgu bo'lzin amaling, doim izzat-hurmatda yasha.



O'zgaga hurmat-qadr, bu oqillikdan darak,
Etkazar ulug'likka va erur sha'ningga bezak.



Do'st bo'lsang, qadru qimmat ila so'zlagin,
Xato, yutug'im aytib, haqiqatni ko'zlagin.



Kishilarga ko'rsatursang gar qadr-u e'zoz,
Kelur senga ham yuz mehr, buni bil, shovvoz!



Ko'ksing tog'dek yuksalur, el ichra qadring bo'lsa,
Qadring tutdek to'kilur, gar ishing qing'ir bo'lsa.



Arzon sotma qadringni, g'ururingni yuksak tut,
Mehnat qilib sharaf top, boshqasini sen unut.



Kimki do'stin qadr etmay, qilsa o'zidan judo,
Kelsa ofatlar yoprilib, endi unga yo'qdir – shifo.



Orsiz-qadrsiz do'stlikka yaramas,
Chunki u qadr-qimmatni anglamas.



Kim birovning sha'niga beandisha so'zlar aytar,
Shu lahzada toleidan omad-u baror qaytar.



Sen napisad etib kishini, qilgaysan bag'rini xun,
Haqqa soldi qilmishing, javobin bergaysan bir kun.




O'z qadrin Sovurgan, qadrsiz bo'lur,
Qilmishidan ko'ngli zardobga to'lur.



O'zi er, qanday osmon tutsin seni,
Qadrsiz ul, qadrlasin qanday seni.



Beqadrdan qadr istamoq xatodir,
Uning bilan dil bog'lamoq jafodir.



Qarz olsang, obro'ying pasayar zumda,
Qarz bersang, sarmoyang singadi qumda.



Yolg'on tez pasaytirar qadringni,
Boz zaminga egiltirar saringni.
Ezgu so'z va ish senga bo'lqa hamroh,
Yutuq va obro' kelar, chekmaysan oh.



Ustoz dedi:

Yoshi katta qo'l cho'zmasa, qo'ling tutma,
Kibrliga qo'l berib, obro'ying to'kma.

Lavq, shavq va baxt nashidasi

Zavq izla o'zingdan, chetdan izlama,
Tadbirli ish qilmay, shavq ko'zlama.



Qo'shiq tinglab, shavqdan osmon uchasan,
Kuy zavqidan baxt-iqbol quhasan.



Har kuy-g'azal sadosida oshiq nolasi,
Va vafoga yo'llaguvchi ilhom volasi.



Ezgu so'zlar aytib diling shod et,
G'amli ko'ngling alamdan ozod et.



Shukr qilgil, tinch, xotirjam yashab turibsan.
Mevasi mo'l daraxt kabi yashnab turibsan.



Zavqli mehnatdan so'ng shodlik kelar,
Zahmat cheksang yurtingga obodlik kelur.



Kulmoq yaxshidir, yig'lamoq yomon,
Bosh egib kulgiga qolmoqlig yomon.



Ibrat olsang yaxshidan, bu – tarbiya-ta'llimdir,
Oqillikka yo'llovchi tadbirkor muallimdir.




Avlodlarim saodatda yashasin desang,
Ilm-hunar o'rgat, barkamol o'ssin desang,
Hayotda o'z o'rnnini va baxtin topib,
Halol mehnat nonini oshasin desang.




Hayotda kim kurashsa va bo'lsa g'olib,
Erkin va baxtli yashashga u munosib.



Olg'a intilsa odam, albat cho'qqiga chiqar,
Va komil inson bo'lib, kelajagin yaratar.



Ishqtalabga ishq, baxttalabga baxt berar Xudo,
Bandasining mehnatiga yarashasin ko'radi ravo.



Kim ter to'kib chekar mehnat zahmatin,
Ko'rар albat mehnatining rohatin.



Aql-bilim yog'dusi omad yo'ling yoritar,
To'g'rilik yo'lingdagi zahmatingni aritar.



Baxt izlagan odamga shijoat kerak,
Toleini topguncha sabr-toqat kerak.



Ahil xonadondan shodlik arimas,
Xusumat hukm sursa, tongi yorishmas.



Yaxshilar ichra bo'lsang, etarsan murodga,
Yomonlarga yondashsang, qolarsan uyatga.



Kim nafsi jilovlasa, u baxtlidir,
Toleini mehnat-la yaratsa, taxtlidir.



Aql mash'alidan sira uzma qo'lingni,
Chunki mash'al yoritadi yurar yo'lingni.



Agarda bo'lsang oqil, qozonarsan yaxshi nom,
Hayot sendan shod bo'lib, baxt-iqbol etar in'om.



Mehnat qilib topganlar qandu asal totadi,
Tanbal mehnatdan qochib, doim kasal yotadi.




Mehnat-u hunaringdan baxt-toleingni yarat,
O'zgadan tama etma, halolga qilgin rag'bat.

*Vaqt, fursat g'animatligi,
umr o'tkinchiligi haqida*

Fursat o'tar, g'animat har dam,
O'tib borar aziz umring ham.
Ilmu hikmat, ezgu amallar
Bilan umring bezat, ey odam!



Soat milin surib ortga, vaqt ni qaytarib bo'lmas,
Foydasi-chun bu qaysarga aql-ilm o'rgatib bo'lmas.



Vaqt g'animat, topmasin zavol,
Bu oqimda umring bir shamol.



Bilim olmasdan vaqtingni o'tkazma bekor,
Kasb o'rgan, fursat zoe ketmasin, ey yor!



Ko'p gapirib, vaqting behuda sarflama,
Foydasi bo'lsa so'zla, ehtiyojsiz so'zlama.



Kim o'qib, ishlamay vaqtin bekor o'tkazdi,
Oltindan qimmatli umrin zoe ketkazdi.



Fursat o'tdimi, bu kun qaytmaydi hech,
Ilm ol, mehnat qil, to bo'lmasdan kech.



Har ishda g'ayrat qil, fursat kutmaydi,
Tadbir-la ishlamasang, omad kelmaydi.
Vaqt o'tdimi, bil, u hech qaytmaydi,
Keyin afsuslansang, foydasi bo'lmaydi.



Dunyoda abadiy yashamas inson,
Undan ezgu amal qolur, ishon!



Har lahzada o'tib borar umr karvoning,
Qaratilgan bo'lsin ishga kuchu imkoning.



Fozil dedi:

Kunlar o'tar, umrim ketar to'xtamay,
O'zimdan bir nafas ahvol so'ramay.



Dono dedi:

Kuningdan bir kuni o'tdi hayhot,
Umrindan bir zumi chekdi faryod.
Erta kuning bor bo'lsa, sen hayot,
O'qi, ishla, yarat, sen bo'lgin shod.




Vaqtida ovqatlansang va kam-kam esang,
Me'yoriy mehnatni va mashqlar qilsang,
Yomonlikdan doimo sen uzoq bo'lsang,
Shunda, bil, yuz yoshdan oshib umr ko'rasan.



Kun bo'yi yallo qilib, ayt, qaylarga chopasan,
Oltindan qimmat vaqting, sen qaylardan topasan.

Sirlar xaxinasi va xoinning xiyonati

Hayot sirlarini anglamoq oqillar ishi,
Haqqa intilganning ozayadi tashvishi.



Ko‘p o‘qisang, ko‘p narsalar bo‘lur ayon,
Kitob senga olam sirin aylar bayon.



Kasbu hunar sirlarin egallagin yosh paytda,
Huzurini ko‘rasan bir kun kelib yosh qaytsa.



Ilmu hikmat-la hayot sirin bilishing oson,
Nigohingdan pinhon tutmas sirini osmon.



Ilmu fanda borliq sirlarini angla,
Mehnat qilib, uning sirli yo‘rig‘in tingla.



Sodiq do‘sting ila uzoq-uzoq manzil ko‘zla,
Ig‘vadan qoch, dardlaringni suvgaga so‘zla.



Har kimni sherik va sirdosh deb bilma,
Nomardlarga ishonma, yo‘ldosh deb bilma.



Bezangan har ayol xotin bo‘lmas,
Yiltiragan har mis oltin bo‘lmas.



Sen o'z siringni g'animga ochibsan,
Dil gavharin tuproqqa sochibsan.



Siring aytsang o'zgaga, uni saqlab bo'lmas,
Davrada sirni ohib, so'ngra qaytarib bo'lmas.



Hamrohing bo'lsa gar firibgar, ag'yor,
Tilingni tiy, siring bekit, bo'l hushyor.



Ikki raqib gap talashib, sir-asrorlarin oshkor qilar,
Ko'prikda suzishgan ikki echkidek suvga cho'kib
bekor bo'lar.



Munofiqqa ko'p sirlarni aytib bo'lmas,
Yo'qsa kutgan iqboling ham kelmas.



Ayyor ko'ksida bo'lsa, hiyla-nayrang yashirin,
Qancha yashirmasin, ayon bo'lar yovuzlik sirin.



Ikki g'iybatchi bir bo'lib o'zgalar sirin ochar,
Bo'lsalar ayri, bir-birlarin yolg'onin ochar.



Gar yovuz sotqindan ogohsan,
Unutmagin, taxtdagi shohsan.



Vaqt hakam, xiyonatchi siri oshkor bo'ladi,
Olam aro bir umrga ul sharmisor bo'ladi.

Ehtiyotkorlik va me'yor mukofoti

Agar har ishda bo'lsang hushyor,
Bir umrga yutuq bo'lar senga yor.



Uxla ko'zda, diling haqqa uyg'oq bo'lsin,
Kunu tun pok qalbing bilimga to'lsin.




Sirdan ogoh kishini omadli bil,
Tortinmasdan uning bariga intil.



Sen kunu tun hayoting tadbirin tuzibsan,
Demak, iqbolingni yaratishga ogoh turibsan.



G'aflatda yashama, saodat izlasang,
Doimo mehnat qil, buyuklik ko'zlasang.



Ehtiyot bo'lsang, balolar yaqin yo'lamas,
Ogoh tursang, iqbol sendan ayrilmas.



Har so'zing, ishingda bo'lgin ehtiyot,
Makr-hiyla bilan to'ladir hayot.



Kimki bo'lsa tiliga ehtiyotsiz,
Bilgin, u qismatiga e'tiborsiz.



Kimki dushmanidan ogoh bo'l magay,
Ziyon ko'rgay, baxti aslo kulmagay.



Dushmaning firibidan g'aflatda qolma,
Tekinxo'r xushomadin aslo chin dema.



Deydilar, azaliy dushman do'st bo'l mas,
Uni do'st bilmasang, gullaring so'l mas.



G'aflatda qoldingmi etgusi balo,
Foyda bermas zinhor so'nggi nola.



Xaslarning ostida tag'in yo'qmi choh,
Bosgan yo'llaringdan ogoh bo'l, ogoh!



Me'yorga shukrlining aslo kami bo'l magay,
Baxilning o'z yiqqanidan ko'ngli to'l magay.



Me'yorni bilsang, zahar ham dardga salosil urmish,
Ortiq ichsang, asal ham zahri halohil emish.



Haddan ortiq va ma'nosiz so'zlasa kishi,
Kundan-kunga orta borar kulfat-tashvishi.

*Va'daga vafo, sodiglik
va ishonch sharofati*


Kimki bergen va'dasiga qilgay vafo,
Vijdoni pok, beburdlikdan chekmas jafo.



Va'dasiga agar vafo qilmasa inson,
Inson hisoblanmas har ikki jahon.



Omonat – birovdan olingan qarzdir,
Qarzni vaqtida qaytarish farzdir.



Qarzni ertaga deysan, ertang tamom bo'lmaydi hech,
Va'da-yu qasaming buzib, Allohdan qo'rhmaysan hech.




Poklik va sodiqlikdan chiqsin noming,
Dilingda but bo'lsin ishonch-imoning.




Yoningda sodiq do'st bo'lsa, qalbing shoddir,
Tilagingga qo'ldoshdir u, ko'ngling oboddir.



Sadoqatning asosi vafo,
Xiyonatning bitgani jafo.




Sodiq do'st xatoing aytsa yuzingga,
Xunuk ko'rmasin u seni ko'zingga.




Ishonch – ko'ksingdagi qudratli yarog',
Jur'at-la intilsang tekis bo'lar tog'.



Dilingdagi haq fikr tilingga ko'chsa bas,
Sen ishonchlisan, kelur omad basma-bas.



Mashaqqatni engish ko'p qiyin emas,
Bunga aql-zako, ishonch bo'lsa bas.



Oqil rejasiz va ishonchsiz ish boshlamas,
Natijasin anglamay, ijrosiga kirishmas.



Kuching etmas ishga jur'at aylading,
Unutma, dilingga hasrat joylading.



Dushmanga ishonsang yoki qolsang g'aflatda,
Oxiri uchrab kasodga, yasharsan nadomatda.



Yolg'on so'zlab o'zingga ishonchni so'ndirding,
Baxting boylab, toleing niholin so'lording.



Haqiqat – Allohnning ilohiy so'zi,
Yolg'on so'zlaganning qoradir yuzi.



Istasang gar haqiqatning siru sehrini,
Qalbingga jo ayla Alloh mehrini.



Haqiqatni anglamoq-chun ilm va poklik darkor,
Haqlikni yaratmoqqa pokdomon, soflik darkor.



Haq so'zlasang yashash rohat senga,
Yolg'on bo'lса orom qahat senga.



Qalbing haqgo'ylikni etsa ixtiyor,
Bilgin, sen baxtlilar ichra baxtiyor.



Yomonlikdan tiyilish – oqilning ishi,
Yomonlikni o'ylovchi – badxulq qilmishi.



Oqil haq-nohaqni darhol ajratar,
O'ziga elning e'tiborin qaratar.



Haqiqat kishining ersa a'moli,
Nomi ulug'lanib, ortadi moli.



Haqiqat dilingda so'nmas mayoqdir,
Jabru jafo mudom sendan yiroqdir.



Haqiqat – quyoshdek olovli halqa,
Qo'lda tutib bo'lmas, u cho'g'dir lahcha.

Tutsang haqiqat va adolat yo'lin,
Baxtga doxil bo'lursan har lahza.



Halol boylik topsang, olam guliston senga,
Topsang qing'ir yo'l bilan zamin zindon senga.



Kimdaki aql-idrok doim uyg'un bo'lur,
U haqqa ko'ngil qo'yar, yomondan jirkanur.



Haqiqat oynasin sindirmoqqa kimki otsa tosh,
Sopqoni o'ziga qaytib, g'urra bo'lar ul aqlsiz bosh.



O'sib pok, haq nuridan bahra olishni istasang,
Rostlikni o'zingga kasb et, yuksalishni ko'zlang.



Rostlikdan qochmagin, ey yosh navqiron,
Bil, rostlik keltirur doim sharaf-shon.



To'g'ri bo'lsang agarda, ishing ganjli bo'lur,
Nohaqlik yo'llidan yursang, oxiri ranjli bo'lur.



Dono nodonga qarab dedi:
To'g'rilikka yo'llasang, jahllanib g'avg'o qilur,
Boz nohalolga qo'shilib, o'z-o'zin rasvo qilur.



Nega haqiqatga emas, nohaqlikka o'chsan inson,
Chunki haqni yomon tusga bo'yab ko'rsatar shayton.



Kelar bo'lsa-da baxti, ahmoq ezgulikni tinglamas,
Zoe ketsa-da umri, ul nopol haqiqatni anglamas.



To'g'ri yo'Ini ko'rsatsang haqiqat deb bilmaydi,
Xolis maslahatingni yo nazarga ilmaydi.



Diyonat diyorida adl nurini sochgay,
Yurt obod, el-ulus ham qalb qo'rini ochgay.



Adolat qaror topsa imon mavj urar,
Insofu diyonat barqaror turar.



Adolat imonning farzandi erur,
U bor joyda yog'iladi fayz-nur.



Qalbing pok va ishlaring bo'lsaadolatli,
Hatto dushman do'st bo'lib, yasharsan saodatli.



Shoh bo'lsaadolatli, vayron yurt obod bo'lur,
Agar ersaadolatsiz, maqsadlar barbod bo'lur.



Kimda agar bo'lsa imonu vijdon,
Qadri oshib, bo'lur shuhrati osmon.



Hayotda bo'lsa a'moling qilmoq adolat,
Rohatda yasharsan, hech ko'rmayin adovat.



Qayerni obod etsa adolat nuri,
Shunda qurur haqsizlik sho'ri.



Qilsang adolat, haqlik kuchayib qaytar,
Qasd aylasang, bisoting o'tlarga yoqar.



Kimda bo'lmasa adolat, vijdon,
Unda bo'lmas e'tiqod va imon.

Poklik va halollik mukofoti

Sheriklikda agar halol ishlasang,
Kasbing barakotli, kelar omading,
Sherikingga agar xiyonat qilsang,
Daromaddan oshar buromading.



Oshing halol, diling pok, obro'ing bor,
Bunday saodatni tark etma zinhor.



Kimda-kim nomusin pok saqlamasa,
Kasb, bilim egallahsha u intilmasa,
Rizqin yaratish-chun mehnat qilmasa,
Bil, yomonlik esh bo'lur unga hamisha.



Pok bo'lib ham pok yurib halol nasiba kasb qilibsan,
Oxiratni yod etib, valiylarga hamdast bo'libsan.



Haloldan kelmasa boylik egasini xor etar,
To'kin-sochinlik o'tkinchi, oxiri abgor etar.



Sodiqlik va halollikda chiqsa noming,
To'lin oydek bo'lur butun imoning.



Haloldan kelsa boyligu davlat,
Yulqiy olmas uni kin va adovat.



Haloldan boy bo'lsang, umring rohatda,
Haromdan to'plasang boshing uqubatda.



Qaerda nohalollik hirsi yonar betutun,
U erda inson sha'ni kuyar bamisli o'tin.

*Sabr-bardosh va
qat'iylik - dil quvvati*

Bardosh ila kasb-kordan yaratibsan iqboling,
Baxt-iqbol hamroh bo'lib, porlasin istiqboling.



Sabr-bardosh-la ishslash – etuklik nishonasi,
Istiqbolga etishish – toqatning tantanasi.



Sabr ila, bardosh ila haq yo'lidan tutibsan,
Kulfatdan uzoq bo'lib, naqd qo'lidan tutibsan.



Kishi so'zin sabr-la to'liq eshitmoq darkor,
Ma'nisini chaqib so'ng, loydek pishitmoq darkor.



Boy bo'lsa-da noshukur, qilmagay aslo shukur,
Haromdan mol yig'ib boz, tezda o'raga tushur.



O'qish-ishda talabingni qat'iy qil,
Talabdan sayqal topib, mavjlanadi dil.



Har kishi tartib-intizomga qilsa amal,
U albat etishar obro' va sharaf-shonga,
Bo'lmasa intizom yutuq va omadga tamal,
Yutuq ham aylanar engil xasga, somonga.



To'g'ri tanqid bo'lsa-da achchiq, baxting egizlar,
Taqnid bo'lsa g'arazli, g'amdan ado dil bo'zlar.



O'z aybin o'zi aytuvchi, donishmand bo'lur,
Egallab ilmu hunar, davri davronlar surur.



Oldini ol yomonlikning tanbeh berib avval,
Seldek vayron qilur, agar bu ishni etmasang hal.



Qo'rqoq o'lmasidan burun o'ladi,
Xazon bo'lgan guldek bevaqt so'ladi.



Shoshilgan bo'ladigan ishni ham barbod qilgay,
Og'ir, bosiq bo'lsa ishni bajo, yurtni obod qilgay.



Diling, so'zing va ishing bir bo'lsin har doim,
Ikki yuzli, tilyog'lama bo'lishdan asrasin xudoyim.



Sustkashlikni odat etganing,
O'z dilingga zahmat bitganing.

*Kechirimlilik va
sukut marhamati*

Kechirmoq ketkizar gina-kuduratni,
Mehrdan oladi inson qudratni.




Murosa-madora bo'lmasa gar odamda,
Adovat avj olib, qolardi g'amda.



Do'sting gunohidan kechib, bersang yon,
Qalbidan yo'qolardi xusumat, isyon.
Agar kechirmsang, ko'ngling keng qilib,
O'zing ham g'am chekib, bag'ring bo'lar qon.



Sukunatda fikrlashga fursat bo'ladi,
Fikrdan qalbingga quvonch to'ladi.



Gapirishdan bo'lmasa foyda,
Sukut saqla, do'stim, har qayda.



Ma'noli so'zing bo'lmasa, sukut saqlading,
Ko'p oldida insoniylik burchin oqlading.



G'azablangan paytda saqlagin sukut,
Sukunatda g'am-alaming bo'ladi unut.

Yaxshiliklar sharofati

Agar qalbingga in qursa ezgulik,
Boshim ko'kka etdi desang arzigulik.



Yaxshilik qilsang yaxshiga, bundan dil obod bo'lur,
Ezguliklar zavqidan hamisha qalbing shod bo'lur.



Yaxshilik mehr-hurmat paydo qilur,
Do'stlarni o'ziga tezda shaydo qilur.



Ezgulikka yaxshilik-la qaytarsang javob,
Bil, o'z yaxshiligingdan toparsan savob.



Ikki ko'zing bilan ham yaxshilikni ko'r, do'stim,
Sendan hol so'raganni sen ham holin so'r, do'stim,
Dilingda oshyon qursin ezgulik va yaxshilik,
Savobli ishlar qilib, davru davron sur, do'stim!



O'zingga nimani ko'rmasang ravo,
Uni o'zgaga ham ko'rmasang ravo.



Yaxshilik izlaganga nurdir dunyo,
Yomonlik ko'zlaganga zim-ziyodir dunyo,
Aql, bilim va mehnat yaratar iqbol,
Baxt izlaganga imkon to'ladir dunyo.



Yaxshilar so'z-ishingda bo'lsa sirdoshing sening,
Shunda doim yaxshilik bo'lar yo'ldoshing sening.



Zaminda tobora ko'paysin yaxshilar,
Bil, faqat yaxshilardan ezgulik unar.



Yaxshiga yaxshilik qilsang, ezgulik yomg'iri yog'ar,
Qo'llab seni Xudoyim, ko'kdan iqbol-nur yog'ar.



O'zgaga ezgulik qilgan yaxshi odam,
Maqsadi yo'lida boradi ildam.



Oqilga qilsang yaxshilik, qaytar yaxshilik,
Yaxshining diliqa in qurgandir ezgulik.



Tiz cho'k, Allohga yalingin, yolvor,
Haq yo'lga yo'lla de, boshqasi bekor.



Agar sen yaxshi ishlarga bel bog'lading,
Demak, yomonlikning bag'rin dog'lading.



Faqat yaxshilik qil, u yaratar saodating,
Yomonlik eltar kulfatga, tark et bu odating.



Yaxshini – yaxshi, yomonni – yomon deydilar,
Yaxshiga himmat, yomon beimon deyilar.



A'moling bo'lsa yaxshilik sadosi vafo,
Odating bo'lsa yomonlik aksidir jafo.



Yaxshi bo'lsang, senga duo yog'ilur,
Yomon bo'lsang, boshga balo yog'ilur.



Yaxshi bilan bo'lsang, ezgu istak tinglaysan,
Yomonga qo'shilsang, g'iybatu g'araz anglaysan.



Toqqa chiqib baqirsang, sadosi qaytgay,
Yaxshiga yomonlik qilsang, jafosi qaytgay.



So'zdan keladi, bilsang, ezgulik yoki ozor,
Kim agar yaxshi bo'lsa, u doimo beozor.



Yaxshilik qil, yomonlikdan bo'l yiroq,
Shunda senga yaqinlashmas dard, firoq.



Yaxshini bir, yaxshilik qilganni ming ko'r,
Qolsa musibatda ul, ming bora holin so'r.



Yomonga ham yaxshilik qil – dunyoni tuzat,
Har insonni yaxshi deb bil, dunyoni kuzat.

Yomonliklar kasofati

Yomonlikdan uzoq yur, yaxshi inson bo'lasan,
Kamolotga etishib, davru davron surasan.



Ezgulik tomon boraver, ey inson,
El ichra yaxshi nom toparsan, ishon.
Yovuzlik peshangga aylanmasin hech,
Bir dam o'ylamagin, bu niyatdan kech.



Olamda yashay desang omonlikda,
Ko'zga tashlanmagine yomonlikda.



Mayin so'zla gar yaxshilik tilasang,
Mushuk xur-xur uxlar boshin silasang.



Yomondan yursang yiroq, etmagay dilga firoq,
Omadga erishgaysan, yaxshiga ochsang quchoq.



Yomon bo'lsang, eling la'natlab o'tar,
Yaxshi bo'lsang, do'stlaring xandon kutar.



Birovga yomonlik qilganda o'rtansa diling,
Demak, vijdoning uyg'oq, aytmasa-da tiling.



Kechsang yomonlikdan, jafo seni tark etar,
Dildan ketsa kadar, sevinchli onlar kutar.



Sen yomonni deb yomon, diling pora aylama,
O'rgat yaxshilikni ham, nafrat bilan siylama.
Aytgan ishing bajarsa, hecham sarkashlik qilmay,
Undan mehring ayama, chetga surib tashlama.



Yomon yomonligidan o'zi ham zahmat ko'rgay,
Yaxshi ezguligidan bahra olib davr surgay.



Yomonlik qilsang, ko'rganing bo'lar yomonlik,
Yaxshilik qilsang agar, topgaysan omonlik.



Yaxshilik qilolmasang, yomonlik ham qilma,
Yomonlar bad qilig'in sira nazarga ilma.




Yomon-u yomonlikdan shamol kabi qoch,
Shunda erishganing bo'ladi quvonch.



Gul bargining ostida pinhon tig'i bo'larmish,
Yomon niyat bilan qo'l cho'zsa, tikoni sanchilarmish.




Hech qachon yomonga bo'limagin yo'ldosh,
Yog'ilalar boshingga albatta ozorli tosh.



Arpa eksang, albat arpa o'rasan,
Yomonlik qilsang, yomonlik ko'rason.



Yomonlarga qachonki xesh bo'libsan,
Demak, yomon ishlarga bosh bo'libsan,





Yomon g‘oyalarga ergashgan odam,
Qolar uyatga, boshi bo‘lib xam.



Gar yomonlik qilmoq erur qilmishing,
Nojoizdir jafo kelsa nolishing.



Yomonlik yomonlikni ko‘paytirar,
Oxiri ul ko‘ksing sadpora etar.



Qilsang agar yomonlik, natijasi firoqdir,
Yomonliging tashlasang, kulfat sendan yiroqdir.



Kim yomon xulq va yomon so‘zga o‘zin chog‘ladi,
Yomonligi kasridan o‘z qalbini dog‘ladi.



El yomon degan bilan gar bo‘lsang yo‘ldosh,
Bir kun afsus chekib, to‘karsan ko‘zyosh.



Yaxshilikni o‘ylagan yomonlik ko‘rmas,
Yomonlikni kasb etgan omonlik ko‘rmas.



Yomonlikni qilib, so‘ngra yaxshilik kutma,
Zinhor-bazinhor bu so‘zimni unutma.




Aksi sado berar tog‘da turib hayqirsang,
Yaxshi javob kutmagine dag‘dag‘ali baqirsang.



Yomon bo'lib o'zingga omonlikni ko'zlama,
Yomon bo'lib yaxshilik tomonlikni ko'zlama.
Yaxshilar xizmatida kamarbasta bo'l doim,
Yaxshilar ravishida badgumonlik izlama.



Yomonning hamrohi yomon bo'ladi,
U bilan qabohat omon bo'ladi.



Yomon eb turguncha oshna bo'ladi,
Yaxshi umrbod mehrga tashna bo'ladi.




Sen yomonlik urug'in sepding oyoqlar ostiga,
Yursang nogoh sanchilur tikan yomonlik qasdida.



Kimki yomon ishlarni izhor ayladi,
U o'zin musibatga giriftor ayladi.

*Gumon, araz va
ezmalik zahmatlari*

Gumonlining xom so'zin yoqlama hech,
Yo'ldan chalg'itar, ko'ksingda saqlama hech.



Gumon bilan kim o'zgani yozg'irar,
Uni albat to'g'ri yo'ldan ozdirar.



So'z-ishingda sen gumonni odat aylading,
Orzuing etib barbod, kasod yo'lni tanlading.



Shubhalar ishingni ortga tortadi,
Yutuq emas, hasrating tez ortadi.



Eshitsang gumon so'zni, borib ko'rrog'ing darkor,
Aniq o'y lab ish qilsang, rivoj topar kasb-kor.



Ginalarni kechirmoq keltiradi saodat,
Oqil kishi uchun bu ma'qul tushgan bir odat.



Mehr, izzatu hurmat malham bo'lur arazga,
Arazchilar kechirsa, o'rin qolmas g'arazga.



Araz bo'lsa dilingda, sen tezda yo'qot,
Ildiz qo'yib bo'y cho'zmay, uni chetga ot.



Gina, araz va xusumatga yo'l bersa odam,
Undan chiqmas do'stlik, bo'lolmas hamdam.



Dilida araz bor ekan, unda gina yashaydi,
Araz-ginadan kechmasa bitta o'zi yashaydi.



Gina-yu araz qo'zg'ar ko'ngilda qasd-xusumat,
Jahl chiqsa orada ketar albatta hurmat.
Sen ginani unutib, arazchiga cho'zsang qo'l,
Olam guliston bo'lib, qaytar mehr-oqibat.



Er-xotin arazlashsa, sen tushmagin oraga,
O'zлari til topishib, malham qo'yар yaraga.



Sen arazdan so'z ohib, o'zing ovora bo'lding,
Shamol otga minibon, elga ovoza qilding.



Boridan ayrilgan arazchining afsus-nadomati:
Shubha-gumonlarimdan haqiqat o'ldi,
Va ayrildim o'z qalbimning yog'dularidan.
Arazladim, jabridanki muhabbat so'ldi,
Oqibatda judo bo'ldim orzularimdan.



Sen birovga kibr ila qilsang piching,
Oqibati g'urbat bo'lar, ishon, gapim chin.



Ezma ezar ruhiyatni yomondan-yomon,
Oqil bilib so'zlar ma'noli har on.



Ilmi bo'lsa-da ezma, berar asabga ozor,
Qayta-qayta so'zlagay, hamma ham bo'lar bezor.

*G'am-alam va
uni yengish haqida*

Kulfat o'tar, sen undan ozor chekkaning bekor,
Engib qayg'u-alamni, umid qilmoqlik darkor.



Turmushda qancha ko'p bo'lmasin g'amu tashvishing,
Echar barin aql, mustahkam bo'lsa bardoshing.



Olam g‘amlarga to‘la, kulfatlar sadosidan,
 Dil dodga kelar, dardlarning jafosidan.
 Tug‘ilish va o‘lim, bu – azaliy qismatdir,
 Bemorlikda najot top, o‘z aqling shifosidan.



Tosh qattiqmi va yoxud odamning aziz boshi,
 G‘am toshini bosh ezar, bo‘lsa inson bardoshi.



Bag‘ring ezsa g‘am-alam, sen undan qutul bugun,
 Chunki qora tundan so‘ng keladi quyoshli kun.



G‘amgin ersang, kuning yildek uzun bo‘lur,
 Engsang g‘amni, yiling ham kundek o‘tur.




Pastkash odam birovga etkazar g‘am-alamlar,
 Angla, inson, senga xos barcha ezgu amallar.



G‘am-alamga sababdir qing‘ir ishing,
 Yaxshi emas qismatingni kojishing.



Bol yig‘aman desang, ari jismingga nish uradi,
 Xazina topay desang, qo‘riqlab ilon turadi,
 Kasal bo‘lsang sog‘aysin deb do‘xtir dori beradi,
 Gar gulga oshiq bo‘lsang, qo‘lingga tikan kiradi.



Tushsa boshingga alam, o‘zgadan ko‘rma.
 O‘zingning fe’lingdan yuzingni burma.



Qaerga qo'ysam qadam, g'am o'zin oshkor etur,
Yo'q g'amni odam, o'zi araz-g'arazdan bor etur.



Aroq ichsang aql-hushdan judo bo'lasan,
Bor-yo'g'ingni sarf etib, gado bo'lasan.



Dadam Nurilla maxsum ko'chada alkashni ko'rsalar,
ma'yus xirgoysi qilar edilar:

Badmast kelibdi, g'amxona kelibdi,
Aql-farosati yo'q devona kelibdi,
Uyida burda nonu oshdan darak yo'q,
G'am-g'ussaga to'la sarsona kelibdi.



Kim mayga ekan ulfat, biri ikki bo'lmaydi,
May keltirar ko'p kulfat, tirikdir, lek kulmaydi.



Aroqdan zavq topib, aqlin ichib bo'ldi piyon,
Oilasi vayron, bola etim bo'lishi ayon.



Sharobni ichar to'xtovsiz va qo'shib tolein ichar,
Bo'lib rasvoyi olam, insonlik sha'nidan kechar.

Xato va aybni tuzatish samarasi

Inson o'z xatosin tan olsa marddir,
Tuzatsa, etgan maqomi jo'marddir.



O'zingga bo'lsa ayon xato-nuqsonlaring,
Tezda tuzat, ortsin desang imkonlaring.



Kimki ilg'amay xatosin, o'zgalar aybin ko'rар,
Bamisoli yaxshilikdan yomonlikka yuz o'girar.



Xato zaxmidan ko'zlar ochilgani hamon,
Odam xato qilmas edi turguncha zamon.



Xato-aybin anglab tuzatgan odam,
Iqbolga etishgay, adashmay shu dam.



Do'sting yanglishib qilsa biror xato,
Kechirgin, chunki endi qilmas xato,
Yon bermasang, do'sting bo'lmaydi hech,
Bil, dunyoda yo'q kishi qilmas xato.



Gar tuzatib xato-ayblaring, etsang mag'lub,
Yutug'ing naqd, g'ofillik ham, bilsang, mag'lub.



Aybingu xatoingni bilsang, tezda tuzat,
Negaki xatodan xato tug'ilari, buni kuzat.



Davrada aybin yuziga aytib etkazma jafo,
So'ng qalb yarasiga topa olmassan shifo.



Kishilar o'z aybi, xatosini anglasa edi,
Uyatdan o'zgalar aybin so'zlamas edi.



O'zgalar aybiga ziyraklik-la nazar sol,
Xatoing oynada ko'rgandek tuzatib ol.

Ahmoqlik va nodonlik shikastlari

Ahmoq aqlning foydasin anglasa edi,
U aql-zakovat o'rganmoqqa oshiqar erdi.



Ahmoqning boshida hech aql bo'lmaydi,
Mardlar hech qachon beaql bo'lmaydi.



Qaysar ahmoq-nodonga o'rgatsang aqlu zako,
Misoli sho'r erga urug' sepding unmas hech vaqo.



Ahmoqlik tuzatib bo'lmash bir darddir,
Ahmoqlardan uzoqroq yurgan marddir.



Ahmoqqa egib boshing, qilma o'zing past,
Egilgan bosh qovjirar, bo'lur tezda xas.



Aqli qisqa, nodonlar-la bahslashma,
Bahslashib, o'chakishib, qasdlashma.



Ahmoq-johil bir bo'lib, qorni to'ysa osh-nonga,
Aqlu hushdan ayrilib, keladi g'alayonga.



Ahmoqlar xom fikrini to'g'ri deya aytishar,
Ishlarin etib barbod, kasodga yo'l ochishar.



Ahmoq bilan nodon bo'lsa hamxona,
Bu dunyo ham bo'lar edi g'amxona.



Johil-nodon elga rahbar bo'lsa bas,
Tezda el xor bo'lib, yaxshi tushar past.



Ishni gar yuritsang nodonlarga xos,
Sarmoyaga zarar etib, qolar juda oz.



Nodon o'zin komil bilib ishni boshlaydi,
So'ng ketma-ket xato qilib, barmoq tishlaydi.



Kim bo'lsa nodonga hamfikr-hamdam,
Ul ham aylanadi ahmoqqa shu dam.



Kim foyda-ziyonin anglamay bo'lsa nodon,
Ul befahmni davolash-chun yo'q dori-darmon.



Nodondan fahmu farosat izlama,
Himmat qilib, mehr-qadr ko'zlama.



Pastkashda yo'q vafo, sodiqlikdan asar,
Seni arzonga sotib, tezda bahrindan o'tar.



Kutma yaramas pastkashdan mehru vafo,
Chun zuvalasiga yo'g'rilgan jabru jafo.



Hech ishonma pastkash ichsa ming qasam,
Ontiga zinhor amal qilmas u muttaham.



Pastkashga hech yaxshilikni ko'rma ravo,
Chunki u g'urursizga ezgulik noravo.



Munofiq bo'lган kimsa bilan do'stlashma,
Gaplariga laqqa tushib sen sustlashma.



Munofiqqa hamnafas bo'lsa kishi,
Ikki yuzlik bo'lar uning qilmishi.




Kimki yovuz, ko'ksiga dushmanlik joylagay,
Qancha qilsang yaxshilik, u yomonlik aylagay.

Yolg'onchilik, chaqimchilik va ig'vo fojiasi

Bilmayin yolg'on gapirgan yolg'onchi bo'lmas,
Xatosin tuzatib so'zlasa rost, u kam bo'lmas.



Farzanding oldida so'zlama yolg'on,
O'ssin desang uni to'g'ri va ravon.



Birovni nohaq yomonlab yomonotlig‘ bo‘libsan,
Bu odating tashlasang, asl zotlig‘ bo‘libsan.



Sukutda tur, hech qachon yolg‘on-yashiq so‘zlama,
Yuz o‘girib haqdan so‘ng, afsuslanib bo‘zlama.
To‘g‘ri so‘zni aytish, bu – yaxshi inson a‘moli,
Yolg‘on gapirib hech ham, shafoatni o‘ylama.



Dono dedi:


Yolg‘onchiga so‘z aytsam, haq-halolni anglamas,
Balogha tez yo‘liquur, to‘g‘ri yo‘lni tanlamas,
Baxti ketsa-da ahmoq, yaxshilikni xushlamas,
Umri o‘tmoqda zoe, o‘z foydasini ko‘zlamas.



Bor zaminda haqiqat, yolg‘onlaring fosh bo‘lur,
Yolg‘ondan ko‘rgan «foydang», o‘zingga yo‘ldosh bo‘lur.



Ey yolg‘onchi, bu odating tashla, tez yo‘qot,
Haqlikka boshing egib, yomonliging ot!



Yolg‘onchi degan nom chiqarma, holing yomon bo‘ladi,
Yolg‘onlaring fosh bo‘lsa, rangu ro‘ying somon bo‘ladi.



Egrining soyasi ham egri har on deydilar,
Yolg‘onchi rostni desa, gapi yolg‘on deydilar.




Yolg‘onga chin deya tez ishonibsan,
Demak, sen ham boringdan ayrilibsan.



Yolg'onchi elning e'tiboriga zor bo'lur,
Nopisand va omadsiz, oxirida xor bo'lur.



Yosumanday avrama toza dil odamlarni,
Oxiratdan kechmagan, o'ylab bos qadamlarni.



Tiyilmasa tiling yolg'ondan,
Qutulmaysan ohu fig'ondan.



Ishoning, gapim rost deb yolg'on qasam ichmagan,
Vaziyatdan chiqdim deb insonlikdan kechmagan.



G'iybat, ig'vo odatingni tashlading,
Yaxshilik tomonga qadam tashlading.



Sen tinmasdan g'iybat, ig'vo qilursan,
El aro sen sho'rish, g'avg'o qilursan.



Ehtiyotkor odam chaqimchingning ig'vosiga uchmaydi,
Dilin tirnagan so'zlar nogoh tiliga ko'chmaydi.



Oilada avj olsa ig'vo va g'iybat,
So'zsiz boshlanadi g'avg'olar, albat.



Yaxshilarni yomon deya ig'vo qilibsan,
Demak, haq yuziga qorakuya surtibsan.



Ig‘volardan yiroq yur kar qilib qulog‘ingni,
Ig‘vo iflos qilmasin bu mehr bulog‘ingni.




Katta fojialar kelib chiqar ig‘vodan,
Fisq-fujurdan qoch, uzoqroq yur g‘avg‘odan.

Hasad va xasislik kulatlari

Hasad ko‘zi-la boqma, o‘zganing iqboliga,
Xasis hirsi-la qarama kishining moliga.
Biri g‘arazgo‘ylik g‘ussasidan halok bo‘lur,
Biri ochko‘zlikdan bo‘kib ertaroq so‘lur.



Qalbingni hasad, g‘arazdan xalos et,
Yaqinlaring diliga ezgulikni bit.



Hasad ketsa dilingdan havas in quradi,
Havasdandan baxt yo‘li ochilib, iqbol kuladi.



Hasadchi g‘arazidan ogoh bo‘lgaysan,
El-yurt nafratidan yiroq bo‘lgaysan.



Hasadchi iqbollini ko‘rgani hamon,
Tirishib bujmayar qora qurtsimon.



Hasadchining hasaddan ichi yonadi,
Alam kosasin sipqorib, g'amga qonadi.
Birovga qasd qilib, ishi chappa tushsa,
Munofiq qilmishidan birdan tonadi.



Shericing bo'lsa hasadgo'y, g'anim kerakmas,
Uning ziyon-zahmati dushmanidan kam bo'lmas.



G'arazgo'ylik misli zang, u ketmas bir balodir,
G'arazlar yo'q ko'ngilda mudom tinchlik bo'lodir.



Hasadchiga do'st-u hamkor bo'lma hech,
Uning qora dili zaharsiz bo'lmas hech.



G'arazgo'y omadliga dushmanlik qilar,
Badavlatning molini qizg'anib o'lar.



Hasadchi o'z g'arazidan o'zi ko'radi azob,
Umri g'amdan so'lib, xazon bo'ladi tezob.



Iqboli kulganni ko'rolmas ko'ngli qora,
Porlagan chirog'i so'narmi deya zora.



Hasadchiga g'anim hech kerak emas,
Chun g'araz kemirar ko'ksin, tinch qo'ymas.



Hasadchining «shirin» gapiga uchma, birodar,
Baribiram og'udir sutga qo'shilgan zahar.



Hasadchi qaziydi choh, omadli tushsin deya,
Orzui sarob bo'lib, chohga o'zi tushar voh deya.



G'iybatchi hasaddan fisqu fasod tarqatar,
Ig'vo qo'zg'ab o'rtada, bir-biriga to'qnashar.



Xasisga ol desang yayrab oladi,
Ber desang toshdek qotib qoladi.



Xasis o'zgaga hech yaxshilik qilmas,
Yaxshilik qilsang-da u hech qaytarmas,
Borin na o'zi er, na birovga berar,
O'lسا qolib ketar, olib ketolmas.



Oql dashmandan yaxshilik kutsa bo'lur,
Lekin xasis do'stdan faqat hasrat etur.



Boy xasisning boyligi oshgan hamon,
Ochko'zlik azoblari ortar begumon.



Xasis va ochko'zga bo'limagin muhtoj,
Mehnatingdan yarat, o'zingga taxt-toj.



Baxil qizg'anishdan bosh ko'tarmas emish,
Shu bois, erga nihol eksa ko'karmas emish.



Omadi chopganni ko'rganda baxil,
Hatto salom bermas, sinadi chil-chil.



Baxilning ko'ksida qizg'anchiqlik dog'i bor,
Hasad o'tida kuyib, o'zgalarga berar u ozor.

To'hmat va zug'um aks-sadosi

Nohaq tuhmat kishi qalbin so'ldirar,
Tuhmatkash bir kuni o'zin bildirar.



G'araz-la tuhmatlar yozib, «dardi»ni bayon ayladi,
Qalbining marazligin barchaga ayon ayladi.



Nogoh boshga tegsa tuhmatning toshi,
Zaxmidan to'xtamas ko'zlarning yoshi.



Ey inson, saqlan o'zgaga bermoqdan ozor,
Shunda o'zingga ham qo'l ko'tarmas dilozor.



Kimki pok dillarga beradi ozor,
O'zi xavfda yashar, el undan bezor.



Achchiq so'z ko'ngilni vayron qiladi,
Shirin gapdan g'amgin shodmon bo'ladi.



Jahlga erk bermay, shirin so'z labsan,
Demak, sen o'zingga panoh so'rabsan.



Elga qilsang zulm, senga kelgay ming jafo,
Jafo tig'idan bo'lgaysan boringdan judo.



Hech kimga bu dunyo vafo qilmas ekan,
Beqadr janjalda umrin zoe etar ekan.
O'z-o'zin g'am-g'ussaga giriftor qilib,
O/lgandan so'ng beg'avg'o tinch yotar ekan.



Sal tanglikka battol g'avg'o qiladi,
Ishlamay u nuql talab-ig'vo qiladi.




Ul yovuz pok qalblarga ozor o'qin otadur,
Oxiri qasos qaytsa o'ziga toshdek qotadur.



Mushtumzo'r ko'chada qilsa o'z bilganin,
El ozor cheksa, ne naf qonun bo'lganin.



Bir zo'ravon dunyoni sitamgoh aylagay,
Sher bo'lmasa, tulki o'zin shoh saylagay.



Yovuzki, bir kun albat uchragay Haqning qahriga,
Qilmishi bo'lsa yomonlik, yo'liqar xalq qahriga.

Do'pollik va qahr jarohatları

Qo'pol so'z kishi dilin vayron qilur,
Go'zal so'z ko'ngilni charog'on qilur.



Muloyimlik inson xulqini bezar,
Qo'pol bo'lgan odamdan hamma bezor.



Qalbda yovuz fikr bosh ko'targan on,
Xomush bo'lsang foyda ko'rasan, inon!



Haqoratlab, ko'ngilni egallab bo'lmas,
Billur sinsa, uni hech chegalab bo'lmas.



Qo'polikda kimki oshsa haddidan,
G'animlik topadi, so'zi kasridan.



Zulmingdan joningga qaytar ming balo,
Jazo qiynog'ida qolsang, yo'q davo.




Jazavang qo'zganda, uni tizlasang,
G'azabingni bosib, vazmin so'zlasang,
Shunda bo'lg'ay azob uzoq, omonlik yaqin,
Tinch yasharsan, eminlikni ko'zlasang.




Gar dono g'azabdan o'zin bosa olmasa,
Johilga aylanar, go'yo dalli-devona.

Qahr dushman, kishi uni enga olmasa,
Bor-yo'g'idan ayrilib, qolar sarsona.



Jahl va jazavang o'tida nodon,
O'zingni yoqasan bo'lib beomon,
O'rningni oliboq ul yov-mirg'azab,
Boringni yondirar, etib beimon.



Jazavangni jilovla, g'azabing toshsa ham,
Azobini tortmaysan, eldan bo'lmaisan kam.



Jazava-yu qahr-la, jonga jabr aylading,
Demak, o'zingni sen do'zax o'tiga shaylading.



O'zgalar dilin emas, o'z qahringni qayir-da,
Joning orom topar, mana savob qaerda?



Tortishib ne qilarding asablaring bo'sh bo'lsa,
Yurak-bag'ringni o'yma, muammolar duch kelsa.



Imkon qadar g'azabingni jilovla,
Hamsuhbat do'stingning ko'nglini ovla.



Zolimlikda qahru zulm qilibsan,
O'zgani er, o'zingni sher bilibsan.



Badjahl emas, bo'lsang muloyim,
Tinch-rohatda yasharsan, bil, doim.

Jinoyat va jazo azoblari

Har zamonda qonun va talablar bor,
Rioya qilgin doim ey, aqlga yor!
Bilmayin qilsang agar qonunsiz ish,
Erkingdan ayrilasan, jazo muqarrar.



Qoziki bo'lsa odil,adolat qaror topar,
Bo'lsa agar poraxo'r, nohaqlik ildiz otar,



Qilsang agar jinoyat, kelgaydir jazo,
Bo'lmasa aybing, sendan uzoqdir jafo.



Jinoiy til biriktirib kimgadir bo'lma sherik,
Oltinga teng umrni elga berish kimga kerak.



Qing'ir ishning qiyig'i qirq yilda ham chiqarmish,
Yomonlarga qo'shilib yaxshi bo'lish bekormish.



O'g'ri kazzob jazoni yoddan chiqarar,
Tag'in o'g'irlik qilib, boz mahbus bo'lar



Kimki o'g'ri-kazzobga ko'rsatsa shafqat,
Orttirgay yaxshilarga zaxm va kulfat.



Xatga tushgan o'tga tushar, ajratib bo'lmas,
Egrilikka imzo qo'ysang, yo'qotib bo'lmas.



Ochko'z o'g'ri o'zgalar molin o'marar,
Oqibat mahbus bo'lib uzoq o'tirar.



Har bir yomonlikka bordir munosib jazo,
Yaxshilar bilan bo'lsang, tortmaysan jafo.



Yomon jinoyatga jazo borligin bilgani yaxshi,
Haqiqatning kuch-qudratin nazarga ilgani yaxshi.



Yovuzlik qilsang, kelgay jinoyatga jazo,
Ezgulik tomon yursang, qalbing ham musaffo.



Hirsning zo'ri aql yuziga qora surtadur,
Tovusdek tovlanib, jinoyatga tortadur.



Zulmning bag'rida jafo izi bor,
Nopoklik qatida jazo sasi bor,
Yomonlikni kasb etma, ey, inson,
Har jabr uchun jazo nafasi bor.

*Saxovat va muruvvat
mo'jizalari*

Saxovat ezgu qalbdan chiqar har qachon,
Qo'lingda bo'lmasa, aqlingdan ber, ey o'g'lon!
Sahrodir ikki yon, daryo oqsa pastdan,
Sen saxiy daryodek, qalbni et bo'ston!

Saxovat qilsang xalqingga inoyatda,
Boqiy umr ko'rarsan albat hidoyatda.

Saxovat ko'rsatsang topgan halol molingdan,
Topgaysan elda sharof bu qilgan a'molingdan.

Ishda va so'zida saxovatli bo'lsa gar inson,
Qon-qardoshi ichra qadri oshadi chunon.

Halol yashab, o'z molingdan qilsang saxovat,
Barakat toparsan umringdan, mehnatdan rohat.

Saxiy non bersa, ham jon berarkan,
Jon fido etgan ham non berarkan,
Saxiy ko'ngli hamisha bo'ladi pok,
Muhtojlar dardiga darmon bo'larkan.

Foydali so'z aytmoq ham muruvvatdir,
To'g'ri yo'l ko'rsatmoq, bil, saxovatdir.

Ehsonsiz badavlat – bahorda yog'magan bulut,
Ilmin o'rgatmagan – kitob ko'targan noshud.

Muhtojning dilida jarohat bordir,
Gar saxovat qilsang, senga Haq yordir.

Muhtojga qil saxovat, boshqasi bekor,
Ikki dunyo savobin olarsan, ey yor!

Minnat oshiga yuzingni burma,
Umid bilan xasis izidan yurma.

Me'yorida ovqatlanish xosiyati

Yemoqda me'yor va parhezga amal qil,
Chunki ortiq emoq koni kasal, bil.

Kimki sog'lik, uzoq umr ko'zlasa,
Kam-kam eb, oz-ma'noli so'zlasa.

Ovqatning mazasi tildan bilinar,
Ochqab esang, chin ta'mi sezilar.

Yeb to'yemasning jismida dardlar makon quradi,
Semizlik zaxmidan tanida majruhlik turadi,
Keksalik zaifligi vujudiga bemavrid kelib,
Jonini qiynoqqa solsa, uni kasallikdan ko'radi.

Kishilar ichida eng ojiz-u zaif inson,
Hirsin tiya olmay, dard chekar yomon.

Badnafs eyaversa, o'z qornin o'pqon aylagay,
Dard oldida o'zini ojiz-notavon aylagay.

Kimki ko'p ovqat eb, xirsdai semirar,
Ovqatni u emas, uni ovqat kemirar.


To'ymas qorning seni bemor aylagay
Eltib chohdek zimistonga joylagay.

Salomatlik va kasallik haqida

Tug'ilmoq va o'lmoq taqdiri azal,
Kelmoq bayram, ketmoq azobu dudmal.



Kimki kasallik g'am-azobin o'zida sinamas,
U sog'liqning bebaho qadr-qimmatin anglamas.



Yaqinlaring holidan xabar olishni odat qil,
Duolarin olar bo'lsang, sen buni saodat bil.



Kasal shifo topmas mehru shifosiz,
Ko'ngil yashnamaydi mehru ziyo siz.



Kasallik kishining jismida kezar,
Davosi topilsa, bemor dardni ezar.



Tanangda avj olsa dard azoblari,
Jonga ora kirmas boylik, bisotlari.
Holing bayon ayla hakim qoshida,
Davosi topilsa, ketar dardning dodlari.



O'lim haq, har kishi buni anglasin,
Poklanib, Allohdan o'ziga umr tilasin!



Badhirs, baxillarning ko'zlarini to'ymas,
O'lganida ikki quloch yerdir unga bas.

Dardning davosi va shifokorlik zahmati

Har kishi dard chekkanda, najot berar tabobat,
Umrinги uzaytirib, qanot berar tabobat.
Shifokor bemor uchun sidqidil zahmat cheksa,
Bemorni sog‘aytirar, hayot berar tabobat.



Kasallik paydo bo‘lsa, dori-davosin axtar,
Sog‘liging zaif bo‘lsa, mashqdan shifosin axtar.




Har bir xastalikning biror davosi bordir,
Bilmay berilgan malham, dard ustiga ozordir.



Bemorning dardidan o‘zga yo‘q hasrati,
Dardiga davo topsa, mavj uradi g‘ayrati.



Insu jinsdan kutmagin sen hech shifo,
Hakim ilmli bo‘lsa, har dardga topar davo.



Shifokor mehribon, bol so‘zli bo‘lgay,
Bemor ruhlanib, dardni mag‘lub qilgay.



Bilimdon hakim bemor dardiga davo topadi,
Hakim ilmsiz bo‘lsa, bemor qayga chopadi.




Shifokor o‘z bemorin dardiga bo‘lsa befarq,
Xastalik avj olib, bemor holi tang bo‘lur.
Qaysi hakim harom-xarishni qilmasa farq,
Obro‘yi tushib, el oldida diltang bo‘lur.



Shifokor kasallikka to'g'ri tashhis qo'ymagay,
Noo'rin dori zaxmidan dard azobin qo'ymagay.



Kasaling belgilarin hakimdan yashirma hech,
Qo'ysa noto'g'ri tashxis, davolashga bo'lar kech.



Agar diling, jisming ham bo'lsa ozoda,
Sog'liging ham bo'lur kundan-kunga ziyoda.



Pokiza bo'lsa kishining kiyim-boshi,
Dili pok, qalbi toza, taniga singar egan oshi.



Siyrating a'molingda namoyon,
Kimligingni libosing aylar ayon.



Munosib libos qizlar chiroyin ochar,
Yigitlar dilida muhabbat o'tin yoqar.



Kimningki libosi jismiga loyiq,
Unga havas qilar ko'rgan xaloyiq.



Tozalikni shior bil, boshqasini bekor bil,
Dardlar senga yo'lamas, osh-qatiqni tayyor qil.



Kim toza saqlasa og'iz-tishini,
Chekmagay u dard tashvishini.



Har hafta poklik tilab hammomga borsang,
Taningga dard qo'nmas, yuvinib yursang.



Ba'zi ayol ko'chada ko'p gap sochar,
Uyida sonsizlik sirini ochar.



Ey do'st! To'y-tomosha xarjini kamroq qil,
Farzanding ro'zg'origa sarfni ko'proq qil!



Agar inson bo'lsa, shirinso'z, shodon,
Mehmonlar davrasi bo'ladi xandon.



Yaxshini mehmon qilsang, qadring oshar,
Yaramaslar sir-asroring qumdek sochar.




Mezbon xushlamaganin sezganining hamon,
Uzringni aytgin-da tezda qayt, o'g'lon!



Ochko'zlik kasridan mezbonlikdan kuyibsan,
Mehmon kelsa uyingga, qosh-qovog'ing uyibsan.



Mehmonga aytishmasa, birovga ergashib borma,
Do'l urgan tut bargidek obro'ying tuproqqa qorma!



Haq yo'lini istasang sayohat qil,
Baxt-tole istasang safar qil,
El-yurtlarni ko'rib ilming ortadi,
Hayot sirin anglab tajribang ortadi



Yo'llarda sarbonsiz qilsang sen safar,
Barcha boshliq bo'lib, g'avg'o avjga chiqar.

МУНДАРИЖА

Салом ва саломлашиш одоби ҳақида	3
Орзу ва мақсад сари интилишнинг фазилати	4
Тарбия ва таълим – камолот бешиги	7
Ақлий такомиллик – нажот фариштаси	8
Билим – етуклик пиллапояси	12
Англаш, фаҳм-фаросат, фикрлаш ва ибрат олиш хусусида	15
Хулқ ва одоб кирралари	17
Илм-фан ва техника – тараққиёт омили	20
Устоз ва шогирдлик анъанаси	22
Ҳавас ва гараз	23
Сўзлашиш асрорлари	25
Тил одоби ва сухбатлашиш маданияти	28
Китоб – билим ҳазинаси, ҳикмат – ақл ғанжинаси	30
Маслаҳат ва насиҳатнинг фойдаси	32
Ватан ва ҳалққа ғидойилик, табиатни асраш ҳақида	34
Касб-хунар ва мутахассислик тўғрисида	36
Олға интилган чўккига чиқади	38
Мехнат – саодат қалити	39
Режали иш ва табиркорлик	42
Иктисодий омиллар самараси	44
Раҳбарлик ҳақида	46
Таъмагирлик ва баднафслик	48
Пораҳўрлик укубатлари	51
Камтарлил ва манманлил	52
Дангасалик ва камбағаллик	54
Дўстлик ва шерикчилик	57
Баҳс, зиддият ва душманлик	62
Мехр ва хурмат – эзгулик бўстони	65
Насл-ирсият ва ошиклик хусусида	67
Севги ва муҳаббат садокати ҳақида	68
Ишқ шайдолиги	71
Эр ва хотинлик бурчи ва вазифалари	72
Шарм-ҳаёв, вафо ва номус мукаддаслиги	74
Ота ва она – оила ифтихори	77
Болалар – келажагимиз	80
Кексалик ва донолик кароматлари	82
Диний эътиқод ва имон ҳидояти	86
Қўшничилик, қариндошлик ва аҳиллик	89
Баҳо, кадр ва обрў сарҳисоби	91
Завқ-шавқ ва баҳт нашидаси	93
Вакт, фурсат ғаниматлиги, умр ўтқинчилиги ҳақида	96
Сирлар ҳазинаси ва хоинлик хиёнати	98

Эхтиёткорлик ва меъёр мукофоти.....	100
Ваъдага вафо, содиклик ва ишонч шарофати.....	102
Ҳакикат ҳикмати ва адолат кучи	103
Поклик ва ҳалоллик мукофоти	107
Сабр-бардош ва қатъийлик – дил қуввати.....	108
Кечиримлилик ва сукут марҳамати	110
Яхшиликлар шарофати.....	111
Ёмонликлар касофати	114
Гумон, араз ва эзмалик заҳматлари	117
Фам-алам ва уни енгиш ҳакида	119
Хато ва айбни тузатиш самарааси.....	121
Ахмоклик ва нодонлик шикастлари	123
Ёлғончилик, чакимчилик ва иғво фожиаси	125
Ҳасад ва ҳасислик кулфатлари.....	128
Туҳмат ва зуғум акс-садоси	131
Қўполлик ва каҳр жароҳатлари	132
Жиноят ва жазо азоблари	134
Саховат ва мурувват мўъжизалари	136
Меърида овқатланиш хосияти.....	137
Саломатлик ва касаллик ҳакида	138
Дарднинг давоси ва шифокорлик заҳмати	139
Покизалик ва озодалик, кийиниш маданияти ва мехмондорчилик одоби.....	141

MUNDARIJA

Salom va salomlashish odobi haqida.....	145
Orzu va maqsad sari intilishning fazilati	146
Tarbiya va ta'lim – kamolot beshigi	149
Aqliy takomillik – najot farishtasi.....	150
Bilim – yetuklik pillapoyasi	154
Anglash, fahm-farosat, fikrlash va ibrat olish xususida.....	157
Xulq va odob qirralari	159
Ilm-fan va texnika – taraqqiyot omili	162
Ustoz va shogirdlik an'anasi	164
Havas va g'araz	165
So'zlashish asrorlari	167
Til odobi va suhabatlashish madaniyati	170
Kitob – bilim xazinasi, hikmat – aql ganjinasi	172
Maslahat va nasihatning foydasi	174
Vatan va xalqqa fidoyilik, tabiatni asrash haqida.....	176
Kasb-hunar va mutaxassislik to'g'risida	178
Olg'a intilgan cho'qqiga chiqadi	180
Mehnat – saodat kaliti	181
Rejali ish va tabirkorlik	184

Iqtisodiy omillar samarası	186
Rahbarlik haqida.....	188
Ta'magirlik va badnafslik	190
Poraxo'rlik uqubatlari	193
Kamtarlik va manmanlik.....	194
Dangasalik va kambag'allik	196
Do'stilik va sherikchilik	199
Bahs, ziddiyat va dushmanlik	204
Mehr va hurmat – ezgulik bo'stoni	207
Nasl-irsiyat va oshiqlik xususida.....	209
Sevgi va muhabbat sadoqati haqida	210
Ishq shaydoligi	213
Er va xotinlik burchi va vazifalari.....	214
Sharm-hayo, vafo va nomus muqaddasligi.....	216
Ota va ona – oila iftixori.....	219
Bolalar – kelajagimiz.....	222
Keksalik va donolik karomatlari	224
Diniy e'tiqod va imon hidoyati	228
Qo'shnichilik, qarindoshlik va ahillik	231
Baho, qadr va obro' sarhisobi	233
Zavq-shavq va baxt nashidasi	235
Vaqt, fursat g'animatligi, umr o'tkinchiligi haqida	238
Sirlar xazinası va xoinlik xiyonati.....	240
Ehtiyyotkorlik va me'yor mukofoti.....	242
Va'daga vafo, sodiqlik va ishonch sharofati	244
Haqiqat hikmati va adolat kuchi	245
Poklik va halollik mukofoti	249
Sabr-bardosh va qat'iylik – dil quvvati	250
Kechirimlilik va sukut marhamati	252
Yaxshiliklar sharofati	253
Yomonliklar kasofati	256
Gumon, araz va ezmalık zahmatları	259
G'am-alam va uni engish haqida	261
Xato va aybni tuzatish samarası	263
Ahmoqlik va nodonlik shikastlari	265
Yolg'onchilik, chaqimchilik va ig'vo fojiasi	267
Hasad va xasislik kulfatlari	270
To'hmat va zug'um aks-sadosi	273
Qo'pollik va qahr jarohatlari	275
Jinoyat va jazo azoblari	277
Saxovat va muruvvat mo'jizaları	278
Me'yorida ovqatlanish xosiyati	280
Salomatlik va kasallik haqida	281
Dardning davosi va shifokorlik zahmati	282
Pokizalik va ozodalik, kiyinish madaniyati va mehmondorchilik odobi.....	283

ЯРАШ НУРИЛЛАЕВ

КҮНГИЛ ИФОРИ

(Назмий ҳикматлар)

YARASH NURILLAYEV

KO'NGIL IFORI

(Nazmiy hikmatlar)

Тошкент «Маънавият» 2018

Мухаррир Ф. Эргашев

Мусаввир М. Агъямов

Мусаххих М. Ҳасанова


Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишига 12.11.2018 йилда руҳсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 15,12.
Нашр т. 11,4. 1200 нусха. Буюртма № 18-60. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараккиёт 2-берккӯча, 2-йй. Шартнома № 31-18.



Яраш Нурилаев ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида фидокорона хизмат қилган инсон. У кишини барчамиз етук олим, хўжалик раҳбари, туман ҳокими ва бошқа катта-кичик амалларда сидқидилдан фаолият кўрсатган фидойи инсон сифатида биламиз. Бугунги кунда Яраш ака ўнлаб адабий-маърифий, фалсафий ва тарбиявий мавзудаги китоблар муаллифи. Давримизнинг руҳини қалбан ҳис этган адаб муборак ёшида ҳам қўл қошутириб ўтиргани йўқ. У доимо одамлар орасида, билими, тажрибасини ёшлар билан баҳам кўриб, юртимиз равнақига ўз ҳиссанини қўшиб келмоқда.

ISBN 978-9943-04-367-1

9 789943 043671

Манзур